ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Навоий давлат педагогика институти
Педагогика кафедраси

# Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари

Навоий- 2005

Ушбу матн қўлланма «БТУ ва тарбиявий иш» бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган «Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари» фани соҳасига оид билимлар мажмуини қамраб олади.

Матн қўлланмада Танқидий фикрлаш ва унинг мазмун, моҳияти, танқидий фикрлашнинг босқичлари, танқидий фикрлашни шакллантириш йўлларини ёритишга ҳаракат қилинган. Ўқувчи-талабаларда мустақил, онгли ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун турли интерфаол методлардан фойдаланишнинг йўллари кўрсатиб берилган.

Матн қўлланма ўқитувчилар ва Бошланғич таълим услубиёти факультети талабалари учун мўлжалланган.

Муаллиф : доцент. Д.А.Ахатова

Тақризчилар: доцент в.б. С.Сайитов

Катта ўқитувчи Б.Унгаров.

**Навоий давлат педагогика институти**

**Педагогика кафедраси**

**БТУ ва мусика факультети 3-4 -курс талабалари учун Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари фанидан**

# ишчи режа ва дастур

**(2004-2005 ўқув йили учун)**

| Семестр | маъруза | Семинар | Лаборатория |
|---|---|---|---|
| 5 | 16 | 10 | 12 |
| 6 | 4 | 4 | 4 |
| 7 | 20 | 16 | 14 |
| Жами | 40 | 30 | 30 |

| № | Маърузалар мавзуси | Маъруза | Семи Нар | Лаб- |
|---|---|---|---|---|
| | **Танқидий фикрлашнинг назарий асослари** | | | |
| 1. | Танқидий фикрлашнинг мазмуни ва моҳияти | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Танқидий фикрлашнинг асослари | 4 | 2 | 4 |
| 3. | Анъанвий ва ноанъанавий ўқитиш шакллари. | 4 | 2 | 2 |
| 4. | Танқидий фикрлашда Блум таксономиясидан фойдаланиш | 2 | 4 | |
| | **Танқидий фикрлашни ривожлантиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш:** | | | |
| 5. | Ўрганишнинг ҳамкорлик модели. Кичик гуруҳларни тузиш ва уларда ишлаш | 2 | 2 | 4 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 6. | Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Синквейн», «Кластер» усулларидан фойдаланиш | 2 | 2 | 4 |
| 7. | Матн билан ишлашда «Инсерт» жадвали, «Икки қисмлик кундалик» усулларидан фойдаланиш. | 2 | 2 | 2 |
| 8. | Танқидий фикрлашда «Ақлий ҳужум»,«Пинборд» усулларидан фойдаланиш | 2 | 2 | |
| 9. | Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик» стратегиясидан фойдаланиш. | 2 | | 2 |
| 10 | Танқидий фикрлашда «Т-чизма», «Венн диаграммаси», «Эйлер доиралари»дан фойдаланиш | 2 | | 2 |
| 11 | «Семантик хусусиятлар» ва «Концептуал жадвал»дан фойдаланиш йўллари | 2 | 2 | 2 |
| 12 | Танқидий фикрлашда ёзув стратегияларининг ўрни | 2 | 2 | |
| | **Баҳс- мунозаралар уюштириш методикаси** | | | |
| 13 | Мунозара ва дебатлар ташкил қилиш техникаси | 2 | 2 | 2 |
| 14 | Кейс усулининг моҳияти ва аҳамияти | 2 | 2 | |
| | **Танқидий фикрлашда ўйинларнинг урни** | | | |
| 15 | Танқидий фикрлашни ривожлантиришда ролли ва вазиятли ўйинлардан фойдаланиш. | 2 | 2 | 2 |
| | **Ўқитиш натижаларини баҳолаш** | | | |
| 16 | Ўқувчилар ўзлаштириш сифатини баҳолаш усуллари ва асосий мезонлари | 2 | 2 | |
| 17 | Тестларнинг турлари ва уларни қуллаш | 2 | | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Жами: | 40 | 30 | 30 |

**Навоий давлат педагогика институти**

**Педагогика кафедраси**

**БТУ ва мусиқа факультети 3-4 -курс талабалари учун Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари фанидан мустақил таълим учун топшириқлар**

**(2004-2005 ўқув йили)**

| № | Мустақил иш мавзуси | Топшириқ шакли | Макс. балл |
|---|---|---|---|
| 1. | Танқидий фикрлашда Блум таксономиясидан фойдаланиш | Блум таксономиясиддаги феъллардан фойдаланиб ўқув мақсади ва вазифаларини белгилаш | 1,5 |
| 2. | Ўрганишнинг ҳамкорлик модели. Кичик гуруҳларни тузиш ва уларда ишлаш | Кичик гуруҳларни тузишнинг турли усул ва йўлларига оид мисоллар келтириш | 1,5 |
| 3. | Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Синквейн», «Кластер» усулларидан фойдаланиш | Бошланғич синф машғулотларида «Синквейн» ва «Кластер» усулларидан, «Инсерт» жадвалидан фойдаланишга оид қисқача кўрсатма тайёрлаш | 2 |
| 4. | Танқидий фикрлашда «Ақлий ҳужум» ва «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик») усулларидан фойдаланиш | «Ўқиш» дарсларида «Ақлий ҳужум ва «Б-Б-Б» усулларидан фойдаланишга оид мисоллар келтириш | 2 |
| 5 | Мунозара ва дебатлар ташкил қилиш техникаси | «Одобнома» дарсидаги бирор мавзу мисолида мунозара ташкил қилиш сйенарийсини ишлаб чиқиш | 2 |
| 6 | Танқидий фикрлашни ривожлантиришда ўйинлардан фойдаланиш. | Математика дарсида қўллаш мумкин бўлган турли дидактик ўйинларга мисоллар тузиб келиш | 1 |
| | Жами: | | 10 балл |

Тузувчи: п.ф.н.Д.Ахатова

## ДАСТУРНИНГ МАЗМУНИ

# 1 боб.  Танқидий фикрлашнинг  назарий асослари

## 1-мавзу: Танқидий фикрлашнинг  мазмуни ва моҳияти

Танқидий фикрлаш ва унга турли қарашлар.  Танқидий фикрлашнинг элементлари: а) Танқидий фикрлашда мустақил фикрлашнинг ўрни.  б) Ахборот танқидий  фикрлашнинг бошланишидир. в) Танқидий фикрлашда савол қўйиш, муаммони аниқлаш.  г)  Танқидий  фикрлашда  ишончли далилларга таяниш.  д) Танқидий фикрлашнинг ижтимоий  характери.

## 2-мавзу:  Танқидий  фикрлаш асослари.

Танқидий фикрлаш босқичлари. Чақириқ ( даъват) босқичининг мақсади ва аҳамияти. Англаш босқичининг мақсади, вазифаси ва аҳамияти. Танқидий фикрлашда мулоҳаза қилиш (фикрлаш) босқичининг ўрни. Танқидий фикрлаш асоси, чақириқ- қизиқиш уйғониши, саволлар туғилиши, янги билим учун интилиш; англаш- янги ўкув материалининг тушунилиши, ўз тушунчалари «орқасидан кузатиб» бориш, рефлекция, ўзи-ўзини куриш; мулоҳаза қилиш-билимлар мустаҳкамланади, ўқиганликнинг ортиши, янги ғоя ва ахборотларни ифодалай олиш; таълим мақсадларини ажратиш, фаол мунозара, фаоллик, рағбатлантириш

## 3-Мавзу: **Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш шакллари**

Ўқитишнинг анъанавий  шакллари. Дарс, синф-дарс тизими, марказда ўқитувчи туриши, маъруза, савол-жавоб,  амалий, лаборатория машғулотлари, олдинги билимга таяниш, Ўқитишнинг ноанъанавий  шакллари. Ўқитишнинг ноанъанавий модели- ҳамкорликда ўкитиш, моделлаштириш, ўрганишнинг тадқиқот модели, муайян муаммони екчиш, мустақил тадқиқот, ўқитиш жараёнини назорат қилиниши, вақтдан унумли фойдаланилиши, ўқувчиланинг пассивлиги-фаоллиги, ўзаро қайта алоқа, юқори даражадаги мотивация, танқидий фикрлаш ривожланиши. Ананавий ва ноанъанавий шаклларнинг

ютуқ ва камчиликлари. Таълим тарбияга турли ёндашувлар, алоқа, юқори даражадаги мотивация, танқидий фикрлаш ривожланиши.

4- Мавзу: **Таниқидий фикрлашда Блумм таксаномиясидан фойдаланиш.**

Талим мақсадлари ва вазифаларини лойиҳалаш. Таълим мақсадини ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти орқали белгиланиши, мақсадни тўғри қўйишнинг аҳамияти, бош, оралиқ, ҳаракатга тенг мақсадлар, ташҳисланган мақсад. Мақсадларни белгилашда Блум таксаномиясидан фойдаланиш. ,Таксономия- (кўп босқичли тузилиш) тушунчаси, Ўқув мақсадларининг асосий категориялари. , таълим мақсади категориялари: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш. Блум таксономияси бўича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.

## 11- БОБ. ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

### 5- МАВЗУ: Ўрганишнинг ҳамкорлик модели. Кичик гуруҳларни тузиш ва уларда ишлаш

Таълимнинг гуруҳли шакли ва аҳамияти: таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати, таълим олувчиларнинг потенциал имкониятлари ривожланиши, билимнинг ҳамкорликда бойиши, ўзаро муносабат; гуруҳларни шакллантириш тамойиллари. Гуруҳда ишлашни режалаштириш. Гуруҳга ажратиш ва гуруҳда ишлаш қоидалари. Кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари.

### 6- МАВЗУ: Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Синквейн», «Кластер» усулларидан фойдаланиш

Танқидий фикрлашга ўргатишда интерфаол усулларнинг ўрни. «Синквейн» усули, синквейн ёзиш қоидалари, Синквейн- мураккаб ахборотни синтезлаш воситаси сифатида, синквейн- болалар тушунчаларининг йиғиндисини баҳолаш воситаси сифатида, синквейн- ижодни тақдим этиш воситаси сифатида.

Кластер усули, кластер эркин ва очиқ фикр стратегияси. Кластерларга бўлиш қоидалари. Тоифаларга ажратиш.

## 7- МАВЗУ: Матн билан ишлашда «Инсерт» жадвали, «Икки қисмлик кундалик» усулларидан фойдаланиш.

Инсерт усули, Инсерт- матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш воситаси, инсерт жадвали ва у билан ишлаш.

Икки қисмлик кундалик. Матндан танлаб олинган сўз, ибора, гап ёки бирор цитата. Танлаб олинган цитатага шарҳ. Муносабат, фикрни баён этиш.

## 8-МАВЗУ: Танқидий фикрлашда «Ақлий ҳужум»,«Пинборд» усулларидан фойдаланиш

Ақлий ҳужум (Брейнштормин)- ғояларни генерация қилиш усули. Шахсий ғояларни илгари суриш. Кичик гуруҳларда янги- янги ғояларни яратиш. «Ақлий ҳужумнинг қоидалари», Ақлий ҳужум усулининг технология харитаси.

Пинборд( инглизчадан pin- мустаҳкамлаш, board- доска) усули. Мунозара ва амалий ишнинг боғланиши. Пинборднинг функциялари. Фикрни ёзма баён этиш маҳорати.

## 9- МАВЗУ: Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик» стратегиясидан фойдаланиш.

«Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз,  билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули моҳияти, матнни тушунишни кузатиш,  «Б-Б-Б»  усулини қўллаш қоидалари, Шу жадвал асосида амалий иш бажариш,   Б-Б-Б  чизмани тўлдириш.

## 10- МАВЗУ: Танқидий фикрлашда «Т-чизма», «Венн диаграммаси», «Эйлер доиралари»дан фойдаланиш

«Т-чизма» усули, қўшалоқ жавобларни таққослаш, зид жавобларни ёзиш, Т-чизма асосида  амалий иш бажариш.

Венн диаграммаси. Ғояларни зидлаш ёки уларнинг умумий томонларини кўрсатиш.   Венн диаграммаси қоидалари. Жуфтликда ва гуруҳда ишлаш. 2 ходиса, жараён ёки нарсни солиштириш. «Эйлер доиралари»- 3 ёки ундан ортиқ воқеа, ҳодиса, жараён, нарсаларни солиштириш.

## 11-МАВЗУ:  «Семантик хсусиятлар» ва «Концептуал жадвал»дан фойдаланиш йўллари

Семантик хусуситялар таҳлили. Асосий билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш. Янги ёки кам маълум бўлган жиҳатлар, мавзуларни   анча таниш мавзулар билан таққослаш.  Таҳлил қоидалари.

Концептуал жадвал. Ёзма иш олдидан материални уюштириш.  Учта ёки ундан ортиқ жиҳатлар ёки саволларни  таққослаш. Жадвал тузиш ва у билан ишлаш қоидалари.

## 12- МАВЗУ:  Танқидий фикрлашда  ёзув стратегияларининг ўрни

Муҳокама қилинган мавзу  ёки матн юзасидан  беш минутлик, 10 минутлик эссе ёзиш,  Эссе ёзиш қоидалари, тўхтамасдан узлуксиз ёзиш. Эркин хат ёзиш, эркин хат ёзиш қоидаси.  Бошқариладиган хаёл. Унинг эркин хатдан фарқли жиҳатлари.

## 111- боб. БАҲС- МУНОЗАРАЛАР УЮШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

### 13-МАВЗУ: Мунозара ва дебатлар ташкил қилиш техникаси

Мунозара, муҳокама усули. Савол бериш санъати. Саволларнинг турли, саволни унинг мақсадига мувофиқ шакллантириш. Мунозара усули қоидалари. Дебатлар, дебатлар учун мавзулар танлаш. Дебатларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари.

### 14- МАВЗУ: Кейс усулининг моҳияти ва аҳамияти. Музёрар.

Кейслар ва уларнинг моҳияти. Ўқув муаммоли вазият-ўқув кейси. Кейс усулининг ижобий жиҳатлари. Ўқув кейсларининнг турлари. Кейсларни муҳокама қилиш тартиби.Муаммоли вазиятларни стратегик бошқариш босқичлари.

Музёрар. Танишиш усуллари .Музёрар турлари: Тақдим этиш, Интервью, Жадваллар.

## 1У-БОБ. ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА ЎЙИНЛАРНИНГ ЎРНИ

### 15- МАВЗУ: : Танқидий фикрлашни ривожлантиришда ролли ва вазиятли ўйинлардан фойдаланиш

Ўйинлар ва уларнинг турлари. Ўйинларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти. Ролли ўйинлар, Харакатли ўйинлар, дидактик ўйинлар. Ишбилармонлик ўйинлари.

## У-БОБ. ЎҚИТИШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

### 16- МАВЗУ: Ўқувчилар ўзлаштириш сифатини баҳолаш усуллари ва асосий мезонлари

Гуруҳий баҳс- мунозарани баҳолаш мезони. Ўқиш- англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш мезони. Баҳолашнинг анъанавий тизими, унинг афзаллик ва

камчиликлари. Баҳолашнинг янгича тизими. Анъанавий ва янги тизимлар таҳлили.

**17- МАВЗУ: Тестларнинг турлари ва уларни қўллаш**

Билимни баҳолаш. Унинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти. Оғзаки, ёзма ва тест воситасида назорат қилиш турларининг афзаллкилари ҳамда камчиликлари. Тестлар ва уларнинг турлари. Ёпиқ тест, очиқ тест, мувофиқликни аниқлашга доир тестлар. Давомийликни аниқлашга оид тестлар.

1-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ**

**Р е ж а:**

1. Танқидий фикрлаш ва унга турли қарашлар.
2. Танқидий фикрлашнинг элементлари:
   а) Танқидий фикрлашда мустақил фикрлашнинг ўрни.
   б) Ахборот танқидий фикрлашнинг бошланишидир.
   в) Танқидий фикрлашда савол қўйиш, муаммони аниқлаш.
   г) Танқидий фикрлашда ишончли далилларга таяниш.
   д) Танқидий фикрлашнинг ижтимоий характери.

**Асосий тушунчалар**

Фикр, ғоя, ақл, фикр юритиш, мантиқий фикрлаш, диққат билан ўкиш, чуқур мунозара юритиш, фикрлаш имконияти, ёзувда фикрни аниқ ифода этиш, онгни ўстириш, ўкувчида ўзига хос нуқтаи-назар пайдо қилиш, фикрларни таҳлил қилиш, муаммони аниқлаш, мураккаб муаммоларни ечиш, далил билан асослаш, ахборот-танқидий фиклаш бошланиши, далиллар, назариялар, маълумотлар, концепциялар.

АДАБИЁТЛАР

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.

4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 2-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ**

**Режа:**

1. Танқидий фикрлаш босқичлари
2. Чақириқ ( даъват) босқичининг мақсади ва аҳамияти.
3. Англаш босқичининг мақсади, вазифаси ва аҳамияти.
4. Танқидий фикрлашда мулоҳаза қилиш (фикрлаш) босқичининг ўрни.

**Аосий тушунчалар**

Танқидий фикрлаш асоси, чақириқ- қизиқиш уйғониши, саволлар туғилиши, янги билим учун интилиш; англаш- янги ўқув материалининг тушунилиши, ўз тушунчалари «орқасидан кузатиб» бориш, рефлекция, ўзи-ўзини куриш; мулоҳаза қилиш- билимлар мустаҳкамланади, ўқиганликнинг ортиши, янги ғоя ва ахборотларни ифодалай олиш; таълим мақсадларини ажратиш, фаол мунозара, фаоллик, рағбатлантириш

АДАБИЁТЛАР

1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.
3. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 3-Мавзу: **АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

**Р е ж а:**

1. Ўқитишнинг анъанавий шакллари.
2. Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари.
3. Ананавий ва ноанъанавий шаклларнинг ютуқ ва камчиликлари.
4. Талим тарбияга турли ёндашувлар

**Асосий тушунчалар**

Дарс, синф-дарс тизими, марказда ўкитвчи туриши, маъруза, савол-жавоб, амалий, лаборатория машғулотлари, олдинги билимга таяниш, Ўқитишнинг ноанъанавий модели- ҳамкорликда ўкитиш, моделлаштириш, ўрганишнинг тадқиқот модели, муайян муаммони екчиш, мустақил тадқиқот,

ўқитиш жараёнини назорат қилиниши, вақтдан унумли фойдаланилиши, ўқувчиланинг пассивлиги-фаоллиги, ўзаро қайта алоқа, юқори даражадаги мотивация, танқидий фикрлаш ривожланиши.

АДАБИЁТЛАР


1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.

3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й

4.Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


## 4- Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Р е ж а:**

1. Талим мақсадлари ва вазифаларини лойиҳалаш.
2. Мақсадларни белгилашда Блум таксонаомиясидан фойдаланиш.
3. Ўқув мақсадларининг асосий категориялари.
4. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.

**Асосий тушунчалар:**

Таълим мақсадини ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти орқали белгиланиши, мақсадни тўғри қўйишнинг аҳамияти, бош, оралиқ, ҳаракатга тенг мақсадлар, ташҳисланган мақсад,Таксономия- (кўп босқичли тузилиш) тушунчаси, таълим мақсади категориялари: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш, ўкув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й.

2.М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й

3. М.Маҳмудов. Иккиламчи дидактик лойиҳалар. «Педагогик маҳорат». 2003 й, 2- сон, 20-23 бетлар.

4. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й

5. О.Розиқов ва бошқ. Дидактика. Т., 1997 йил.

6.Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 5- МАВЗУ: Ўрганишнинг ҳамкорлик модели. Кичик гуруҳларни тузиш ва уларда ишлаш

**Р е ж а:**

1. Таълимнинг гуруҳли шакли ва аҳамияти

2. Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари. Гуруҳда ишлашни режалаштириш.

3. Гуруҳга ажратиш ва гуруҳда ишлаш қоидалари.

4. Кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари.

**Асосий тушунчалар**:

Таълимнинг гуруҳли шакли, таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати, таълим олувчиларнинг потенциал имкониятлари, ўзаро муносабат, гуруҳларни шакллантириш, гуруҳда ишлашни режалаштириш, гуруҳга ажратиш, гуруҳда ишлаш қоидалари, кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари: .

АДАБИЁТЛАР

1. Т.Гулбоев. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. Навоий., 2001
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 6- МАВЗУ: **Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Синквейн», «Кластер» усулларидан фойдаланиш**

**Р е ж а:**

1. Танқидий фикрлашга ўргатишда интерфаол усулларнинг ўрни.
2. «Синквейн» усули, синквейн ёзиш қоидалари
3. Кластер усули. Кластерларга бўлиш қоидалари.
4. Синквейн ва Кластерга турли мисоллар тузиш.

**Асосий тушунчалар:**

Танқидий фикрлаш, интерфаол усуллар, «Синквейн» усули, синквейн ёзиш қоидалари, мураккаб ахборотни синтезлаш, синквейн- болалар тушунчаларининг йиғиндисини баҳолаш воситаси сифатида, синквейн-ижодни тақдим этиш воситаси сифатида, кластер усули, эркин ва очиқ фикр стратегияси, кластерларга бўлиш қоидалари, тоифаларга ажратиш.

АДАБИЁТЛАР


1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
4. Н.Сайидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.


## 7- МАВЗУ: Матн билан ишлашда «Инсерт» жадвали, «Икки қисмлик кундалик» усулларидан фойдаланиш.

**Р е ж а:**

1. Инсерт усули ва унинг моҳияти.
2. Инсерт жадвали ва у билан ишлаш.
3. Икки қисмлик кундалик усули моҳияти.
4. Матндан танлаб олинган цитатага шарҳ ёзиш.

**Асосий тушунчалар:**

Инсерт усули, матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш, инсерт жадвали, икки қисмлик кундалик, матндан танлаб олинган сўз, ибора, гап ёки бирор цитата, танлаб олинган цитатага шарҳ, муносабат, фикрни баён этиш.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Каримов И.А. Ўзбекистннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т., «Ўзбекистон»,1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.Т.,1997 й.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
4. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й

5. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 8-МАВЗУ: Танқидий фикрлашда «Ақлий ҳужум»,«Пинборд» усулларидан фойдаланиш

**Р е ж а:**

1. Ақлий ҳужум (Брейнштормин) усули моҳияти
2. «Ақлий ҳужумнинг қоидалари», Ақлий ҳужум усулининг технология харитаси.
3. Пинборд усули. Мунозара ва амалий ишнинг боғланиши.
4. Пинборднинг функциялари. Фикрни ёзма баён этиш маҳорати.

**Асосий тушунчалар**:

Ақлий ҳужум-Брейнштормининг, ғояларни генерация қилиш, шахсий ғояларни илгари суриш, кичик гуруҳларда янги ғояларни яратиш, ақлий ҳужумнинг қоидалари, ақлий ҳужум усулининг технология харитаси, Пинборд (инглизчадан pin- мустаҳкамлаш, board- доска) усули, мунозара ва амалий ишнинг боғланиши, пинборднинг функциялари, фикрни ёзма баён этиш маҳорати.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т., 19977 й.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.Т., «Университет», 1999 й.
3. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.
4. Фарберман. Б.Л. Илғор педагогик технологиялар.Т., 2000й.
5. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
6. СОРОС халқаро очиқ жамияти иснтитутининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 9- МАВЗУ: Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик» стратегиясидан фойдаланиш.

**Р е ж а:**

1. «Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз, билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули моҳияти

2. «Б-Б-Б» усулини қўллаш қоидалари
3. Б-Б-Б чизмани тўлдириш.

Асосий тушунчалар:

«Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз, билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули , матнни тушунишни кузатиш, «Б-Б-Б» усулини қўллаш қоидалари, Б-Б-Б жадвали, Б-Б-Б чизмани тўлдириш.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т., 1997 й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. Т., 2000 й
4. Педагогика назарияси ва тарихи фанидан маъруза матнлари. Навоий,2002.
5. Педагогик маҳорат фанидан маъруза матнлари. Навоий, 2003.
6. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


**10- МАВЗУ: Танқидий фикрлашда «Т-чизма», «Венн диаграммаси», «Эйлер доиралари»дан фойдаланиш**

**Р е ж а:**

1. «Т-чизма» усули моҳияти.
2. Венн диаграммаси ва унинг қоидалари.
3. Жуфтликда ва гуруҳда ишлаш
4.«Эйлер доиралари»- 3 ёки ундан ортиқ воқеа, ҳодиса, жараён, нарсаларни солиштириш.

**Асосий тушунчалар:**

«Т-чизма» усули, қўшалоқ жавобларни таққослаш, зид жавобларни ёзиш, Венн диаграммаси, ғояларни зидлаш ёки уларнинг умумий томонларини кўрсатиш, Венн диаграммаси қоидалари, жуфтликда ва гуруҳда ишлаш, 2 ходиса, жараён ёки нарсни солиштириш, «Эйлер доиралари»- 3 ёки ундан ортиқ воқеа, ҳодиса, жараён, нарсаларни солиштириш.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й

3. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.

4. Халқаро очиқ жамияти иснтитутининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 11-МАВЗУ: «Семантик хусусиятлар» ва «Концептуал жадвал»дан фойдаланиш йўллари

**Р е ж а:**

1. Семантик хусуситялар таҳлили.
2. Асосий билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш.
3. Концептуал жадвал.
4. Учта ёки ундан ортиқ жиҳатлар ёки саволларни таққослаш.

**Асосий тушунчалар:**

Семантик хусуситялар усули, асосий билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш, яннги ёки кам маълум бўлган жиҳатлар, мавзуларни анча таниш мавзулар билан таққослаш, Концептуал жадвал, ёзма иш олдидан материални уюштириш, учта ёки ундан ортиқ жиҳатлар ёки саволларни таққослаш, жадвал билан ишлаш қоидалари.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й

3. Подласый И.П. Педагогика. М., 2002.

4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

## 12- МАВЗУ: Танқидий фикрлашда ёзув стратегияларининг ўрни

**Р е ж а :**

1. Танқидий фикрлашда ёзув стратегияларининг ўрни.
2. Муҳокама қилинган мавзу ёки матн юзасидан эссе ёзиш.
3. Эссе ёзиш қоидалари,
4. Эркин хат ёзиш, эркин хат ёзиш қоидаси. Бошқариладиган хаёл.

**Асосий тушунчалар:**

Ёзув стратегиялари, муҳокама қилинган мавзу ёки матн юзасидан беш минутлик, 10 минутлик эссе ёзиш, эссе ёзиш қоидалари, тўхтамасдан узлуксиз ёзиш, эркин хат ёзиш, эркин хат ёзиш қоидаси, бошқариладиган хаёл, бошқариладиган хаёлнинг эркин хатдан фарқли жиҳатлари.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Халқаро очиқ жамияти исититутининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
3. Тафаккур гулшани. Т., «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти, 1989 й.
4. Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. Т., «Шарқ», 1999 й.
5. Бошланғич синфларнинг «Ўқиш», «Одобнома» ва бошқа дарсликлари.

**13-МАВЗУ: Мунозара ва дебатлар ташкил қилиш техникаси**

**Р е ж а:**

1. Мунозара, муҳокама усули.
2. Савол, саволни унинг мақсадига мувофиқ шакллантириш.
3. Мунозара усули қоидалари.
4. Дебатларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари.

**Асосий тушунчалар**:

Мунозара, муҳокама усули, савол бериш санъати, саволларнинг турлари, саволни унинг мақсадига мувофиқ шакллантириш, мунозара усули, дебатлар, дебатлар учун мавзулар танлаш, дебат ташкил этиш

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Т., 1997 й.

2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. Бошланғич синф дарслик ва ўқув қўлланмалари.

## 14- МАВЗУ: Кейс усулининг моҳияти ва аҳамияти. Музёрар.

**Р е ж а:**

1. Кейслар ва уларнинг моҳияти.
2. Кейс усулининг ижобий жиҳатлари. Ўқув кейсларининнг турлари.
3. Музёрар. Танишиш усуллари .
4. Музёрар турлари: Тақдим этиш, Интервью, Жадваллар.

**Асосий тушунчалар**:

Кейслар ва уларнинг моҳият, ўқув муаммоли вазият, ўқув кейси, кейс усулининг ижобий жиҳатлари, ўқув кейсларининнг турлари,  кейсларни муҳокама қилиш тартиби, муаммоли вазиятларни стратегик бошқариш босқичлари, музёрар, танишиш усуллари,. музёрар турлари: тақдим этиш, интервью, жадваллар.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Абдуллаева, Д.Ахатова. Педагогик технология асослари. Матн қўлланма. Навоий, 2003 йил.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
4. Улашев И. Кейс усули. Навоий, 2002 й.

## 15- МАВЗУ: Танқидий фикрлашни ривожлантиришда ролли ва вазиятли ўйинлардан фойдаланиш

**Р е ж а:**

1. Ўйинлар ва уларнинг турлари.
2. Ўйинларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.
3. Ўзбек халқ ўйинлари.
4. Ролли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар. Ишбилармонлик ўйинлари.

**Асосий тушунчалар:**

Ўйинлар ва уларнинг турлари, ўйинларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, ролли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. Т, «Фан», 1998 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. Т., 2001.й
6. Сафарова Н. Ўзбек болалалар анъанавий ўйинларининг тарихий асослари. «Педагогик маҳорат», 2002 й, 4-сон, 54 бет.
7. Ҳасанбоева.О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. Т., 1996 й, 32 бет.
8. Ҳасанбоев Ж, Туропова М., Ҳасанбоева О Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. Т., 1999 у.

## 16- МАВЗУ: Тестларнинг турлари ва уларни қўллаш

**Р е ж а:**

1. Билимларни баҳолаш ва унинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.
2. Назорат турлари.
3. Тестлар ва уларнинг турлари.
4. Рейтинг тизими ва тестларнинг аҳамияти.

**Асосий тушунчалар:**

Билимни баҳолаш, баҳолашнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, рейтинг тизими, назорат турлари, огзаки, ёзма ва тест воситасида назорат

қилиш, тестлар ва уларнинг турлари, ёпиқ тест, очиқ тест, мувофиқликни аниқлашга доир тестлар, давомийликни аниқлашга оид тестлар, тест назоратининг афзаллик ва камчиликлари. Баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом.

**АДАБИЁТЛАР**


1. « Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат» Низом. «Халқ таълими», 2000 й, 4-сон, 10-24 бетлар.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й


## 17- МАВЗУ: Гуруҳ шароитида ўқувчилар ўзлаштириш сифатини баҳолаш усуллари ва асосий мезонлари

**Р е ж а:**

1. Гуруҳий баҳс- мунозарани баҳолаш мезони.
2. Ўқиш- англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш мезони.
3. Баҳолашнинг анъанавий тизими, унинг афзаллик ва камчиликлари.
4. Баҳолашнинг янгича тизими. Анъанавий ва янги тизимлар тҳлили.

**Асосий тушунчалар:**

Гуруҳий баҳс, мунозара, баҳолаш, ўқиш- англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш, баҳолашнинг анъанавий тизими, унинг афзаллик ва камчиликлари, баҳолашнинг янгича тизими, анъанавий ва янги тизимлар тҳлили**.**

**АДАБИЁТЛАР**


1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й

4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й

1-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ**

**Р е ж а:**

1. Фикрлаш ва «нотанқидий» фикрлаш турлари
2. Танқидий фикрлаш ва унга турли қарашлар.
3. Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун муҳит яратиш**.**
4. Танқидий фикрлашнинг элементлари:
   а) Танқидий фикрлашда мустақил фикрлашнинг ўрни.
   б) Ахборот танқидий фикрлашнинг бошланишидир.
   в) Танқидий фикрлашда савол қўйиш, муаммони аниқлаш.
   г) Танқидий фикрлашда ишончли далилларга таяниш.
   д) Танқидий фикрлашнинг ижтимоий характери.

**Асосий тушунчалар**

Фикр, ғоя, ақл,  фикр юритиш, мантиқий фикрлаш, диққат билан ўкиш, чуқур мунозара юритиш, фикрлаш имконияти, ёзувда фикрни аниқ ифода этиш,  онгни ўстириш, ўкувчида ўзига хос нуқтаи-назар пайдо қилиш, фикрларни таҳлил қилиш, муаммони  аниқлаш, мураккаб муаммоларни ечиш, далил билан асослаш, ахборот-танқидий фиклаш бошланиши, далиллар, назариялар, маълумотлар, концепциялар.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».Т., 1997 й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития крытического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.
4. Дайана Халпери. Психолоия крытического мышления.-Сант-Петербург, 2000.
5. Дэвид Клустер. Танқидий  фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов.  СОРОС «Танқидий  фикрлаш асослари» дастури.
6. Arendt H. (1977) Tinking New York: Harcourt.
7. Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
8. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


Танқидий фикрлаш бу- XXI аср талабларини муваффақиятли рўёбга чиқаришимизга  имконият яратувчи, ўрганаётган ва  бажараётган ишимизни янада  чуқурроқ англашимизга  ёрдам берувчи ижобий кўникмадир.  Танқидий фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида  баён этилган юқори касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол хаётда ўз  ўрнини топа оладиган малакали кадрларни шакллантириш вазифасини  ҳал қилишга ҳам мос келади. Хўш, шундай бўлса  танқидий  фикрлашнинг ўзи нима? Адабиётларда бу тушунчага берилган турли хил таърифларни учратиш мумкин.

Бу тушунча ҳақида гапиришдан олдин, айрим ақлий фаолият кўникмаларини кўриб чиқайлик, лекин уларни танқидий фикрлаш деб бўлмайди. **Эсда сақлаш**- энг муҳим фикрлаш жараёни бўлиб, бусиз ўқув жараёнини амалга ошириб бўлмайди, лекин у танқидий фикрлашдан тубдан фарқ қилади. Компьютернинг хотираси ҳар биримизникидан анчагина яхшироқ, лекин эсда сақлаш танқидий фикрлашни билдирмайди. Кўпчилик ўқитувчилар ҳар қандай фикрлашдан кўра хотирани ривожлантиришни юқорироқ қадрлайдилар, назорат ишлари ва имтиҳонларда асососан ўқувчилар хотираси кўламини текширадилар. Лекин танқидий фикрлаш тарафдорлари эса ақлий фаолиятнинг мураккаброқ турларини назарда тутади.

Ўқув жараёнини усиз амалга ошириб бўлмайдиган «нотанқидий фикрлаш» турларидан яна бири- **мураккаб ғояларни тушуниш** билан боғлиқ. Биология ва математика, тарих ва адабиёт дарсларида ўқувчилар баъзан ўқитувчининг айтганлари ёки дарсликда нима ҳақида ёзилганлигини тушуниш учун анча «бош қотирадилар». Тушуниш, айниқса, агар ўқув материали қийин бўлса, мураккаб ақлий жараён бўлиб ҳисобланади. Масалан, талаба мураккаб теоремани тушуниш учун бош қотирмоқда. Албатта унинг миясида мураккаб ақлий жараёнлар кечади, лекин буни ҳам ҳозирча танқидий фикрлаш деб бўлмайди. Биз ўзгалар фикрини тушуниш устида ишлар эканмиз биринчи босқичда бизнинг шахсий фикрлашимиз суст бўлади: бунда биз фақат бизгача кимдир томонидан яратилганни идрок қиламиз холос, танқидий фикрлаш эса, янги, тушуниб бўлинган ғоялар текширилаётганда, баҳоланаётганда, ривожлантирилаётганда ва қўлланаётганда содир бўлади. Далилларни эслаб қолиш ва ғояларни тушуниш эса танқидий фикрлаш учун зарур бўлган дастлабки шартлар бўлиб ҳисобланади, лекин улар ўзаро яхлитликда ҳам танқидий фикрлашни англатмайдилар.

«Танқидий фикрлаш» тушунчасига мос келмайдиган яна бир фикрлаш тури бу- **ижодий ёки ички ҳис билан (интуитив) сезиб фикрлашдир.** Спортчи, рассом, мусиқачилар миясида ҳам мураккаб фикрлаш жараёни содир бўлади, лекин улар буни ҳатто сезмайдилар ҳам.

У ҳолда «танқидий фикрлаш» нима?

«Танқидий фикрлаш» атамасидан педагогик муҳитда анчадан бери фойдаланиб келинади ва турли педагоглар буни турлича тушунадилар. Кўпчилик ўқитувчилар ва услубиётчилар учун танқидий фикрлаш «юқори тартибдаги» фикрлашни билдиради- юқори егани шу маънодаки, У Бенжамин

Блумм тизимига кўра ўрганиш қобилиятларининг сўнгги олий поғонасида туради. Файласуфлар танқидий фикрлаш деганда, одатда мантиқий фикрлаш ва исботлаш кўникмаларини тушунадилар, унинг ёрдамида талабалар диққат билан ўқиш. Чуқур мунозаралар юритиш ва ёзувда ўз фикрларини аниқ ва ўйлаб ифода этиш имконини оладилар. Адабиёт назариётчилари ва тарихчилари учун матннинг таркибий қисмларини ажратишга ва матннинг китобхонга таъсир қилиш усулларини танқидий қайта мушоҳада қилишга, хамда муаллиф асарни яратишда амал қилган сабабаларни аниқлашда ёрдам берадиган матнга ёндашиш «танқидий» деб ҳисобланади.

Дайана Халпери «Психология критического мышления» китобида танқидий фикрлаш «фикр юритишнинг шундай кўринишини англатадики, у вазминлик, мантиқ ва мақсадга йўналтирилганлик билан ажралиб туради»,- деб ёзади.

Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпларнинг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш» (ЎЁТФ) лойиҳасида қуйидагича таъкидланади: «Одам танқидий фикрлар экан, у ёки бу ғоялар билан танишади, уларни амалга оширишдаги мумкин бўлган оқибатларини ҳам эътиборга олади. Бунда одам бу ғояларни дастлаб маълум даражадаги ишончсизлик билан идрок қилади ва қарама-қарши нуқтаи-назарлар билан таққослайди. Уларни асослаш учун қўшимча мулоҳазалар тизимидан фойдаланади ва булар асосида ўз нуқтаи-назарини ишлаб чиқади». Танқидий фикрлаш- ғоя ва имкониятларни ижодкорлик билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта фикрлаш ва қайта қуришдек мураккаб жараёндир. Бу фаол ва интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён ҳам бўлиб ҳисобланади. Танқидий фикр эгасига ҳийла-найранглар камроқ таъсир қилади, ўзининг шахкий қарашлар тизими бўлгани учун улар турли хавф-хатардан ҳоли бўладилар.

Танқидий фикрлашда ғоялар ва уларнинг аҳамияти кўпфикрлилик нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади ҳамда улар бошқа ғоялар билан таққосланади. Бу фикрлашнинг энг юқори даражаси ақлий фаолият бўлиб, унда тахлил, таққослаш, изоҳлаш, қўллаш, тортишув, янгилик, муаммоларни ҳал қилиш ёки фикрлаш жараёнини баҳолашга алоҳида эътибор берилади.

Танқидий фикрлаш мулоқат ва гуруҳ билан ишлаш малакаларини ривожлантиради.

Танқидий фикрлаш таълим эжараёнига жўшқинлик бахш этади, машғулотларни ўқитувчи ва ўқувчи учун қувончга айлантиради.

Танқидий фикрлашга оид қарашлар:

Ресник: «Ўқувчилар ўз билимларини муайян масалаларни ечишда тадбиқ эта олсаларгина уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади» (1987)

Рос: «Ўқувчиларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларига асосланган ўқиш мустаҳкам бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчига янги ахборотни билганлари билан боғлаш имкониятини беради» (1990 )

Бенкс: «Ўқитувчилар ғоялар ва тажрибаларнинг турли-туманлигини тўғри тушунчаларгина танқидий фикрлаш ва ўқиш яхши натижа беради. Агар «ягона битта жавоб руҳи» устуворлик қилса, унда танқидий фикрлашга имкон бўлмайди. (1988)

**Танқидий фикрлашни ривожлантириш учун муҳит яратиш.**

Ҳозирда ўқувчиларни «ўқишга ўргатиш», ва танқидий фикрлашни эгаллашлари муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Янги ахборотларга дуч келар экан, ўқувчилар уни мустақил равишда баҳолаши, унга турли хил нуқтаи-назардан қараши, ундан ўз эҳтиёж ва мақсадлари йўлида фойдалана олиш имконияти тўғрисида хулоса ясай олишлари зарур. Ҳақиқий танқидий фикрлайдиган одам бўлиб етишиш учун ўқувчилар ижодий фикрлаб, ўзини синаб кўриши ва бунга оид малакаларни эгаллаши зарур.

Танқидий фикрлашни пайдо қилиш учун учун қуйидагилар бўлиши керак:

- ўқувчида ўзига хос нуқтаи-назарни пайдо қилиш;
- бир фикрдан бошқасининг афзаллигини асослаш маҳорати;
- мураккаб муаммоларни ечиш маҳорати;
- баҳсни далиллаб олиб бориш;
- ягона фикрни ишлаб чиқиш учун биргаликда ишлаш маҳорати;
- қарашар ва тасаввурлага ҳаётий тажриба қандай таъсир қилишини тушуниш.

Ўқувчиларни ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо ҳақида фикрлаш имкониятидан маҳрум қилиб, мантиқий жараёнларни мавҳум тарзда ўрганиш эмас, балки ўқувчиларни тезда фаол ўйлаш жараёнига киришишга, уни тажрибада амалга оширишга имкон берадиган услубият энг яхши ҳисобланади. Бундан ташқари, ўқувчиларни ҳақиқатда безовта қилувчи муаммолар ҳақида сўз борганда ташаббус уларнинг ўзидан чиққанда, танқидий фикрлаш яхшироқ ривожланади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон наса эмас. Бу маълум ёш даврида ўргатиш тугалланиши ва унутилиши мумкин бўлган масала ҳам эмас. Танқидий фикрлашга олиб борадиган аниқ-равшан йўллар йўк. Бироқ ўқитиш шартларининг муайян тўплами борки, унинг ёрдамида танқидий фикрловчиларни табиялаш мумкин. Жумладан, қуйидаги шартлар зарур:

1. Танқидий фикрлаш тажрибасини орттиришга вақт ва имконият бериш.
2. Ўқувчиларга фикрлаш имкониятини бериш.
3. Турли ғоя ва фикрларни қабул қилиш.
4. Ўқув жараёнида ўкувчиларнинг фаол қатнашишларига имкон бериш.
5. Ўқувчиларни уларнинг устидан ҳеч ким кулмаслигига ишонтириш.
6. Ҳар бир ўқувчини у танқидий мулоҳаза юритишга қодир эканлигига ишолнтириш.
7. Танқидий ф икрлаш пайдо бўлишини қадрлаш.

Шу билан бирга, ўқувчилар:

1. Ўз-ўзига ишончни ривожлантириб, ўз ғоя ва фикрларининг қимматини тушунишлари керак.
2. Таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим.
3. Турли фикрларни ҳурмат билан эшитишлари керак.
4. Ўз мулоҳазаларини шакллантиришга тайёр бўлишлари ёки ундан ўзларини тийишлари лозим.

**Танқидий фикрлашнинг элементлари қуйидагилардан иборат:**

- танқидий фикрлаш- бу мустақил фикрлашдир;
- ахборот- танқидий фикрлашнинг бошланишидир;
- танқидий фикрлаш саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошлади;
- танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади;
- танқидий фикрлаш-ижтимоий фикрлашдир.

**Биринчидан,** танқидий фикрлаш- бу мустақил фикрлашдир.

Машғулот танқидий фикрлаш тамойиллари бўйича яратилар экан, ҳар бир иштирокчи бошқаларникидан мустасно ҳолда ўзининг ғояси, баҳолаши ва ишончига эга бўлади. Ҳеч ким биз учун танқидий ффикрлаб бермайди. Биз фақат ўзимиз учунгина бундай фикрлай оламиз. Демак, фикрлаш якка тартибли характерга эга бўлгандагина, уни танқидий фикрлаш деб аташ мумкин. Ўқувчилар ўз ақли, фикрлаши ва энг мураккаб саволларга ҳам

ўзлари жавоб топа олиш эркинлигига эга бўлиши керак. Қандай ф икрлаш зарурлигини ҳар бир талаба ўзи учун ўзи ҳал қилади. Шундай қилиб, мустақиллик танқидий фикрлашнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

**Иккинчидан,** ахборот танқидий фикрлашнинг натижаси эмас, балки унинг бошланишидир. Билим одамни танқидий фикрлашга ундовчи мотив бўлиб ҳисобланади. Баъзан «бўш калла билан фикрлаш қийин», деб ҳам айтишади. Мураккаб фикрни яратиш учун анчагина «хом ашё»- далиллар, ғоялар, матнлар, назариялар, маълумотлар, концепцияларни қайта ишлаш зарур.

Ҳар қандай ёшда ҳам танқидий фикрлаш мумкин: фақат талабаладагина эмас, балки ҳатто биринчи синф ўкувчиларида ҳам ҳаётий тажриба ва билимлар мавжуд бўлади. Болаларнинг фикрлаш қобилиятлари ўкитиш натижасида янада такомиллашиб боради. Ҳатто жуда ёш болалар ҳам танқидий фикрлаш ва бутунлай мустақил фикрлаш қобилиятига эга. Айнан танқидий фикрлаш туфайли одатдаги билиш жараёни алоҳидалик ва англашувчанлик, узвийлик ва самаадорлик касб этади.

**Учинчидан,** танқидий фикрлаш, саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади. Инсоният ўз табиатига кўра қизиқувчандир. Биз бирон-бир янгиликни сезар эканмиз, албатта унинг моҳиятини билишни хоҳлаймиз. Қандайдир тарихий обидани кўрар эканмиз, бизда унинг ичкарисига кириш истаги пайдо бўлади. «Барча ҳайвонот оламида ,- деб ёзади кимёгар ва файласуф Микаел Полоний,- унинг энг содда шакли бўлган чувалчангдан, эҳтимол ҳатто амёбадан бошлаб, биз адабий эҳтиёткорлик ҳаракатини, эҳтиёжни бевосита қондиришга боғлиқ бўлмаган изланувчанлик фаолиятини: ҳар қандай жонли мавжудотни ўз атрофини ақл-заковат билан назорат қилишга интилишини кузатамиз»[1]. Қизиқувчанлик ҳар қандай тирик мавжудотнинг ажралмас хусусиятидир. Бу хусусият ёш болалара айниқса кучли бўлади. Бироқ, ҳар қандай босқичдаги ҳақиқий билиш жараёни ўқувчининг муаммони ҳал қилиши. Ўзининг шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжларидан пайдо бўлган саволларга жавоб излаши билан белгиланади.

---

[1] University Sacremento 4 I Meyers C (1986) Teaching Students to Think Criticallu: A Guide for Fakultu in All Disciplines San Francisco: Jossey-Bass. C.41 )

Американлик файласуф ва педагог Ж. Дьюининг айтишича, агар ўкувчилар муайян муаммо билан шуғуллана бошласаларгина, уларда танқидий фикрлаш пайдо бўлади. «Ўқув жараёнининг бошланғич нуқтаси ҳисобланган, бирор вазият ёки ҳодисага тегишли бўлган энг муҳим савол бу ҳодиса қандай муаммони вужудга келтиришини англатадиган саволдир». «Фақатгина муайян муаммо билан курашиб, мураккаб вазиятдан чиқиш учун ўзининг шахсий йўлини излагандагина, ўкувчи ҳақиқатан ҳам фикрлайди»[1].

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ўкитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, ўкувчилар тўқнашиши мумкин бўлган муаммолар доирасини аниқлаши, сўнгра эса, ўқувчиларни бу муаммоларни ўзлари мустақил равишда шакллантиришларига тайёрлаши зарур. Танқидий фикрлаш туфайли ўқиш эски «мактаб» ишидан аниқ мақсадга йўналган, мазмунли фаолиятга айланади ҳамда бу фаолият давомида ўқувчилар ҳақиқий ақлий иш бажариб, ҳақиқий ҳаётий муаммоларни ҳал қиладилар. Улар далиллар тўплаб, матнларни таҳлил қилиб, тенг кучли нуқтаи-назарларни таққослаб ҳамда жамоа имкониятларидан фойдаланиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб излайдилар ва уни топадилар.

**<u>Тўртинчидан,</u>** танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади. Танқидий фикрловчи киши муаммонинг ўз шахсий ечимини топади ва бу қарорни оқилона, асосли далиллар билан мустаҳкамлайди. У бошқа қарорлар бўлиши мумкинлигини ҳам тан олади, лекин ўзи танлаган қарор бошқаларга нисбатан энг мантиқий ва оқилона эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай ишончли далил уч асосий қисмдан иборат бўлади. Тасдиқлаш- далил маркази, унинг мазмуни бўлиб ҳисобланади (баъзан у тезис, асосий ғоя ёки қоида деб юритилади). Тасдиқлаш бир неча далиллар билан мустаҳкамланади. Далилларнинг ҳар бири ўз навбатида исботлар билан мустаҳкамланади. Статистик маълумотлар, матн парчаси, шахсий тажриба, умуман олганда, ушбу ишончли далилларни исботлашга ёрдам берувчи ва муҳокаманинг бошқа иштирокчилари томонидан тан олиниши мумкин бўлган барча ғоялардан исботловчи сифатида фойдаланиш мумкин. Ишончли далилларнинг юқорида қайд қилинган барча қисмари тасдиқ, далил ва исботлаш негизида, унинг тўртинчи қисми бўлган асос туради. Асос- бу

---

[1] Дэвид Клустер. Танқидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танқидий фикрлаш асослари» дастури.

қандайдир йўналтирувчи ҳисобнинг бошланғич нуқтаси бўлиб, у нотиқ учун ҳам, ёкиёзувчи ва унинг мухлислари учун ҳам умумй бўлади ва у барча ишончли далиллар учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишончли далиллар, унга қарама-қарши далилларни мавжуд бўлиши, уларни ё ошириб кўрсатилиши, ёки қабул қилинигши мумкинлигини ҳам ҳисобга олгандагина ютади. Бошқача нуқтаи-назарларнинг тан олиниши ишончли далилларнинг таъсир кучини янада оширади. Ўта таъсирчан далиллар билан қуролланган танқидий фикрловчи киши, ҳатто катта обрўга эга бўлган фикрга ҳам қарши тура олади, амалиётда бундай кишининг фикрини ўзгатириш мумкин эмас.

**Бешинчидан**, танқидий фикрлаш- ижтимоий бўлиб ҳам ҳисобланади (ҳар бир инсон ижтимоий организмдир). Ҳар қандай фикр, агар у бошқалар билан ўртоқлашилгандагина ўткирлашади ёки файласуф Ханна Арендт ёзганидек: «кимнингдир ҳузуримда бўлиши, мени баркамолликка эриштиради»[1]. Баҳслашувда, ўқианимизда, муҳокамада иштирок этганимизда, эътироз билдирганимизда, бошқалар билан фикр алмашганимизда биз ўз нуқтаи-назаримизни аниқлаштирамиз ва уни чуқурлаштирамиз. Шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналишиа ишлаётган педагоглар ўз мағлотларида жуфтликда ёки гуруҳларда ишлашнинг турли шаклларидан фойдаланишга, бунда дебат ва мунозаралардан самарали фойдаланишга ҳамда ўкувчилар ёзма ишларини намойиш қилишнинг турли кўринишларидан фойдаланишга интиладилар. Умуман олгана, ҳар қандай танқидий фикрловчи бирон-бир жамоа билан ишлайди ва фақат ўз шахсини конструкциялашга нисбатан анчагина кенг маънодаги вазифаларни ҳал қилади.

Шунинг учун ҳам танқидий фикрлаш йўналишида ишлайдиган ўқитувчи: вазминлик, бошқаларни эшитишга ўрганиш, ўз фикригша жавобгарлик каби ўзаро самарали фикр алмашиш учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришга кўпроқ эътибор беради. Шундай қилиб, бу ўқитувчилар ўқув жараёнини синф хонасидан ташқарида кечаётган ҳақиқий ҳаётга яқинлаштиришга эришадилар.

---

[1] Arendt H. (1977) Tinking New York: Harcourt. )

Танқидий фикрлаш ёзма ишда яққолроқ намоён бўлади. Ёзувда фикрлаш жараёнини кузатиш мумкин бўлади ва бу ўқитувчи учун ҳам қулайлик яратади. Ёзаётган ўқувчи доимо фаол бўлади. У доим мустақил фикрлайди ва бунда у ўзида мавжуд бўлган барча билимлардан фойдаланади. У ўз фикрини мустаҳкамлаш учун етарли даражадаги ишончли далилларни қаторлаштириб ташлайди. Бундан ташқари у ўз табиати жиҳатидан ижтимоий характерга эга бўлади. Чунки, хат ёзувчи, уни ўқийдиганга мўлжаллаб ёзади. Ўқувчи учун энг қимматлиси- ўқитувчининг унинг ишига қизиқиши ва унга ҳурмат билан қараши, ўз фикрлари тўғрисида синфдошлари, бошқа ўқитувчилар, ота-оналар ва ҳатто нотаниш кишилар билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлаганлигидир. Шунинг учун ёзишни танқидий фикрлашнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблаш мумкин.

## 2-Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ АСОСЛАРИ**

**Режа:**

1. Танқидий фикрлаш босқичлари
2. Чақириқ ( даъват) босқичининг мақсади ва аҳамияти.
3. Англаш босқичининг мақсади, вазифаси ва аҳамияти.
4. Танқидий фикрлашда мулоҳаза қилиш (фикрлаш) босқичининг ўрни.

## Асосий тушунчалар

Танқидий фикрлаш асоси, чақириқ- қизиқиш уйғониши, саволлар туғилиши, янги билим учун интилиш; англаш- янги ўкув материалининг тушунилиши, ўз тушунчалари «орқасидан кузатиб» бориш, рефлекция, ўзи-ўзини куриш; мулоҳаза қилиш- билимлар мустаҳкамланади, ўқиганликнинг ортиши, янги ғоя ва ахборотларни ифодалай олиш; таълим мақсадларини ажратиш, фаол мунозара, фаоллик, рағбатлантириш

## Адабиётлар


1. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития крытического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.
2. Дэвид Клустер. Танқидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танқидий фикрлаш асослари» дастури.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
4. Халқаро очиқ жамият институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


Танқидий фикрлаш аосослари уч босқич (фаза)дан иборат бўлади, булар:

- Чақириқ (даъват),
- Англаш,
- Фикрлаш (мулоҳаза) босқичларидир.

Танқидий фикрлаш ЧАҚИРИҚ деб атайдиган босқичдан бошланади, унинг давомида ўқувчиларнинг қизиқиши уйғонади, зарур саволлар туғилади ва бундай билимларни олиш учун сабабалар шаклланади. Шундан кейин маънони АНГЛАШ босқичи келади, унинг давомида ўкувчилар излаш учун рағбат оладилар, баъзи ҳоллларда бунга ўрганадилар ҳам. ФИКРЛАШ босқичи кульминация бўлиб ҳисобланади, унинг давомида ўқувчилардан ўз билимларини умумлаштириш, билиб олган нарсаларни бунгача билган нарсалари билан таққослаш, уларнинг саволларига жавобларни қай даражада

олганига қараб баҳолаш (ва заруратга қараб янги саволларни шакллантириш), билган нарсаларини янада катта муаммоларга қўллаш, билиб олган арсаларини мунозара қилиш ва ҳимоя қилиш кабилар илтимос қилинади.

**Чақириқ босқичининг аҳамияти** шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш анчагина кучли бўлади. Чақириқ босқичида фаолиятнинг бир нечта билим берувчи муҳим турлари амалга оширилади**. Биринчидан**, ўрганувчи мазкур мавзу тўғрисида билганларини тиклашда фаол иштирок этади. Бу эса уни ўз билимларини таҳлил қилишга ва тез орада атафсил кўриб чиқиладиган мавзу ҳақида ўйлашни бошлашга мажбур этади. Бошқа иккита босқич тушунтирилганидан кейин дастлабки ҳаракатнинг аҳамияти равшанроқ бўлади.

*Ўқувчиларни билганлари тўғрисида ўйлашларига кўмаклашиш, қизиқиш уйғотиш амалга ошади.* Ўқувчилар янги билимлар қўшилиши мумкин бўлган ўз билимларининг даражасини аниқлайди.. Агар билим одам билган ва тушунганлар контекстида олинган бўлса, пухта бўлади. Агар ахборот ўқувчига олдинги билимлар билан боғланмасдан берилса, у тез йўқолиб кетади.

Таълим жараёни- янгиларни маълум бўлганлар билан боғлаш жараёнидир. Ўқувчининг янги тасаввурлари илгариги билимлари ва тасаввурлари асосида қурилади. Ўқувчиларга илгариги билим ва тасаввурларини тиклашга ёрдам бериб, янги ахборотларни узоқ муддатга тушуниш учун кенг асослар яратиш мумкин.

Чақириқ босқичининг **иккинчи мақсади**- ўрганаётганларни фаоллаштиришдан иборатдир. *Таълим- интилиш талаб этадиган актив фаолиятдир.*

Ўқувчилар янги ахборотни онгли, пухта тушунишлари ва янги ахборотга танқидий ёндашишлари учун таълим жараёнида фаол қатнашишлари керак. Ўқувчи белгиланган мақсад асосида ўйлаб, фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш орқали фаоллашади. Билимларни намойиш қилиш (ўзига ва шеригига) оғзаки ёки ёзма нутқ ёрдамида, фаол фикрлаш орқали содир бўлади. Шундай қилиб, лгари олинган билимлар англаш даражасига олиб чиқилади. Энди улар янги билимларни ўзлаштириш учун негиз бўлиши мумкин. Бу эса ўкувчиларга янги ахборотни аввал билганлари билан самарали боғлашга имконият беради, чунки чунки тушуниш учун контекст пайдо бўлди.

Чақириқ босқичининг **учинчи мақсади**- бунда таклиф этилган мавзуни кўриб чиқишга қизиқиш туғдирилади ва мақсад аниқланади. Қизиқиш ва мақсаднинг бўлиши ўқувчиларнинг фаоллигини янада оширади. *Мақсадни аниқлаш таълимда энг муҳимдир*.

Мақсад икки хил бўлади: ўқитувчи томонидан ёки таклиф этилган матнда қўйилган мақсад ва ўкувчи мустақил равишда танлаб олган мақсад. Мустақил равишда танланган мақсадлар, ташқаридан мажбурий киритилган мақсадлардан кучлироқ бўлади. Шахсий қизиқиш шахсий мақсадни белгилайди. Агар барқарор қизиқиш бўлмаса, ўкув фаолиятининг мотивацияси пасаяди. Умуман олганда ўқувчи ўз саволларига жавоб олиши орқали ҳақиқий тушунишга эришади.

**Англаш босқичининг аҳамияти.** Англаш фазасида янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади.

Бу босқичнинг асосий вазифаси, **биринчидан,** чақириқ босқичида яратилган қизиқиш ва ҳаракатланиш инерциясини, фаолликни қўллаб-қўвватлашдан иборат. **Иккинчи** муҳим вазифаси ўқувчиларда ўз тушунишини кузатишга доир интилишларини қўллашдан иборатдир Субъектнинг ички жараёнлари ва ҳолатларини ўзи томонидан билиб бориши рефлекция (баъзан мета-билиш) деб аталади.

Рефлекция (лотинча reflexio- орқага қайтиш) фалсафий тушунча бўлиб, у индивид онгида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ўзининг мулоҳаза юритишини англатади. Рефлекция- бу субъектнинг фақатгина ўзини-ўзи тушуниши бўлибгина қолмай, балки у «рефлекцияланувчи»ни, **у**нинг шахкий хусусиятлари, таъсирга жавоб беришининг ифодаланганлиги ва билишга оид тасаввурларнинг ойдинлаштирилиши ва бошқалар томонидан тушунилишини ҳам англатади[1].

Фазанинг **энг муҳим вазифаси** эса, янги ўқув материалининг тушунилишига эришишдан иборатдир. Фаол ўқувчилар хабарни эшитиб, одатда савол берадилар ёки тушунмаганларини кейинчалик аниқлаш учун ёзиб қўядилар. Суст ўкувчилар эса бундай қилмайдилар, улар вужудга келган

---

[1] Фарберман.Б.Л.. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т., 2002, 138-бет

чалкашликлар, англашилмовчиликлар ҳақида ёки ниманидир тушунмай қолганларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Ўқувчилар ўз тушунишларини кузатганда, янги ахборотни ўзларидаги тасаввурлар билан солиштирадилар, онгли равишда янгиларни аввал маълум бўлганлари билан боғлайдилар. Улар янги тушунишни яратиш учун эски ва янги билимлар орасида кўприклар қурадилар.(қуйидаги чизмадаги каби):

Мавхуд ва янги билимлар ўртасидаги боғланиш:



**Фикрлаш (мулоҳаза қилиш) босқичининг аҳамияти.** Бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ва «ўқиганлик»нинг ортишига олиб келади. Ўқувчи ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бу фазада ўқувчини ўқиганликнинг пастроқ даражасидан унинг юқорироқ даражасига ўтказиш содир бўлади. Бу ўқувчининг янги ғоя ва ахборотларни ўз сўзи билан ифодалай олишида акс этади. Ўқувчилар ўзларига кўпроқ ёққан нарсани яхшироқ эслаб қоладилар.

Фикрлаш босқичида бир нечта муҳим мақсадларга эришиш режалаштирилади. **Биринчи** навбатда, ўкувчилар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилиб кўришлари керак.

*Агар сизга эслаб қолиш керак бўлса- унутасиз. Агар сизга тушуниш керак бўлса- эслаб қоласиз.*

Таълим натижаларининг қанча узоқ муддатга сақланиши ҳамда тушуниш даражаси турли одамларда ҳар хилдир. Тушунганларни ўз сўзлари билан ифодалаб, қайта тузганда шахсий англанган контекст юзага келади.

Фикрлаш босқичининг **иккинчи** мақсади ўқувчилар ўртасида фикрлар билан жонли алмашув ҳисобланади, бу уларга ўз сўз бойлигини кенгайтиришга ҳамда бошқа ўқувчиларнинг тасаввурлари билан танишишга имкон беради.

*Ўзгарувчан танқидий фикрлаш турли фикрлар рағбатлантириладиган муҳитда кучаяди*. Шунда ўқувчилар уларни ҳисобга олиб, ўз тасаввурларини қуришлари мумкин.

Танқидий фикрлашнинг асослари ўқитувчига шундай шароитлар яратадики, натижада у қуйидагиларга эришади:

- ўқувчиларнинг фикрлашини фаоллаштиради;
- таълим (ўқувчилар) мақсадини ажратади;
- фаол мунозаралага имконият яратади;
- ўқишга қизиқишни оширади;
- фаол ўқув фаолиятин таъминлайди;
- ўзгаришларни рағбатлантиради;
- фикр юритишни рағбатлантиради;
- ўкувчиларга турли хил фикрларни тинглашга имконият беради;
- ўқувчиларга ўз саволларини беришда ёрдам беради;
- ўқувчига ўз-ўзини рўёбга чиқаришга имкон беради;
- ўқувчилар томонидан ахборотлар қайта ишланишини таъминлайди;
- ўқувчиларда танқидий фикрлашга имконият яратади[1].

Синф ўқувчиларнинг шерикчилик жамиятига айланиб қолганида, турли фикрлар ривожланади. Ўқувчилар фаол бўладилар, ўқитувчи эса уларга шерик бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар фаол ўкув позициясини эгаллашади. Буларнинг ҳаммаси шахс ўзгаришига олиб келади, бу эса мустаҳкам билимга эга бўдлишнинг шарти ҳисобланади. Ўқувчи муайян маънода ўқитувчи бўлиб қолади. Ўлар ўқитувчи фаолиятининг айрим қисмларини бажарадилар. Синф эса шерикчилик жамиятига айланади.

[1]Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари (фанлараро дастур).Лойиҳа. 9-бет

3-Мавзу: **АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

**Р е ж а:**

1. Ўқитишнинг анъанавий шакллари.
2. Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари.
3. Ананавий ва ноанъанавий шаклларнинг ютуқ ва камчиликлари.
4. Талим тарбияга турли ёндашувлар

**Асосий тушунчалар**

Дарс, синф-дарс тизими, марказда ўкитвчи туриши, маъруза, савол-жавоб, амалий, лаборатория машғулотлари, олдинги билимга таяниш, Ўқитишнинг ноанъанавий модели- ҳамкорликда ўкитиш, моделлаштириш, ўрганишнинг тадқиқот модели, муайян муаммони екчиш, мустақил тадқиқот, ўқитиш жараёнини назорат қилиниши, вақтдан унумли фойдаланилиши, ўқувчиланинг пассивлиги-фаоллиги, ўзаро қайта алоқа, юқори даражадаги мотивация, танқидий фикрлаш ривожланиши.

АДАБИЁТЛАР

1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й

2. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.

3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й

4.Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

***Таълим- тарбияга ёндашувлар***. Ҳозирда таълим-тарбияга асосан анъанавий ва ноанъанавий (замонавий- тизимли, технологик, тадқиқий-ижодий) ёндашувлар мавжуд.

Хўп, таълимга анъанавий ва ноанъанавий ёндашиш нимаси билан фарқ қилади?

Анъанавий ёндашувнинг асосий хусусияти- ўқитувчи маълум ахборотни гапириб, тушунтириб беради, ўқувчи (талаба) эса бу билимни хотирасида сақлайди. Бунда «билим» тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Ўқувчининг билим даражаси имтиҳонда шу ахборотга доир саволга берган жавобига қараб аниқланади. Бу билим юзаки бўлиши ҳам мумкин ва у хотирада узоқ сақланмайди. Ўқувчининг ўзлаштириш даражаси, сифати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш қийин.

Тизимли ёндашув ҳақида гапиришдан олдин «тизим» тушунчасига тўхтаб ўтсак. Тизим сўзи- тузилма, қисмлардан тузилган, бириккан нарса ёки ҳодиса маъносини англатади. Кибернетик тизим, ахборотлар тизими, ижтимоий муносабатлар тизими, харакатлар тизими, педагогик тизим каби тушунчалар ҳам ишлатилади.

«Тизимли ёндашув илмий билиш методологияси ва педагогик амалиётнинг бир йўналиши сифатида универсал тавсифга эга, педагогикада кенг қўлланилади, таълим-тарбияга ҳам педагогик тизим сифатида қараш лозим»[1].

Тизимли ёндашув тузилиш вазифасига кўра бажариладиган таҳлилга яқин туради. Тизимли таҳлилнинг объекти яхлит нарса ёки ходиса (тизим) ҳисобланади, у объектнинг турли қисмларини, қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини, тизимнинг чегараларини ва тизимнинг атроф-муҳит билан боғлиқлигини, алоқадорлигини назарда тутади.

Тизимли ёндашувда қатор принциплар мажмуидан фойдаланиладики, улар тадқиқотчилик ва амалий фаолиятда юқори натижаларга эришиш имкониятини яратади. М. Очилов бундай қоида-принциплар қаторига қуйидагиларни киритади: мавҳумликдан яққолликка қараб бориш; анализ билан синтезнинг, мантиқийлик билан тарихийлик- нинг бирлиги; объектда

---

[1] М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. (маърузалар матни), Қарши., 2000й, 6 б.

боғланишлар ва ўзаро таъсирларнинг турличалиги; объектнинг тузилиши-вазифалари ва келиб чиқиши ҳақидаги тасавурларнинг бирлиги ва бошқалар[1].

Таълим ишига технологик ёндашув қуйидагиларни назарда тутади:

- ўқиш-ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлик этаплар, фазалар, амалларга ажратиш, булишни;
- таълимдан кутилган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни;
- лойиҳалаштирилган ишлар, амалларнинг барчасини бирдек бажаришни.

Бундай ёндашув асосан репродуктив таълимга хос бўлиб, репрдуктив таълим типик вазиятларда бирор иш-ҳаракатни олдин билиб олинган қоидалар асосида бажаришдир. Репродуктив даража учун педагогик технология усулида таълим такрор ишлаб чиқиладиган конвейрли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа хам аниқ белгилаб қўйилади. Ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузиб, ишлаб чиқилади, айрим бўлак (қисм, модул) ларга ажратилади, ўқув материалини ўргатишнинг альтернатив йўллари назарда тутилади, ҳар бир булакни урганиш тест ёки бошқа йўллар билан назорат қилиниб, хато-камчиликлар тузатилиб борилади. Ўқув иши эталонда курсатилган натижага эришишни назарда тутади. Бу усул билим, куникма ва малакаларнинг зарур минимумини эгаллашда кўпрок самара беради. Технологик ёндашувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди.

Тадқиқий- ижодий ёндашув таълимнинг мақсади талабада бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билимни мустақил ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги усулларини топиш, шахсан ташаббус кўрсатишни, ижодкорлик, фаолликни назарда тутади. Тадқиқий ёндашувда ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига педагог рағбатлантирувчи усулда раҳбарлик килади, боланинг шахсий ташаббусини қўллаб- қувватлайди, бола билан ҳамкорлик қилади, унинг фикр ва қизикишларини олдинги ўринга қўяди.

**Анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш шакллари**

[1] Ўша жойдан, 6-7 бб.

**Анъанавий ўқитиш шаклллари.** Ўнлаб йиллар ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб колмоқда.

Анъанавий дарс- муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс - кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Маълумки анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис, баъзида анъанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади.

Марказда ўқувчи бўлган ўқув жараёнининг, дарснинг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

- Ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш
- Илгари эгалланган билимларни ҳам инобатга олиш
- ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш
- ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш
- Амалиёт орқали ўрганиш
- Икки томонлама фикр- мулоҳазалар билан таъминлаш
- Ўқиш жараёнини тугри йўлга қўйиш
- Ўқитувчи- ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгиллаштирувчи шахс
- ўқув жараёнини баҳолаш

Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабабли, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли- туман ўқувчилар фаоллигини оширадиган методлар билан бойитиб борилса, ўқувчилар ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келади.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, ўқувчиларни амалий

машқларни мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан ўринли фойдаланиш талаб этилади.

## Ўқитишнинг ноанъанавий моделлари.

**Ўқ**итишнинг ноанъанавий моделларини 3 га ажратиш мумкин:

- ҳамкорликда ўқитиш модели;
- моделлаштириш;
- ўрганишнинг тадқиқот модели.

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уларни марказда ўқувчи турган таълим моделлари деб аталади.

**Моделлаштириш-** реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни ихчамлаштирилшан ва соддалаштирилган кўринишини (моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларни шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи метод.

**Ҳамкорликда ўрганиш модели** - ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод.

**Ўрганишнинг тадқиқот модели** - ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йуналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи метод.

Ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларининг ютуқ ва камчиликларини қуйидаги жадвал асосида таҳлил қиламиз:

| **Таълимнинг анъанавий шакллари** | |
|---|---|
| **Афзалликлари** | **Камчиликлари** |
| • маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни урганишда фойдали.<br>• Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш мухитини юкори даражада назорат килиниши.<br>• Вақтдан унумли фойдаланиш.<br>• Аниқ, илмий билимларга таяниш. | • Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.<br>• Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.<br>• Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди.<br>• Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил булмаганлиги сабабали, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб колиши мумкин.<br>• Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди. |

**Таълимнинг ноанъанавий шакллари**

| **Афзалликлари** | **Камчиликлари** |
|---|---|
| • Ўқитиш мазмунини яхши узлаштиришга олиб келиши.<br>• Ўз вактида алокаларнинг таъминланиши. | • Кўп вакт талаб этилиши.<br>• Ўқувчиларни хар доим хам кераклича назоарт қилиш |

| | |
|---|---|
| • Тушунчаларни амалиётда қуллаш учун шароитлар яратилиши.<br>• Ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши.<br>• Мотивацияни юқори даражада булиши.<br>• Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши.<br>• Мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши.<br>• Ўз-ўзини бахолашнинг усиши.<br>• Ўқувчиларнинг предметнинг мазмунига, ўқитиш жараёнига булган ижобий муносабати.<br>• Мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши.<br>• Танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши.<br>• Муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши. | имкониятининг пастлиги.<br>• Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.<br>• «Кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабали «кучли» ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши.<br>• Ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга булишининг талаб этилиши. |

4- Мавзу: **ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Р е ж а:**

1. Талим мақсадлари ва вазифаларини лойиҳалаш.
2. Мақсадларни белгилашда Блум таксономиясидан фойдаланиш.
3. Ўқув мақсадларининг асосий категориялари.
4. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.

**Асосий тушунчалар:**

Таълим мақсадини ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти орқали белгиланиши, мақсадни тўғри қуйишнинг аҳамияти, бош, оралиқ, ҳаракатга тенг мақсадлар, ташҳисланган мақсад,Таксономия- (кўп босқичли тузилиш) тушунчаси, таълим мақсади категориялари: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш, ўкув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.

**АДАБИЁТЛАР**

1. М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й
2. М.Маҳмудов. Иккиламчи дидактик лойиҳалар. «Педагогик маҳорат». 2003 й, 2- сон, 20-23 бетлар.

3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
4. О.Розиқов ва бошқ. Дидактика. Т., 1997 йил.
5. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й.
6. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Лойиҳа.Т., 2002 й

**Ўқув материали ва унинг турли шаклларини лойиҳалаш**. Я.А.Коменский «Тилларни ўқитишнинг янги методлари» асарида: «Таълим - бу ўқувчиларни ўқув материали билан таништиришдир» -деб ёзган эди. (59). Унинг ёзишича таълим учликдан иборат: ўқитувчи, ўқувчи ва ўқув материали. Ўқитувчи - билим берувчи, ўқувчи билимларни идрок қилувчи, ўқув матерали эса- бу билимларнинг ўқитувчидан болаларга ҳаракати, силжишидир.

Биз маълумот мазмуни ўқув материалларида моддийлаштирилади, деган тезисга асосланамиз. Бу тезисга кўра лойиҳалаш жараёнларини бошқариш маълумот мазмунига атрофлича педагогик ишлов бериш, танланадиган ўқув материалларини ўқувчиларнинг реал билиш имкониятларига мослаштиришни тақозо қилади. Шу йул билан ҳажм жиҳатидан ихчам, болаларбоп дарсликлар яратилади. Юқоридаги тезисга риоя қилиш дарсликлар ҳажмини бошқариш, ахборотларни оптимал танлаш, таълимнинг самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш имкониятларини оширади.

Дарсликларни лойиҳалашда маълумот мазмуни ва таълим мазмуни тушунчаларини фарқлаш керак. Маълумот мазмуни: ёшларнинг маълумоти, ривожланиши, тарбиясини мўлжаллаб ҳозирги замон фани, техникаси, ишлаб чиқариши, фикрлашнинг умумий асосларига дидактик ишлов бериш йўли билан танланган билимлар, кўникма-малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ва муносабатлар мажмуидир. Таълим мазмуни, буни ўқув материалига тенг ҳодиса деб қараймиз. Маълумот мазмуни ижтимоий тажрибани ўрганиш, таълим мазмуни эса таълим жараёни контекстида қаралади. Таълим мазмуни ёшларни маълумотли қилиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида таълим жараёнига олиб кирилган билим, кўникма-малака, фаолият усуллари ҳамда табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини эмоционал баҳолашга доир муносабатлардир. Таълим мазмуни таълим жараёнига ўқув материали шаклида олиб кирилади.

Ўқув материали маълумот мазмунини шакллантиришнинг энг охирги даражаси саналади. У таълим бошлангунча турли норматив лойиҳалар - ўқув дастури, ўқув дарслиги таркибида тайёр холда бўлади. Таълим жараёнида эса ўқув-тарбия ишлари ўқув материалини ўрганишдан бошланади. Ўқув материали маълумот мазмуни билан таълим мазмуни ўртасидаги оралиқ звено ҳисобланади. Ўқув материали асосида иккиламчи лойиҳалар: дарс конспекти, топшириқлар тизими, тестлар, таълим эталонлари тузилади.

Ўқув материалининг икки хил таркибий тузилиши - структурасини фарқлаймиз: ўқув материалининг мантиқий қурилиши; ўқув материалининг дидактик қурилиши.

Ўқув материалининг дидактик қурилиши икки хил тушунилади: ўқув материалининг кенг (глобал) қурилиши; ўқув материалининг тор (локал)

қурилиши. Ўқув материалини локал тушунишда уч хил элемент ажратилади: билим, малака, кўникма.

Ўқув материалини кенг ҳодиса сифатида қараб, унинг таркибида қуйидаги элементларни ажратамиз: Билимлар тизими, тушунча, термин, фактлар, қонуниятлар, назариялар, кўникма-малакалар тизими, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар тизими.

Ўқув материалларининг шакллари кўп. Улардан бири ўқув топшириғидир. У қатор ҳусусиятларга эга: уларда ўрганилган ўқув материали мазмуни ҳам акс этган, дидактик лойиҳада болаларнинг ўқув-билув фаолияти ҳам моддийлаштирилади; дидактик лойиҳаларда ўқув-билув фаолияти усуллари ҳам берилади.

**Ўқув мақсадлари ва вазифаларини лойиҳалаш.**

Педагогик технологияда ўқитиш жараёнини лойиҳалаш босқичига ва аввало, таълимнинг кутилажак натижаларига алоҳида эътибор қаратилади. Технологик ёндашувнинг дастлабки босқичида дидактик воситаларни ишлаб чиқишни бир гуруҳ тажрибали услубчи ўқитувчиларга топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик технологиянинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

«Педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг ҳатти-ҳаракати орқали ўқитишдир»[1].

Педагог ўз олдига ўқувчилар материалнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин, деган мақсадни қўяди. Лекин педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагог жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Мақсадларни аниқлаштиришнинг ўзига хос пиллапоясини тузиш мумкин: жамиятнинг

---

[1] Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й. 79-бет

умумий талабларидан таълим тизими вазифаларига, улардан маълум ўқув юрти, ўқув предмети, унинг тематик бўлимлари ва алоҳида ўқув масалаларига. Б.Фарберман буни қуйидаги чизма асосида ифодалаб беради:




Мақсадларни белгилашнинг анъанавий усуллари асосан қуйидагилар:

- Ўқув материалининг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш. Масалан, «Навоийнинг ғазалларини ўрганиш», ёки «Биринчи бобнинг мазмунини ўрганиш». Бунда мақсадга эришилганлигини қандай аниқлаш кўрсатилмаган.
- Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалаш. М-н, «Ўқувчиларни Бухоро амирлигининг давлат тузилиши билан таништириш» ёки «Линзаларда тасвир ясаш усулларини кўрсатиш». Бунда ҳам таълим жараёнининг аниқ мақсадга эришганлигини қандай билиш мумкинлиги кўрсатилмаган**.**

---

[1] Ўша жойда, 80-бет

- Ўқувчининг интеллектуал, эмоционал, шахсий вожланишининг ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадини қўйиш. Масалан: «математик тенглама ечиш кўникмасини ривожлантириш», «мавзуни ўтиш жараёнида ўкучиларни мустақил фикрлашга ургатиш». Бунда ҳам ўкув мақсадига эришганлик ҳақида кўрсаткичларни топиб бўлмайди.
- Ўқув мақсадларини ўқувчилар фаолияти орқали қўйиш. М-н, «аралаш касрларни қўшишга оид мисоллар ечиш». Бу ерда ўқитишдан кутиладиган натижа ва унинг оқибати эътибордан четда қолган.

Ўқитишнинг мақсадларини таълим мазмуни, педагогнинг ёки ўқувчининг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон бермайди.

Педагогик технологияда назарда тутиладиган мақсадларни қўйиш услуби ўзининг ашёвий хусусиятига эга. Бу шундан иборатки, ўқитиш мақсадлари ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган, аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади. АКШ, Англия ва бошқа мамлакатларда ўқувчи ва ўқитувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одатга кирган. Бунда мақсадлар ўқитувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳ.к), ўқувчининг ҳаракатларида ифодаланидиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Вазифа талабанинг тугалланган ҳатти-ҳаракатини ифодаловчи атама билан ифодаланиши шарт.

Шундай қилиб, анъанавий ўқув жараёнида асосий омил педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринга ўқиш жараёнидаги ўқувчиларнинг фаолияти қўйилади.

Таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин. Педагогик адабиётларда вазифалар баъзан «идентификациялашган (таққосланадиган) педагогик мақсадлар деб аталади»[1].

Б.Фарберман эса вазифаларни янада аниқлаш мақсадида қуйидаги қадамларни қўллашни маслаҳат беради:

- ҳар бир вазифалар гуруҳини «Дарс якунида талабалар қуйидагиларни бажара олишлари лозим» деб бошлаш;
- ҳар бир вазифани рақамлаш;

[1] Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М., 1989 г.

- ҳар бир вазифани қуйидаги феъллардан бошлаш: санаб ўтинг, эсланг, сўзлаб беринг, кўрсатиб беринг, танланг, ҳисобланг ва бошқалар.
- ҳар бир вазифани талаба сўзи билан қўйиш;
- ҳар бир вазифа фақат битта натижани кўзласин;
- ҳар бир вазифа «талабанинг кейинчалик ўзини қандай тутиши кераклигига ишора қилсин»;
- вазифаларни шундай ёзиш керакки, унинг ишлатилишини мезонлаш ва қандай қилиб мақсадга эришилганлигини аниқлаш мумкин бўлсин[1]

Вазифалар ўқув саволларини, мавзуларни, бўлимларни, бутун фанни, нималарни баҳолаш кераклигини (оғзаки, ёзма, тест усулида) аниқлаб беради.

Хорижий таълим амалиётида қуйидаги ўқув натижаларини даражалаш тарқалган[2]:

1. Таништирув: мазкур фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартиблар билан танишув.
2. Асосларни ўзлаштириш фан соҳасининг асосий тушунчаларини қайта изҳор(тасвир) этишни назарда тутувчи босқич.
3. Эгаллаш: фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартибларни муваффақиятли тадбиқ этиш.
4. Тўлиқ эгаллаш - моҳирлик: мазкур фан соҳасидаги асосий тушунча ва тартибларни самарали қўллаш ва қолган ўқувчиларга билимларни ва кўникмаларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш бйича ёрдам бериш.

Б.Блум таксономиясини («Таксономия» тушунчачи нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва хусусиятларига кўра кўп босқичли (иерархик) тузилиши асосида тавсифлаш ва тизимлаштиишни англатади) қўллаб, умумий ўқув мақсадларини шакллантириш мумкин. Ушбу таксономия бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар рўйхати келтирилган.

| | | |
|---|---|---|
| Билиш | Эсга тушириш | Тасвирлаш |
| | Эслаб қолиш | Фарқлаш |
| | Ахборот бериш | Танлаб олиш |
| | Айтиш | Айтиб бериш |
| | Ёзиш | Такрорлаш |

[1] Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил. 83 б.

[2] Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил. 85-86 бб.

| | | |
|---|---|---|
| Тушуниш | Далиллаш | Кўчириш |
| | Алмаштириш | Қайта ишлаш |
| | Муайянлаштириш | Намойиш этиш |
| | Белгилаш | Изоҳлаш |
| | Тушунтириш | Очиб бериш |
| Фойдаланиш | Тадбиқ қилиш | Аниқлаш |
| | Хисоблаб чикиш | Амалга ошириш |
| | Намойиш этиш | Ҳисоблаш |
| | Фойдаланиш | Амалга ошириш |
| | Ўқитиш | Ечиш |
| Таҳлил қилиш | Келтириб чиқариш | Олдиндан кўриш |
| | Ажратиб чиқиш | Саралаш |
| | Умумлаштириш | Бўлиб чиқиш |
| | Турлаш | Текшириб кўриш |
| | Фараз қилиш | Гуруҳлаш |
| Синтез | Кашф қилиш | Тизимлаш |
| | Умумлаштириш | Бирлаштириш |
| | Бирлаштириш | Барпо этиш |
| | Режалаштириш | Тузиш |
| | Ишлаб чиқиш | Лойиҳалаш |
| Баҳолаш | Ташҳислаш | Баҳолаш |
| | Исботлаш | Текшириш |
| | Улчаш | Назоарт қилиш |
| | Асослаш | Таққослаш |
| | Қўллаб қувватлаш | Солиштириш[1] |

[1] Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил. 91-92 бб.

Педагогик технология асосидаги муайян дарснинг лойиҳасини тузиш кетма-кетлиги қуйидагича тавсия қилинади:

- ўқув предметининг ишчи дастурига асосан ўқитувчининг ўқув ва тарбия мақсадларини шакллантириш;
- таянч ўқув саволларини блокларга ажратиш (2 соатлик дарсга 2-5та);
- ҳар бир ўқув саволи бўйича ўқувчиларнинг вазифаларини шакллантириш, унда қуйидагилар ифодаланади: 1) Ўқувчи мақсадга эришгандан сўнг қиладиган ҳатти-ҳаракати билан тасвирланувчи феъли орқали ўхшаш ўқув мақсади шаклида ёки 2) Б.Блум таксономияси ўқув мақсадларининг асосий тушунчалари (билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, мажмуалаш, баҳолаш) шаклида;
- ҳар бир вазифа бўйича шуғулланиш ва машқлар учун ўқув материалларини мустаҳкамлашни таъминловчи вазифалар (саволлар, масалалар, тест топшириклари) тузиш (одатда баҳоланмайди );
- ҳар бир таянч ўқув мавзуси бўйича таркибида оғзаки, ёзма тест саволлари бўлган якуний назорат топшириқлари мажмуини тузиш, ушбу мажмуа мавзуларини маҳсулдор ва намойиш даражасида ўзлаштирилганлигини баҳолай олиш зарур;
- кўзланган мақсадга кафолатли эришувни таъминловчи ишчи дастурини, ўқитувчи ва ўқувчи мақсади ҳамда назорат саволларига мос равишда дарс мазмунини ишлаб чиқиш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг узвийлигини таъминлаган ҳолда дарснинг боришини лойиҳалаш (асосий жойларини).

Ўқув материалини дидактик лойиҳалаш, ўқув мақсадларини лойиҳалаш масаласи М.Маҳмудов томонидан анча кенг таҳлил этилган. У «Дидактик лойиҳлашнинг илк қадами ўқитиш ва ўқиш мақсадларини аниқлашдан иборат»[1] деб ҳисоблайди ва ўқув мақсадларини тўрт тоифага ажратади: бош мақсад, оралиқ сақсад, ҳатти-ҳаракатга тенг мақсад, эришилган натижани ўлчаш меъёри ва баҳолаш усули. Таълим жараёни бошмақсадни мўлжаллаб ташкил этилади. Оралиқ мақсадларни малга ошириш эса бош мақсадга бўйсундирилади. Болалар оралиқ мақсадларга эришиш йўли билан давлат

---

[1] М.Маҳмудов. Ўқув материалини дидактик лойиҳалаш тизими. «Педагогик маҳорат». 2002 й, 3-сон, 5-б.

таълим стандартини ўзлаштиришади. Ҳатти ҳаракатга тенг мақсадга кўра ўқув фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари қайд этилади, оралиқ мақсадга эришишга оид воситалар, ўқув ҳолатлари, топшириқлари, ўкув-билув фаолиятини амалга ошириш тартиби берилади. Эришилган натижани ўлчаш меъёри ва баҳолаш усулида эса турли ёзма ва оғзаки топшириқларни, тестлар тўпламини бажариш, ўзи ва ўртоқлари билимидаги ютуқ ва камчиликларни баҳолаш кўзда тутилади. Бу шаклдаги таълим мақсадини белгилашни таълим эталони, деб қаралади. М.Маҳмудов дарс конспектига ҳам, таълим эталонига ҳам иккиламчи лойиҳалаш воситади деб қарайди. Шу кўрсатмалар асосида тайёрланган айрим таълим эталонларидан мисоллар келтирамиз.

Масалан, **Педагогика фанидан «Кадрлар тайёрлаш миллий модели, ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни»** мавзусини ўтишда таълим мақсадини қуйидагича белгилаш мумкин:

***I.*** **Бош мақсад -** «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ўрганиш ва бўлғуси ўқитувчиларда педагогик маҳоратни шакллантириш; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилишга қодир бўлган қобилиятларни шакллантириш.

**II. Оралиқ мақсадлар** (Таълим натижалари) - Мустақилликдан кейинги таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳатлар моҳияти; Таълим қонуни ва миллий дастурнинг қабул қилиниш сабаблари; Таълим қонунининг тузилиши ва моҳияти; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва вазифалари; Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари; ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёти; ўқитувчининг жамиятда тутган ўрни; уқитувчи шахсининг инсонпарварлиги тўғрисида тушунча бериш.

**III. Ҳаракатга тенг мақсадлар** (Натижага эришиш шартлари)- Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида булаётган ислоҳатларга муносабат билдириш; Таълим қонуни ва миллий дастурнинг қабул қилиниш сабабларини таҳлил этиш; Таълим қонуни асосида таълим тизими ва турларини ёддан санаб бериш; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва уни руёбга чиқариш босқичларини ёддан айтиб беришга тайёрланиш; Кадрлар тайёрлаш миллий модели таркибий қисмлари моҳиятини очиб бера олиш; ўқитувчилик касбининг тарихий тараққиёт босқичларини гапириб бериш; бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчининг тутган урнига муносабатини билдириш; ўқитувчи шахсининг инсонпарварлигига ўз ўқитувчилари намунасида мисоллар келтириш.

**IV. Эришилган натижани ўлчаш меъёри (баҳолаш усули)** - гуруҳларга бўлинган ҳолда «Таълим туғрисида» ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини «Б-Б-Б жадвал»и асосида таҳлил қилиш; «Менинг идеал ўқитувчим» мавзусида реферат тайёрлаш; миллий моделнинг таркибий қисмларига Синквейн тузиш; берилган вақт доирасида тестлар тупламини бажариш; Машғулот давомида берилган саволларга жавоб бериш.

**«ПЕДАГОГИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ»** мавзусига қуйидагича мақсад белгилаш мумкин:

**I. Бош мақсад** - педагогика фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини педагогика фани билан танишиш ва педагогик маҳорат эгаллаш учун ўрганиш.

**II. Оралиқ мақсадлар** (таълим натижалари) - «Таълим туғрисид»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» моҳияти; таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳатлар мақсади; «Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида илгари сурилган ғоялар; «педагогика» сўзининг келиб чиқиши ва маъноси; Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари; жамият ривожида педагогиканинг ўрни; педагогиканинг асосий тушунча (категория)лари: таълим, тарбия, маълумот, ривожланиш, педагогик фаолият, педагогик жараён, тарбиянинг мақсади, билиш, англаш, ургатиш; Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси; Педагогика фанлари тизими; миллий мафкурани шакллантиришда педагогиканинг ўрни каби масалаларни билиш.

**III. Ҳаракатга тенг мақсадлар (**Натижага эришиш шартлари)- Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида булаётган ислоҳатларга муносабат билдириш; Таълим қонуни ва миллий дастурнинг қабул қилиниш сабабларини тушунтириб бериш; Президентимизнинг «Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқидаги асосий ғояларни ажратиб, моҳиятини ёритиб бериш; Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари, унинг асосий тушунчалари (таълим, тарбия, маълумот)га берилган таърифларни ёддан айтишга тайёрланиш; Педагогика фанининг жамият ривожидаги ўрнини мисоллар билан ёритиб бериш; Педагогика фанининг фалсафа, тарих, психология, социология, этика, эстетика, иктисод, адабиёт фанлари билан алоқасини мисоллар билан изоҳлаб бериш; педагогика фанлари тизимини айтиб бериш; Миллий мафкурани шакллантиришда таълим-тарбия муассасаларининг роли ҳақидаги ўз қарашларини баён этиш

**IV. Эришилган натижани улчаш меъёри (баҳолаш усули)** - гуруҳларга булинган ҳолда «Таълим қонуни ва Миллий дастур», «Таълим-тарбия ислоҳати», «Педагогиканинг фанлар билан алоқаси», «Педагогика фанлари тизими» тушунчаларига Кластер тузиш; Педагогика, таълим, тарбия, маълумот сузларига синквейн тузиш; берилган вақт доирасида тестлар тўпламини бажариш; Машғулот давомида берилган саволларга жавоб бериш.

## 5- МАВЗУ: ЎРГАНИШНИНГ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ. КИЧИК ГУРУҲЛАРНИ ТУЗИШ ВА УЛАРДА ИШЛАШ

**Р е ж а:**

1. Таълимнинг гуруҳли шакли ва аҳамияти
2. Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари. Гуруҳда ишлашни режалаштириш.
3. Гуруҳга ажратиш ва гуруҳда ишлаш қоидалари.
4. Кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари.

**Асосий тушунчалар**:

Таълимнинг гуруҳли шакли, таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати, таълим олувчиларнинг потенциал имкониятлари, ўзаро муносабат, гуруҳларни шакллантириш, гуруҳда ишлашни режалаштириш, гуруҳга ажратиш, гуруҳда ишлаш қоидалари, кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари: .

АДАБИЁТЛАР


1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

Мустақил Республикамиз узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, замон талаблари билан уйғунлаштирилган, жаҳон андозалари даражасига мос «миллий моделни» ҳаётга тадбиқ қилишга, маънавиятимизни янада юксалтиришга қаратилган.

Бу эса ўз навбатида ўқувчи ва талабаларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, танқидий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерактив таълим олишларига кўмак берувчи инновацион усуллардан, ғуруҳли таълим шаклларидан кенг фойдаланишимизни талаб қилади.

Таълимни кичик гуруҳлар асосида ташкил этиш «таълим берувчи-таълим олувчи» диалогидан воз кечишни ва «таълим берувчи- гуруҳ- таълим олувчи» кўринишидаги уч томонлама ўзаро муносабатга ўтишни назарда тутади. Ўқув гуруҳи таркиби буйича ҳаракатчан кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар-бири ўзича ўқув материалини ўзлаштиради. Ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилади, шахсий ва бир вақтнинг ўзида жамоавий руҳий ҳолат кучаяди.

Гуруҳлардаги иш анъанавий дардан нимаси билан фарқ қилади?

**Биринчидан,** гуруҳдаги ишда ўкувчилар фаол иштирок этадилар, ўқитувчи бирор иш билан банд бўлган пайтда ҳам ўқувчилар бекор қолмай, ўзига берилган топшириқ устида ишлайдилар.

**Иккинчидан,** ўқувчилар гуруҳдаги ишда ўз ўртоқлари билан биргаликда қатнашадилар. Улар ўзгалар билдирган фикр-мулоҳазаларни муҳокама қиладилар. Фикрларни тушунишга эришиш учун ўқувчилар бир-бирларини эътибор билан тинглашга ўрганадилар. Бир-бирларига саволлар берадилар, бир- бирларига ёрдам беришни ўрганадилар.

**Учинчидан,** иқтидорли болалар ўз қобилиятларини бутун синф эътиборини жалб қилмай намоён қилишлари мумкин. Баъзи ўкувчилар ўзгаларнинг «ўзини кўрсатмоқчи», «ўқитувчининг эркатойи» каби сўзларни эшитишни истамай, ўз қобилиятини кўрсатишдан чўчийди. Гуруҳлардаги иш эса бу муаммони юзага келмасданоқ ҳал қилади. Иқтидорли ўқувчининг ўзи ҳам ўз билими ва тажрибасидан ўртоқлари фойдаланаётганидан хурсанд бўлади.

Болалар гуруҳдаги иш пайтида ўзларини анча эркин тутадилар. Нотўғри жавоб бериб, уялишдан чўчийдиган болалар ҳам стресс камроқ вазиятда ўз

билимини намойиш қилиш имкониятига эга бўлади. У ўзининг фикрини ҳам бошқалар қадрлаётганини кўради.

Синфдаги тортинчоқ ўқувчилар ҳам анча фаоллашадилар. Гуруҳдаги иш унда ўзига ишонч ҳиссиётини пайдо қилади. 4-5 ўқувчидан иборат гуруҳда тортинчоқ ўқувчи ўзини 33-34 ўқувчи олдида жавоб бериш ҳолатидан кўра эркинроқ сезади.

Таълимнинг гуруҳли шаклида:

- Ўқув-билиш жараёни фаоллашади;
- Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятларини ривожланиши ва амалга оширилиши таъминланади;
- Ўқувчиларнинг билими ўзаро ҳамкорликда бойийди, муаммолар ҳамкорликда ечилади, уларда коммуникативлик ривожланади;
- Гуруҳда ишлаш атрофдагиларга бўлган муносабатни ўзгартиради, «мен ва улар»дан «биз»га ўтишни таъминлайди ва ўқувчига ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш имконини беради.

Ўқувчилар гуруҳларда ишлар эканлар қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишлари лозимлигини аниқ белгилаш керак. Ўқитувчи яна қуйидаги саволларни ўйлаб кўриши лозим: Бажариладиган иш олдига қандай мақсадлар қўйилган? Нима учун болалар шу нарсани билиб олишини истайсиз? Режалаштирилган ишларнинг ҳаммаси амалга ошишига ишонасизми? Бунга эришиш учун ихтиёрингизда қанча вақт бор?

Гуруҳларда ишлаш жойини тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳлардаги иш одатдаги синф жойлашишига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Қуйидагиларга эътибор қаратиш керак бўлади:

- гуруҳ қандай иш билан машғул бўлади;
- ўқувчилар синфда юра олишлари мумкин бўлсин;
- гуруҳ ўқувчилари бир-бирларини кўришлари ва тинглашлари мумкин бўлсин;
- гуруҳларга метериаллар тарқатилиши керак;
- бошқа турли қўлланма ва материаллардан фойдаланиш қулай бўлсин.

Гуруҳларга топшириқлар ёзма йўриқнома шаклида берилганда, йўриқнома қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: йўриқнома ҳар бир ўқувчига тушунарли тилда ёзилиши; гуруҳ ўқитувчи ёрдамисиз фойдалана олиши учун аниқ ва муфассал бўлиши; топшириқ билан бирга ёзма ишни

бажариш учун керакли материал ва варақлар берилиши; кутиладиган натижалар аниқ кўрсатилиши лозим.

Гуруҳ аъзоларининг мажбуриятлари:

- ҳар бир ўқувчи бошқаларнинг гапига қулоқ солиши керак;
- топшириқларни бажаришда ҳамма ўқувчилар иштирок этиши лозим;
- ҳар бир ўқувчи ўзига ёрдам керак бўлиб қолганда сўраши лозим;
- ҳар бир ўқувчи ундан қандайдир масалада ўртоқлари ёрдам сўраса, албатта кўмаклашиши лозим.

Таълим олувчиларни гуруҳларга ***белгилари бўйича (***а)ихтиёрий ёки нoформал белгилари бўйича тузилган аралаш гуруҳли; ўқув даражаси ютуқлари бўйича; психологик жихатдан бир-бирига тўғри келиши даражаси бўйича), ***сони бўича (*** а) 2- 5 кишилик - унча катта бўлмаган вазифаларни бажариш учун; б)5 - 7 кишилик - мураккаб вазифалар учун); ***вақт бўйича*** бўлиш мумкин.

Гуруҳ шароитида ишлашнинг биринчи машғулоти ҳал қилувчи бўлиб, бунда қуйидаги шароитларга риоя қилиш муҳим:

1. Ўқитувчи гуруҳни ўзи белгилши.
2. Қатъий раҳбарлик қилиши мумкин бўлган энг фаол ва бошқа ўқувчилар ҳақида ўйлаб кўриш.
3. Энг зеҳнли ва қобилиятли ўқувчилардан ҳар бир гуруҳга киритиш.
4. Дарсда фаоллик кўрсатмайдиган ўқувчиларни ҳам танлаб, ҳар қайси гуруҳга беркитиш.
5. Раҳбарни гуруҳ билан топшириқни бажаришдан олдин учаштириш.
6. Гуруҳнинг ва раҳбарнинг вазифасини тушунтириш.
7. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтиришини ташкил этиш (гуруҳ аъзолари бир-бирларини кўриб туришлари лозим).
8. Ўқитувчининг иш вақтида ҳар бир гуруҳ атрофида юриши.
9. Муҳокама охирида ўқитувчининг ўз кузатуви асосидаги фикр-мулоҳазларини гапириб бериши.

Биринчи марта гуруҳ шароитида ишлашни ташкил қилиб, ўқувчиларни бундай ишлашга кўниктириб олгандан сўнг ўқитувчи гуруҳни ташкил қилишнинг турли шаклларидан, ўйин усулларидан фойдаланиши мумкин. Кичик гуруҳларга бўлиш йўлларидан айримларини мисол қилиб келтириш мумкин.

*Гуруҳ тузишнинг «Шеригингни топ» усули.* Катта гуруҳни (ёки синфни) тўртта кичик гуруҳга бўламиз. Бунда тўртта фан ¸ки соҳага оид тушунчалар карточкаларга ¸зиб чиқилади. Масалан, математикага оид: функция, каср, синус, косинус, тангенс, котангенс, логорифм сўзлари; она тилига оид: грамматика, синтаксис, морфология, от, сифат, сон, феъл, олмош сўзлари; Тарбия соҳасига оид: ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, меҳнат каби сўзлар ва Психологияга оид: сезги, идрок, хотира, диққат, тасавур, тафаккур, нутқ, темперамент сўзлари. Ҳар бир талаба биттадан карточка олади. Талаба (ўқувчи)лар ўзи мансуб бўлган гуруҳдаги шерикларини топади ва бир фан ¸ки соҳага оид тушунчаларни танлаган талабалар бир гуруҳга бирлашади. Талабалардан тўртта гуруҳ ташкил топади.

*Гуруҳ тузишнинг «Чўп танлаш» усули.* Ўқитувчи 5 та гуруҳ тузмоқчи бўлса, ўқувчиларга гугурт чўпидан (ёки хоҳлаган кичикроқ буюм, қоғозчалар, оддий чўпчалар, тошчалар, нўхат кабилар ҳам бўлиши мумкин) биттадан токи бештагача олишлари мумкинлигини айтади. Талабалар чўпдан 1,2,3,4 ёки бештадан олган бўлишлари мумкин. Биттадан олганлар 1- гуруҳ, иккитадан олганлар 2-, учтадан олганлар 3-, тўрттадан олганлар 4- ва бешта чўп олганлар 5-гуруҳни ташкил этишади.

*Гуруҳ тузишнинг «Ёқтирганингни танла» усули.* Турли дарахтларнинг баргларидан (нечча кишилик гуруҳ тузмоқчи бўлса шунчадан барг) йиғиб, ўқувчиларга хоҳлаган баргни танлаш таклиф этилади. Бешга гуруҳ тузмоқчи бўлса, беш хил дарахт барги, масалан, олма, ўрик, тут, терак, тол дарахтларининг барглари таклиф этилади. Бир хил дарахт баргини танлаганлар бир гуруҳга бирлашадилар.

Гуруҳларни яна туғилган фаслига қараб, ёқтирган гули, меваси ёки ҳайвонга қараб ва бошқа усуллар билан ҳам тузиш мумкин.

Умуман олганда кичик гуруҳларда ишлаш талаба ва ўқувчиларни яна ҳам фаолроқ бўлишга, гуруҳ учун маъсулиятни ҳис қилишга ўргатади, коммуникатив қобилиятларини ривожланишига ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида ўқувчи ва талабаларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, танқидий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерактив таълим олишларига кўмак берувчи инновацион усуллардан, ғуруҳли таълим шаклларидан кенг фойдаланишимизни талаб қилади.

6- МАВЗУ: **ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА «СИНКВЕЙН», «КЛАСТЕР» УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Р е ж а:**

1. Танқидий фикрлашга ўргатишда интерфаол усулларнинг ўрни.
2. «Синквейн» усули, синквейн ёзиш қоидалари
3. Кластер усули. Кластерларга бўлиш қоидалари.
4. Синквейн ва Кластерга турли мисоллар тузиш.

**Асосий тушунчалар:**

Танқидий фикрлаш, интерфаол усуллар, «Синквейн» усули, синквейн ёзиш қоидалари, мураккаб ахборотни синтезлаш, синквейн- болалар тушунчаларининг йиғиндисини баҳолаш воситаси сифатида, синквейн- ижодни тақдим этиш воситаси сифатид, кластер усули, эркин ва очиқ фикр стратегияси, кластерларга бўлиш қоидалари, тоифаларга ажратиш.

АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».Т., 1997 й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

5. Н.Сайидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.
6. Мактаб дарслик ва ўқув қўлланмалари.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи (2001- 2005 йиллар)да - «таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни амалга ошириш»[1] вазифалари белгилаб қўйилган. Чунки мамлакатимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аҳоли таълимини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсади ҳам илғор педагогик тадбирлардан фойдаланишимизни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш келажакда ёш авлодни юқори касбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қатнаша олиш, эркин фикр юритиш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган. Бу эса ўз навбатида ўқувчларнинг илмий билим даражасини ва фаоллигини кенгайтиришни талаб қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини орттиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, танқидий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерактив таълим олишларига кўмак берувчи инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки инновациялар узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил этилишига сабаб бўладиган турли туман ташаббус ва янгиликларнинг яхлит тизимида намоён бўлади.

Инновациялар муҳим аҳамиятли бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмуни ривожи учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай инновацион усулларга кичик гуруҳларда ишлашнинг қуйидаги: «Ақлий ҳужум», «Ролли ўйинлар», «Ўйинли судлар», «Мунозара», «Ечимлар дарахти», «Музёрар», «Икки кисмлик кундалик», «Синквейн», «Кластер», «Кубиклар», «Б-Б-Б», «Венн диаграммаси», «Т- чизма», «Биргаликда ўқитиш», «Зигзаг», «Кейс», «Пинборд» ва бошқа шаклларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**Синквейн усули[1]** Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темплнинг «Ўқиш ва ёзиш танқидий фикрлашни ривожлантириш учун» дастурида ўқувчи ва талабалар

---

[1] Баркмол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т., «Шарқ», 1998 й, 41 б.

фаоллигини оширувчи, уларнинг танқидий фикрлашини ўстирувчи қатор усуллар курсатиб утилган. Шундан усуллардан ҳисобланган Синквейн ва Кластерга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Синквейн[2]- (французча беш қатор) усулида мавзу ёки тушунча моҳияти беш қаторли очиқ шеърда ёритилади.

Синквейн- француз тилида «5 қатор» маъносини билдиради. Синквейн- маълумотларни синтезлаш (бир бутунга келтириш)га ёрдам берадиган қофияланмаган шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча(ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборот йиғилган ҳолда, ўқувчи сўзи билан турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш- мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзуни яхшироқ англашга ёрдам беради.

Синквейн тузиш қоидалари:

1- қатор: Мавзу бир сўз билан ифодаланади ( одатда от танланади).
1- қатор: Мавзу иккита сифат билан ифодаланади (2 та сифат ёзилади).
2- қатор: Мавзу доирасидаги ҳатти-ҳаракатни учта сўз билан ифодаланади.(3 та феъл ёки равишдош ёзилади).
3- қатор: Мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр ёзилади.(4 та сўздан иборат жумла ёзилади).
4- қатор: Мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади (мавзуга синоним сўз ёзилади).

Синквейнлар қуйидаги ҳолларда жуда фойдали бўлади:

- Мураккаб ахборотни синтезлаш учун восита сифатида;
- Ўқувчилар тушунчаларининг йиғиндисини баҳолаш воситаси сифатида;
- Ижодни тақдим этилишининг воситаси сифатида.

Синквейнга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

**Шахс**

Серғайрат ва бахтиёр.
Изланади, фикр юритади, комилликка интилади.
Нақадар буюк ва мураккаб мавжудот.
Инсон.

**Таълим**

Узлуксиз, ихтиёрий (мажбурий).
Ўргатади, йўл кўрсатади, руҳлантиради.
Ҳаётдаги энг ёруғ чироғ! (Бешикдан то қабргача илм изла!)

---

[1] Халқаро очиқ жамиятининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т., 13 б.

[2] Синквейн- франц. «беш қаторли шеър» маъносини билдиради.

Билим.

**Матбуот**

Қизиқарли ва ранг-баранг.

Уйлантиради, тарбиялайди, тўғри йўлга бошлайди.

«Маърифат»га обуна билишга шошилинг!

Тўртинчи ҳокимият.

**Одоб**

Гўзал ва яхши.

Инсонни безайди, улуғликка кўтаради, яшнатади.

Инсон одоби билан гўзал!

Ахлоқ.

**Ўйин**

Ҳаракатли ва дидактик.

Фикрни чархлайди, ақлни ўстиради, тафаккурни ривожлантиради.

Соғлом танда соғ ақл.

Машғулот.

**Таълим**

Узлуксиз, ихтиёрий (мажбурий).

Ўргатади, йўл кўрсатади, руҳлантиради.

Ҳаётдаги энг ёруг чироғ!

Билим.

**Ўқиш**

Қизиқарли, тушунарли.

Билим бермоқ, тушунмоқ, ютуққа эришмоқ.

Руҳ, ақл, ҳиссиётни фарқлаш.

Ўрганиш.

**Кластер усули**[1] Кластерларга ажратиш- ўқувчиларга бирор-бир мавзу тўғрисида эркин ва очиқ тарзда фикр юритишга ёрдам берадиган педагогик стратегиядир. Бу усул кўп вариантли фикрлашни ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа)лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради. «Кластер» сўзи ғужм, боғлам маъносини англатади. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикралашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди.

---

[1] Халқаро очиқ жамиятининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т., 12 б.

Кластерлар тузишдан янги  мавзуни мукаммал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофикдир.

Кластер  тузиш кетма-кетлиги:

1. Катта вароғ қоғознинг ўртасига ёки синф доскасига ёхуд ёзиш учун фойдаланиш мумкин бўлган сатҳга «калит» сўз ёки гап ёзилади;
2. Шу мавзуга тегишли деб  ҳисобланган ва хаёлга келган сўз ва гаплар ёзилади;
3. Фикрлар пайдо бўлганда ва уларни ёзганда фикрлар ўртасида мумкин бўлган боғланишларни белгилаш;
4. Фикрлар тугамагунча ёки вақт тамом бўлгунича хаёлга келган барча фикрлар ёзилаверади;
5. Келтирилган  сўз ва фикрлар мазмуни ва яқинлигига қараб  тоифаларга ажратиб чиқилади.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг  иштирок этиши, шу гуруҳ учун ғоялар ўзаги бўлиб хизмат қилади.

Кластерларга  бўлиш- ўқувчи ва талабаларга бирор-бир мавзу тўғрисида эркин ва очиқ тарзда фикр юритишда ёрдам берадиган педагогик стратегиядир. У фикрлар ҳақида мулоҳаза юритишни рағбатлантиришга имкон берадиган тизимларни яратишни талаб қилади.

Педагогика назариясига оид «Шахс камолоти ижтимоий биологик ходиса, педагогик  жараён объекти ва субъекти сифатида» мавзусини ўтишда талабаларни 4 гуруҳга бўлиб, уларга «Ирсият», «Муҳит», «Таълим-тарбия», «Фаолият» тушунчаларига, «Тарбия қоидалари» мавзусида «Мақсадга қаратилганлик», «Инсонпарварлик ва демократия», «Қадриятлар устуворлиги», «Изчиллик-тизимлилик» тушунчаларига кластер туздириш мумкин.

Талабаларга ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнат, иқтисодий, жисмоний, экологик, ҳуқуқий   эстетик  тарбия беришга оид мавзуларда ҳам ҳар бир тарбия турига оид кластер тузиб, сўнг унинг моҳиятини кенг очиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

«Таълим назарияси» бўлимининг «Таълим мазмуни» мавзусида «Таълим мазмуни», «Ўқув режа», «Ўқув дастур», «Дарслик» тушунчаларига, «Таълим тамойиллари» мавзусида ҳар бир тамойилга, таълим методлари ва дарс турларининг ҳар бирига ҳам аввал кластер тузилиб, кейин муҳокама  қилинса  талабаларнинг фикрлаши ва мустақиллиги янада  ортади.

«Таълим-тарбия» тушунчасига  тузилган  кластер:



Фаолият  тушунчасига тузилган кластер




Юқоридаги педагогик  категориялар  моҳияти очиб берилганидан сўнг, талабаларга  мазкур тушунчаларга оид Синквейн усулида фикр юритишга имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Кластер тузишни муайян тушунча ёки ғояни англаш босқичида қуллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бунда ўкувчи ўқув материалини нафақат мустақил ва фаол ўзлаштириши, балки ўз тушунчаларини ҳам кузатиб бориши лозим.  Кластер тузиш ақлий ҳужум усулини қўллашнинг кўринишларидан биридир.

## 7- МАВЗУ: МАТН БИЛАН ИШЛАШДА «ИНСЕРТ» жадвали, «ИККИ ҚИСМЛИК КУНДАЛИК» УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

**Р е ж а:**

1. Инсерт усули ва унинг моҳияти. Инсерт жадвали ва у билан ишлаш.
2. Икки қисмлик кундалик усули моҳияти.
3. Матндан танлаб олинган цитатага шарҳ ёзиш.
4. «Сўнгги сўзни менга қолдиринг» усули моҳияти.

**Асосий тушунчалар:**

Инсерт усули, матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш , инсерт жадвали, икки қисмлик кундалик, матндан танлаб олинган сўз, ибора, гап ёки бирор цитата, танлаб олинган цитатага шарҳ, муносабат, фикрни баён этиш, «сўнгги сўзни менга қолдиринг»- фикрни рағбатлантириш, матнни муҳокама қилиш, мунозара.

АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Ўзбекистннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т., «Ўзбекистон»,1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.Т.,1997 й.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
4. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
5. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


**Инсерт усули**[1]

Инсерт усули тушунишни кузатиш воситасидир. Инсерт- бу ўқув жараёнида ўз англашини фаол кузатиш учун ўқувчиларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қололмаслиги мумкин. Бу эса одам нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ва ўз англашини кузатмайдиган ҳолларнинг мисолидир. Инсерт- бу матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш учун кучли воситадир.

Ўқувчи матн билан ишлаётганда бир қатор белгиларни қўйиб боради, улар эса қуйидаги маъноларни билдиради:

V - билганларимни тасдиқлайди

[1]Ххалқаро очиқ жамияти исититутининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й , 10 бет

\+ - янги ахборот

\- - билганларимга зид келади

? - мени ўйлантириб қўйди.

Матнни инсерт усулида ўрганганда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин

| «V» | « - » | « + » | « ? » |
|---|---|---|---|
| «ҳа» - ўқиганларингиздан аниқ билган ёки биламан деб ўйлаган маълумот | «манфий» - ўқиганларингиз, билганларингизга қарама-қараши маълумот | «мусбат» - ўқиганларингиз орасида сиз учун янги бўлган маълумот | «савол» - ўқиганларингиздан сиз учун тушунар-ли бўлмаган ёки шу ҳақда кўпроқ нарса билишни истаган маълумот |

*Инсерт усулидан фойдаланган ҳолда И.Каримовнинг «Ўзбекистннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»(1992) асаридаги «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг манавий- ахлоқий негизлари» боби билан гуруҳларга бўлинган ҳолда танишиб чиқайлик.*

**Инсерт -** матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш воситасидир. Талабаларнинг ҳар бирига матн тарқатилади, улар матнни ўқиб, ундаги фикрларга қуйидаги белгиларни қўйиб боради: V = «билганларимни тасдиқлайди»; + = «янги ахборот»; - = «билганларимга зид келади»; ? = «мени ўйлантириб қўйди»

***Инсерт жадвали***

| **«V»** | *«-»* | *«+»* | *«?»* |
|---|---|---|---|
| *«ҳа»- ўқиганларингиздан аниқ билган ёки биламан деб ўйлаган маълумот* | *«манфий»- ўқиганларингиз, билганларингизга қарама-қарши маълумот* | *«мусбат»- ўқиганларингиз орасида сиз учун янги бўлган маълумот* | *«савол»- ўқиганларингиздан сиз учун тушунарли бўлмаган ёки шу ҳақида кўпрок маъ-лумотлар олишни истаган маълумот.* |

Улар матндан ўзлари олган янги ахборотларни жадвалга қайд этиб қуйишади. Узлари ўйлаганига зид келган ва ўйлантириб қуйган масалалар юзасидан ўз қарашларини баён этишади. Мунозаралар натижасида айрим саволларига жавоб топишади ёки ўқитувчи уларни тушуниб етишга ёрдам беради.

Insert усулидан фойдаланган ҳолда 3 синф Одобнома дастуридаги “Чўли Малик” мавзусини урганиб чиҳиш мумкин. Уҳувчилар матндан ўзлари олган Янги ахборотни жадвалга ҳайд этиб ҳўйишади. Ўзлари ўйлаганига зид келган ва ўйлантириб ҳўйган масалалар юзасидан ўз ҳарашларини баён этишади.Мунозаралар натижасида айрим саволларга жавоб топишади ёки ўҳитувчи уларни тушунтириб беради. Юҳоридаги мавзуда ўҳувчиларнинг жавобларидан шу нарса кўриндики, ўҳувчиларнинг кўпчилиги Чўли Малик дегвн жой борлигини билишади, лекин унинг ҳаерадлигини билишмайди.

Чўли Малик деган кишининг номига ҳўйилганлиги улар учун янгилик экан. Оддий чивин хазинани ҳандай топишга ёрдам бергани уларни ҳизиҳтириб ҳўйди.

**Икки қисмлик кундалик** усулидан ҳам матн билан ишлаш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бу усул биринчидан, мавзу матнини чуқур тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, ўқувчиларни ижодий тафаккурга ундайди, уларнинг мустақил фикр юритишларини кучайтиради. Берилган матн ўқиб чиқилгач, дафтар варағи қуйидаги тарзда икки қисмга бўлинади:

| ПАРЧА | ШАРҲ |
|---|---|
| | |

Чап томондаги «Парча» деб ёзилган қисмга ўқувчилар матн юзасидан бирор парча ёки уларга қаттиқ таъсир қилган нарса ёки уларни ҳақиқатда ҳайрон қолдирган тимсол ҳақида ёзишлари керак. Эҳтимол, бу уларга шахсий тажрибаларидан ниманидир эслатгандир, балки уларни қизиқтирган ёки ўйлантириб қўйгандир. Балки улар бу фикрга, нарсага қўшилмаслар. Балки бу нарса ўқувчи учун янгиликдир, балки шу нарса моҳиятини тушуниб етмагандир.

Варақнинг «Шарҳ» деб ёзилган ўнг томонига чап томондаги танланган парча (ёки парчалар) га шарҳ ёзилади. Бунда нима учун ушбу парчани танлаб олганлиги, бу нарса уни нима ҳақида ўйлашга мажбур этганлиги, шу муносабат билан унда қандай фикрлар туғилганлиги ҳақида шарҳ берилади.

3 ва 4- синф Одобнома дарсликларидаги «Нон сеҳри», «Чумоли билан чивин», «Жамоат жойларида сайру-саёҳатларда иштирок этиш одоби», «Нафсни бошҳариш инсонга хосдир», «Жаҳлни енга олган кучлидир» мавзуларини ўтишда икки ҳисмлик кундалик усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда ўҳувчилар ўзларини ҳизиҳтирган парча сифатида ҳуйидагиларни танлашлари мумкин:

"Non sehri" hikosidan: "Tomda kasal yotgan Alining dimog`iga yoqimli hid kirib, o`zini ancha - muncha yengil his qila boshlabdi. Buning sababi, Ma'rifat olib chiqqan qopga onasi yopgan Samarqand nonidan solingan ekan. Qiz Aliga nondan beribdi. Uni egan Alining kuchiga- kuch qo`shilib, kasali ham tuzala boshlabdi"[1].

"Chumoli bildan chivin" she'ridan:

- To`g`ri, sizlar ishlamasdan topasizlar,
Qayda tekin ovqat bo`lsa, chopasizlar.
Ishlamasdan oziq topish, baxtli bo`lish,
Bizda tubanlikdir, undan yaxshi o`lish.

4-sinfda “Vatanni sevmoq iymondandir” bobida Erkin **Samandarning** **“***JALOLIDDIN MANGUBERDI”* dramadan parcha keltirilgan. Shundan o`quvchilar ko`proq quyidagi parchalarni tanlashdi:

---

[1] O.Xasanboeva va boshk. Odobnoma. 3 - sinf uchun darslik. T., 2002, 30 b

“Chingiz ila Jaloliddin olishdi yakka,
Uchib ketdi qari shayton qo'lidan shamshir,
Chingiz qochdi, ha-ha, qochdi kaltak zarbidan”.

**yoki**

“Bittasi-chi, ishtonini qo'liga olib,
Ura qochdi tashlagancha sarxush xotinin,
Jaloliddin unga qarab otdi arqonni,
Sirtmoq borib naq bo'yniga tushdi, yopiray
Shu kabi  parchalarni tanlab o`quvchilar ularga sarh yozishdi.

Икки ҳисмлик кундалик усули моҳиятини  қуйидаги мисолда куриб чикиш мумкин:

*Америкалик ёзувчи   Лэнгстон Хьюзнинг «РАҲМАТ, МЭМ!» номли ҳикоясини ўқинг.*

***РАҲМАТ,  МЭМ!***

*Кечқурун соат ўн бирлар, қоронғи тушган. Гавдали аёл катта ва оғир  сумкасини елкасига ортиб кўчада кетиб бормоқда. Тўсатдан қоронғуликдан бир  йигитча пайдо бўлди-ю, унинг орқасидан келиб, сумкасини тортиб олмоқчи бўлди. Болакай орқадан сумкани шундай куч билан тортдики, унинг қайиши узилиб, ерга тушиб кетди. Лекин сумка шунчалик оғир , болакай эса шундай кичик эдики, у мувозанатини йўқотиб, қочиш ўрнига, оёқларини осмонга чўзганча, орқаси билан тротуарга  йиқилиб тушди. Барваста аёл кескин қайрилиб, боланинг тор жинси кийган орқасига тепди. Кейин энгашиб болани елкасидан кўтарди ва куч билан силкитди.*

- *Эй болакай, сумкамни олиб бер,- деди аёл.*

*Бола сумкани олиш учун бироз олдинга қадам ташлади.*

- *Сенга уят эмасми?*
- *Ҳа, мэм,- деб ғулдиради бола. Аёл уни аввалгидек ёқасидан ушлаб турарди.*
- *Нега бундай қилдинг?*
- *Мен атайин қилганим йўқ.*
- *Сенга ишониб бўпман.*

*Уларнинг ёнидан  икк-уч киши ўтди, кимдир  уларга қайрилиб қараб, яна йўлида давом этди, кимдир   тўхтаб уларни томоша қила бошлади.*

- *Агар сени қўйиб юборсам- қочиб кетасанми?*
- *Ҳа,  мэм.*
- *Унда қўйиб юбормайман,- деди аёл.*
- *Хоним ,кечиринг, -шивирлади болакай.*
- *Афтингга  қара, қандай ифлос. Нима уйингда ҳеч ким юзингни юв демайдими?*
- *Ҳеч ким йўқ,  мэм.*

- *Энди кимдир бўлади. Бугун юзинг ҳам ҳар қачонгидан тоза бўлади,- деб аёл болани судраганча кўча бўйлаб кета бошлади.*

*Кўринишдан бола 14-15 ёшларда, ориқ, нимжон бўлиб, кроссовка ва жинсида эди.*

- *Афсус, сен менинг ўғлим эмассан,- деди аёл.- Бўлмасам кўрсатиб қўйиган бўлардим. Менга тегиш керак эмасди. Энди- қутила олмайсан. Миссис Луэлла Бейтс Вашингтон Жонсни энди узоқ вақт унутмайсан.*

*Бола қўлдан чиқишга ҳаракат қиларди. Лекин аёл уни қўйиб юбормай, уйигача олиб келди. Болани хонасига итариб олиб кирди, даҳлиз бўйлаб тортиб, ошхонага олиб ўтди. Аёл ҳамон уни қўлтиғи остидан ушлаб турарди.*

- *Исминг нима?*
- *Роджер,- жавоб берди бола.*
- *Ҳозир бориб юзингни ювасан. Уқдингми?*

*Роджер эшикка қаради, сўнгра аёлга, яна эшикка... ва чаноққа борди.*

- *Мени қамоққа олиб борасизми?- деб сўради бола, чаноққа энгашиб.*
- *Шундай ифлос башара билан ҳеч қаерга олиб бормайман. Кечки овқат тайёрлайман. Балки сен ҳам ҳали овқат емагандирсан?*
- *Уйимда ҳеч ким йўқ,- жавоб берди бола.*
- *Демак унда бирга овқатланамиз. Сен оч қолгадирсанки, сумкамни ўғирлашга қарор қилибсан.*
- *Мен замшадан тикилган кўк туфли олишни хоҳлаган эдим,- деди бола.*

*Бола юзини ювиб, артинди. Кейин нима қилсам экан деб ўгирилди. Эшик очиқ эди. Даҳлизга югуриб чиқиш ва қочиб кетиш мумкин.*

*Аёл ўриндиқда ўтирарди.*

- *Мен ҳам ёшлигимда кўп нарса хоҳлар эдим,- деб аёл жим бўлди. Узоқ сукунат чўкди. . .*
- *Ҳа, мен ҳам шундай нарсалар қилганманки, бу ҳақда гапирмаслик маъқул ўғлим. Ким билан бунақа ишлар бўлмайди дейсан. Ўтир, мен ҳозир бирор егулик тайёрлайман.*

*Хонанинг бошқа четида, тўсиқнинг ортида газ плитаси ва совутгич бор эди. Миссис Жонс ўрнидан туриб, ҳар дақиқада қочиб кетиши мумкин бўлган болага ҳам, унинг ёнида турган сумкасига ҳам эътибор бермай, тўсиқ ортига ўтди. Бироқ бола қочишни ўйламасди. Бунинг устига у аёл кўз қири билан кузатиши мумкин бўлган хонанинг узоқ бурчагига, сумкадан нарироққа ўтирди. У аёл унга ишонишини хоҳларди.*

*Аёл совутгичдан егулик олди, какао қайнатди ва столга қўйди. У боладан қаерда яшашини ҳам, ота-онасини ҳам, умуман уни ноқулай аҳволга соладиган ҳеч нимани сўрамади. Болага ўзи тўғрисида гапириб берди, меҳмонхонадаги кечгача*

*очиқ турадиган сартарошхонада ишлашини, унга кўпроқ қандай аёллар киришини айтиб берди. Болага овқат еб бўлгач, пирог кесиб берди. Овқатланиб бўлгач, дастурхондан туриб, деди:*

*- Ма ол, ўнталик, ўзингга замшадан тикилган кўк ботинка сотиб ол. Бундан кейин бировларнинг нарсасига кўз олайтирма. Ёдингда бўлсин: ҳаром пулга пойабзал сотиб олсанг, улар бутун умр товонингни куйдиради. Аёл уни узун даҳлиздан чиқишгача кузатиб қўйди.*

*- Хайрли тун, бундан кейин ўзингни яхши тут,- деди аёл эшикдан ташқарига қараб.*

*Шалоғи чиққан зинадан югуриб тушиб, бола пастдан юқорига қараб, эшик олдида турган аёлга «Рахмат, мэм» деб, яна нималардир демоқчи бўлдию, аммо лаби пичирлагани билан, овози чиқмасди. Бола овоз чиқариб миннатдорчилик ҳам билдира олмади*[1].

***Матн юзасидан топшириқ:***

*Матн юзасидан икки қисмлик кундалик тузинг. (Икки қисмлик кундалик усули моҳияти: Қоғоз ўртасидан узунасига чизиқ чизилади. Унинг чап томонига матндан сизга кўпроқ таъсир кўрсатган парча, ёки ҳайрон қолдирган тимсол, қизиқтирган, ўйлантирган ёки маъқул бўлмаган фикр ёзилади.*

*Варақнинг ўнг томонига ушбу парча ёки фикр бўйича шарҳ ёзиш керак. Нима учун ушбу парчани ёзиб олдингиз? Бу нима ҳақда ўйлашга, эслашга мажбур этди? Шу юзасидан қандай саволлар туғилди?)*

*Икки қисмли кундаликни қуйидаги шаклда тузиш мумкин:*

| ***Парча*** | ***Шарҳ*** |
|---|---|
| 1. Уларнинг ёнидан икк-уч киши ўтди, кимдир уларга қайрилиб қараб, яна йўлида давом этди, кимдир тўхтаб уларни томоша қила бошлади | Бунда одамларнинг бепарволиги, нима воқеа бўлгани, нима учун аёл болани ураётгани билан қизиқмаётганлиги кўзга ташланади, бунда ўзбекона «бир болага етти маҳалла ота-она» деган фикрга амал қилинмаётганини кўришимиз мумкин. |
| 2. Энди кимдир бўлади. Бугун юзинг ҳам ҳар қачонгидан тоза бўлади,- деб аёл болани судраганча кўча бўйлаб кета | Бу ерда нотаниш, ёлғиз ва каровсиз болага бўлган ишонч, ҳамдардлик ва меҳрибонлик қилганлиги менга |

---

[1] Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. 78-82-бетлар.

| | |
|---|---|
| бошлади. | таъсир қилди. |
| 3. У боладан қаерда яшашини ҳам, ота-онасини ҳам, умуман уни ноқулай аҳволга соладиган ҳеч нимани сўрамади. | Менимча, аёл бола билан яхши танишиб, овқатланиб бўлгач буларҳақида сўраши керак эди. |

*3. Роджернинг 10 йилдан кейин Миссис Жонсга ёзган хати қандай бўлиши мумкин? **Роджер номидан хат ёзинг** (10 минутлик эссе)*

«**Сўнгги сўзни менга қолдиринг»  усули**

**«Сўнгги сўзни менга қолдиринг»-** ўқиб чиқилгандан сўнг фикрлашни рағбатлантиришга қаратилган усуллардан биридир. У ҳар қандай дарак ёки тавсифлаш матнини муҳокама қилиш учун асос беради. Айниқса, у дарсда қўл кўтармайдиган, фаол қатнашмайдиган ўқувчиларни умумий мунозарага жалб этиш учун мақбулдир. Бу усул қуйидагиларни ўз ичига олади:

1- Ўқувчилардан матнни ўқиш пайтида матндан улар айниқса қизиқарли ёки шарҳлашга муносиб деб ҳисоблайдиган парчаларни топиш сўралади.

2- Ўқувчи ўзи танлаган парчани карточка ёки варақчага ёзиб олади (парча танланган бет ва абзацни белгилаб қуйиш лозим бўлади).

3- Карточканинг орқа томонига ўқувчи ўз шарҳини ёзади. У парчадаги фикрни ривожлантириши, унга қарши бўлиши, қўшилмаслиги ёки ўз хоҳишига қараб бошқача таҳлил этиши мумкин.

4- Кейинги куни ўқувчилар парчалар ёзилган карточкаларни дарсга олиб келадилар. Ўқитувчи танлаган парчасини ўқиб бериш учун улардан бирортасини доскага чиқаради (Ушбу ўқувчи саҳифанинг рақамини ёки нечанчи абзац эканлигини айтиши мақсадга мувофиқдир, шунда синфдаги ўқувчиларнинг матнни кузатиб бориши осонроқ бўлади).

5- Парча ўқиб бўлингач, ўқитувчи қолган ўқувчиларни унга муносабат билдиришга ёки уни шарҳлашга таклиф қилади. Мунозарада мавзудан четга чиқмасликка ҳаракат қилиш лозим. Мулоҳазалар қуруқ ва парчани танлаган ўкувчини ранжитадиган бўлмаслиги керак. Уқитувчи парчага ўз муносабат ва шарҳини ҳам бериши мумкин.

6- Хулосада парчани танлаган ўкувчи унга доир ўзи ёзган шарҳини ўқиб беради. Ана шунда «сўнгги сўз уники» деган асосий қоида амалга киради. Ундан сўнг мунозарани ҳеч ким давом эттира олмайди. Ўйин қоидасига кўра у ўқувчидан кейин ўқитувчи ҳам муносабат билдириши мумкин эмас. У аралашмай, мулоҳаза билдирмай туришига тўғри келади. Аралашиш ҳалол мунозарани йўққа чиқаради. Ўйинни қоидасига кўра ўйнаш керак!

7- Шундан сўнг ўқитувчи кейинги ўқувчини парча билан доскага чиқаради ва ўйин яна бошидан бошланади. Бутун синфни бир дарсда доскага чиқариш имконияти бўлмайди, албатта. Лекин ҳар бир дасрда оз-оздан вақт ажратиш мумкин.

## 8-МАВЗУ: ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА «АҚЛИЙ ҲУЖУМ», «ПИНБОРД» УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Р е ж а:**

1. Ақлий ҳужум (Брейнштормин) усули моҳияти
2. «Ақлий ҳужумнинг қоидалари», Ақлий ҳужум усулининг технология харитаси.
3. Пинборд усули. Мунозара ва амалий ишнинг боғланиши.
4. Пинборднинг функциялари. Фикрни ёзма баён этиш маҳорати.

**Асосий тушунчалар**:

Ақлий ҳужум-Брейншторминг, ғояларни генерация қилиш, шахсий ғояларни илгари суриш, кичик гуруҳларда янги ғояларни яратиш, ақлий ҳужумнинг қоидалари, ақлий ҳужум усулининг технология харитаси, Пинборд (инглизчадан pin-мустаҳкамлаш, board- доска) усули, мунозара ва амалий ишнинг боғланиши, пинборднинг функциялари, фикрни ёзма баён этиш маҳорати.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т., 1997
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.Т., «Университет», 1999 й.
3. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.
4. Фарберман. Б.Л. Илғор педагогик технологиялар.Т., 2000й.
5. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
6. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


Гурух шароитида ишлашда ва танқидий фикрлашга ўргатишда турли интерфаол усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Шундай усуллардан бири «Ақлий ҳужум» (русчада «мозговая атака», инглизчада «brain storming») усулидир. «Ақлий ҳужум»- муноза юритиш шаклларидан биридир.

**Ақлий ҳужум (Брейнсторминг)**

**Ақлий ҳужум-** ғояларни генерация қилиш усули. Бу методнинг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт ўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

«Ақлий ҳужум»дан мақсадли фойдаланиш ўкувчиларнинг ижодий ва ностандарт тафаккурлашини ривожлантиради. Усулни қўллаш учун дастлаб йиғилган гуруҳ одига муаммо қуйилади. Бу муаммони ечимига оид мунозарада барча ўкувчилар иштирок этадилар ва ўз фикрларини билдирадилар. Бунда баҳслашувчиларга мияга қанндай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «тилга нима келса» айтиш имконияти берилади. Дастлабки босқичда ҳеч кимни ўзга киши ғояларига «ҳужум» қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. «Ақлий ҳужум йўли билан қисқа дақиқаларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу усул шартларидан бири ҳеч қандай ташқи тасирсиз қатнашчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар. У иштирокчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга рағбатлантиради. «Ақлий ҳужум»нинг вазифаси кичик гуруҳлар ёрдамида янги- янги ғояларни яратишдир. Бу усул муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг кўпроқ ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундайди. Ғоялар қанча кўп бўлса. Уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси айни муддао бўлиши мумкин.

Бу усулни биринчи марта америкалик олим А.Осборн 30- йилларда таклиф этган ва йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди. Лекин кейинчалик мутахассислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими бўлган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўллаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар[1].

Бу методдан бизнинг аждодларимиз, қомусий олимларимиз ва салтанатни бошқарган шоҳу султонларимиз анча илгари фойдаланишган. Бу методни улар бошқача номлашган, яъни «кенгаш», «машварат», «маслаҳат» деб аташган. Мисол учун, Амир Темур салтанат олдидаги муаммоларни ечишда машварат чақириб барча сарой аҳлининг, вазиру-уламоларнинг, фарзандларининг фикрларини диққат билан эшитган ва улар асосида ягона ҳукм чиқарган.

Бироқ тўғри ташкил этилган «ақлий ҳужум»нинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қатор қоидаларга риоя қилиш керак.

**«Ақлий ҳужум»нинг қоидалари:**

---

[1] Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т., «Ўниверситет», 1999, 59-бет.

1. Фикр ва ғоялар  ҳеч қандай чекланмаган ҳолда иложи борича  қаттиқроқ айтилиши лозим;
2. Билдирилган фикр ва ғоялар таклифлар бериш тўхтатилмагунча  муҳокама қилинмайди, баҳоланмайди;
3. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади;
4. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши;
5. Фантастик, қўққисдан мияда пайдо бўлган  фикрлар ҳам муҳим;
6. Билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу иштирокчиники, деб ажратилмайди, улар муаллифсиздир;
7. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин;
8. Барча айтилган таклифлар  ёзиб борилади;
9. Таклифларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.
10. Фикр ёки ғояларнинг маъқулини танлаш  алоҳида «танқидчилар» ёки гуруҳнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

**Ақлий  ҳужум усулининг технологик  харитаси**.

| Иш босқич-лари ва мазмуни | Фаолият | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 5- Бос қич Тайёрлов | Мавзуни аниқлайди, мақсадни натижаларни, бахолаш мезонини шакллантиради | |
| 2- босқич Кириш | Мавзунинг мақсад, натижа ва баҳолаш мезонини эълон килади. Ақлий ҳужум усули мақсадни амалга ошириш усули эканлигини тушунтиради.<br>Берилган муаммони баён қилиб, бошлаш тўғрисида буйруқ беради. | |
| 3- босқич Ғояларни киритиш | Ғояларни магнитафон ёки видеолентага, қогоз варағига ёки доскага ёзиб олишни таклиф қилади. | Муаммони ечиш буйича ғоя ва таклифлар ҳақида мулоҳаза юритадилар. |
| 4- босқич Таҳлил | Таклиф қилинган баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ғояларни таҳлил қилишни ташкил этади. | Билдирилган ғояларни, таклифларни гурух бўлиб таҳлил киладилар. Энг қулай ва мақсадга мувофиқларини аниқлайдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| 5-босқич Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш | Ўқувчилар томонидан амалга оширилган фаолиятга якун ясайди, таҳлил қилади ва баҳолайди. | Ўз-ўзига баҳо беришлари мумкин |

**«Ақлий ҳужум»нинг вазифаси**. Бу метод қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси , муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

**Ақлий ҳужумнинг объекти**. Қўлланиш сҳасига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади[1].

## Пинборд усули
## ( инглизчадан: pin - мустаҳкамлаш, board - доска)

Бу ўқитиш усулининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боланиб кетади. Унинг афзаллик функциялари-ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифадир: ўқувчиларда мулоқат юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

### Пинборднинг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва таркиби | Фаолият | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 1-босқич Тайёрлов | Мавзуни аниқлайди, мақсадни аниқ ифода этади, натижа ва баҳолаш | |

---
[1] Н.Сайидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003, 95- бет.

| | | |
|---|---|---|
| | мезонини аниклайди. Қизиқтирувчи (музокарани) савол ва асосий фикрларни шакллантиради. | |
| 2-Босқич Мавзуни ишлаш | Мавзу тузилишини аниқлайди, ўз мулоҳазаларини билдиради ва ўкувчиларга ўз нуқтаи назарларини баён этишни таклиф этади. «Пинборд» усулини тушунтиради. Мунозара бошланишини тезлаштириш учун бир нечта тайёрланган саволларни бериши мумкин. | Мунозара вақтида мавзуни ишлаб чиқадилар. |
| 3-Босқич Ўз хулоса-ларини ёзма баён этиш | Кузатади | Мунозара давомида шаклланган фикрларини асосий хулосалар кўринишида қоғоз вароғи ёки карточкага ёзиб доскага илиб қўядилар |
| 4-Босқич Умумлаш-тириш | Маслаҳат ва тавсия орқали мажбур қилмасдан кўмак бериш. | Ўқув гуруҳининг 2-3 аъзоси ўртоқлари билан маслаҳатлашган ҳолда мазмунига қараб маълумотни тартиблайдилар ва гуруҳларга бўладилар. Стрелка, чизиқ ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаро муносабатини: бир бутун ёки қарама-қарши нуқтаи назарни шакллантирадилар |
| 5- босқич Якун ясаш, таҳлил қилиш, баҳолаш | Ўқувчилар томонидан амалга оширилган фаолиятга якун ясайди, таҳлил қилади ва баҳолайди. | Ўз-ўзига баҳо беришни амалга оширишлари мумкин. |

## 9- МАВЗУ: ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик») СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

**Р е ж а:**

1. «Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз, билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули моҳияти
2. «Б-Б-Б» усулини қўллаш қоидалари
3. Б-Б-Б чизмани тўлдириш.

**Асосий тушунчалар:**

«Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз, билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули , матнни тушунишни кузатиш, «Б-Б-Б» усулини қўллаш қоидалари, Б-Б-Б жадвали, Б-Б-Б чизмани тўлдириш.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т., 1997 й.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. Т., 2000 й
4. Педагогика назарияси ва тарихи фанидан маъруза матнлари. Навоий,2002.
5. Педагогик маҳорат фанидан маъруза матнлари. Навоий, 2003.
6. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
7. Ўрта мактаб дарсликлари.

Инновацион усуллардан бири бу **Б-Б-Б** (биламиз, билишни хохлаймиз, билдик) жадвали билан ишлашдир. «Б-Б-Б- (биламиз, билишни хохлаймиз, билдик) усули машғулот жараёнида матнни тушунишни кузатишдаги график ташкилотчи ҳисобланади»[1].

Масалан, Педагогика назариясидан «Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни» мавзусида Таълим қонуни ва Миллий дастурни ўрганиш учун «Б-Б-Б чизма»дан фойдаланишимиз мумкин. Б-Б-Б - (биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик) усули машғулот жараёнида матнни тушунишни кузатишдаги график ташкилотчи ҳисобланади.

**Б-Б-Б чизмаси**[2]

---

[1] «Сорос» халкаро очик жамиятининг «Танкидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури.- Т., 2002, 20-бет.

[2] *СОРОС халқаро очиқ жамиятининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. 2002й, 20-бет.*

| Тахминан нимани биламиз? | Нимани билишни хоҳлаймиз? | Нимани билдик? |
|---|---|---|

Талабалар гуруҳларга бўлинишади. Ўтилаётган мавзу ёки тушунча юзасидан ҳар бир гуруҳ ўзаро ҳамкорликда «Тахминан нимани биламиз?» устунини тўлдиришади. Доскадаги биринчи устунга эса барча гуруҳларнинг жавоблари жамланади. Берилган жавоблар тоифалар бўйича гуруҳланади. Масалан, таълим методлари таҳлил этилаётган бўлса, жавоблардаги оғзаки баён, кўргазмали, амалий, муаммоли ва бошқа усулларга оид тушунчалар алоҳида тоифаланиб чиқилади.

Кейин ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзаро келишилган ҳолда «Билишни хоҳлайман» устунига мавзу юзасидан ўзини қизиқтирган саволларни ёзиб чиқишади. Доскадаги иккинчи устунга эса барча гуруҳларнинг саволлари жамланади. Шундан сўнг талабалар мавзу юзасидан матн (маъруза) билан тулиқ танишиб чиқадилар ва жадвалнинг иккинчи устунига қайтиб, ўзлари билишни хоҳлаган саволлардан қайсиларига жавоб топганлигини белгилаб чиқишади. Саволларга топилган жавоблар учинчи «Билдик» устунига ёзилади. Талабаларни қизиқтирган қайсидир саволга жавоб чиқмай қолган бўлса, уни ўқитувчи тўлдириши ёки уйга вазифа сифатида билиб келишни топшириши мумкин.

Талабалар гуруҳларга бўлиш қоидалари асосида кичик гуруҳларга ажратилади. Таълим қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юзасидан ҳар бир гуруҳ ўзаро ҳамкорликда «Тахминан нимани биламиз» устунини тўлдиришади. Доскада чизилган жадвалдаги биринчи устунга эса барча гуруҳларнинг жавоблари жамланади. Берилган жавоблар тоифалар бўйича гуруҳланади. Масалан, таълим тури, тизими, бошқариш ва бошқаларга оид жавоблар. Кейин ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзаро келишган ҳолда «Билишни хоҳлайман» устунига мавзу юзасидан ўзини қизиқтирган саволларни ёзиб чиқишади. Доскадаги иккинчи устунга барча гуруҳларнинг саволлари жамланади. Шундан сўнг талабалар Таълим қонуни ва Миллий дастур матни билан танишиб чиқадилар ва жадвалнинг иккинчи устунига қайтиб, ўзлари билишни хоҳлаган саволлардан қайсиларига жавоб топганларини белгилаб чиқишади. Саволларга топилган жавоблар учинчи «Билдик» устунига ёзилади. Талабаларни қизиқтирган қайсидир саволга жавоб чиқмай қолган бўлса, уни ўқитувчи тўлдиради ёки уйга вазифа сифатида билиб келишни топширади.

«Б-Б-Б» чизма усулидан бошқа мавзуларни ва фанларни ўқитишда матн билан ишлаш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Усул моҳиятини янада кенгроқ тушунтириш мақсадида қуйидаги мисолни келтирамиз. Масалан «Кислотали ёмғир» мавзуси ўтилаяпти дейлик. Дастлаб ҳар бир ўқувчи, кейин эса кичик гуруҳ ўзаро келишиб жадвалнинг биринчи бўлимини тўлдиришади. Кейин эса нимани билишни хоҳлашларини ёзиб чиқишади, бу қуйидагича бўлиши мумкин:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|---|---|---|
| 1. Яшин пайти бўлади | 1. Зарарли хусусият-ларини | |

| | | |
|---|---|---|
| 2. Заҳарли газлар таъсирида.<br>3. Ёмғир билан бирга ёғади.<br>4. Ёқисмсиз ҳидга эга.<br>5. Атрофни заҳарлайди<br>6. Очиқ сариқ рангда бўлади.<br>7. Ҳамма нарсани емиради.<br>8. Касалликлар келтириб чиқаради<br>9. Завод фабрикалар бор жойларда бўлади.<br>10. Иқлимга таъсир қилади. | камайтириш ҳақида.<br>3. Қандай пайдо бўлади ва таркиби қандай?<br>4. Оқибати нимадан иборат?<br>5. Қайси фаслда кўпроқ бўлади?<br>6. Ҳимояланиш йўллари қандай?<br>7. Иқлимга таъсири нимада кўринадии?<br>8. Бартараф қилиш мумкинми?<br>9. Қандай касалликларни келтириб чиқаради?<br>10. Диагностика йўли билан аниқлаш мумкинми? | |

«Биламан» устунидаги жавоблар тоифаланиб чиқилади, яъни бир-бирига боғлиқ ёки яқин бўлган томонлар ажратилади, масалан,

Экологияга таъсири- 5,7, 10.

Инсон соғлиғига таъсири- 4, 5, 8, 10.

Шакли- 4, 6, :

Пайдо бўлиши- 1,2,3.

Сўнгра иккинчи устунга нимани билишни хоҳлаш ёзилади.

Шундан сўнг мавзу матни билан танишиб чиқилади.

КИСЛОТАЛИ ЁМҒИР

Кўмир, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари сингари қазиб олинадиган ёқилғи ёнганда атмосферага олтингугурт, углерод ва азот оксидлари чиқариб ташланади. Бу оксидлар атмосферадаги намлик билан бирикиб, олтингугурт, кўмир ва азот кислоталарини ҳосил қилади. Ёмғир ёки қор ёғганида бу кислоталар ерга қайтади. Айни шу ҳодиса кислотали ёмғир деб аталади.

Бошланғич синфларда машғулотлар давомида ўқувчилар тузган «Б-Б-Б» жадваллардан мисол қилиб келтирамиз.

4-синф Она тили дарсида «Сон» мавзусини ўрганишда тузилган жадвал:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
| --- | --- | --- |
| Сон предметнинг нечталигини билдиради. Қанча? Нечта? Сўроқларига жавоб бўлади | 1.Соннинг турлари борми?<br>2.Улар қандай қўшимчалар олади?<br>3.Кандай ёзилади?<br>4.Гапда қандай вазифада келади?<br>5.Нимага боғланиб келади? | 1.Саноқ сон, чама сон.<br><br>2.Предметнинг тартибини билдирган сонлар- нчи, -инчи қушимчалари билан қўлланилади.<br>3. Предметнинг тартибини билдирган сонлар рақам билан зилганда- нчи,- инчи қўшимчаси ўрнига чизиқча қуйилади: 7-уй, 4-синф, 10-мактаб.<br>4. Гапда иккинчи даражали бўак вазифасида келади.<br>5. Кўпинча отга боғланиб келади. |

2- синф Ўқиш дарсида «Алишер билан булбул» матнига тузилган жадвал:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
| --- | --- | --- |
| Алишер Навоий буюк бобокалонимиз.<br>У ёшилигида жуда зийрак, илмга қизиққан бола бўлган.<br>Шаҳримиз унинг номига қуйилган.<br>У щоир ва ёзувчи бўлган | 1.У қаерда туғилган?<br>2. Нимага ҳикоя «Алишер билан булбул» деб номланган?<br>3. Алишер булбул билан гаплашадими? Нима ҳақида?<br>4. Нима учун Навоий тахаллуси қўйилган. | 1. У 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилган.<br>2. У бир куни боққа чиқиб, шеър ўкий бошлаганида унинг овозига булбул маҳлиё бўлиб қолади ва келиб унинг елкасига қўнади.<br>3. «Эй хушовоз шоир, бунча овозинг булбулнинг овозидан ҳам ёқимли, исминг нима дейди». «Мен Алишерман», дейди у.<br>4. Сен энди ўзингга тахаллус топ, дейди булбул. Бубулнинг «наво» деган сўзи Алишерга ёқиб, ў ўзига «Навоий» тахаллусини танлайди. |

## 10- МАВЗУ: ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШДА «Т- ЧИЗМА», «ВЕНН ДИАГРАММАСИ», «ЭЙЛЕР ДОИРАЛАРИ » ДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Р е ж а:**

1. «Т-чизма» усули моҳияти.
2. Венн диаграммаси ва унинг қоидалари.
3. Жуфтликда ва гуруҳда ишлаш
4.«Эйлер доиралари»- 3 ёки ундан ортиқ воқеа, ҳодиса, жараён, нарсаларни солиштириш.

**Асосий тушунчалар:**

«Т-чизма» усули, қўшалоқ жавобларни таққослаш, зид жавобларни ёзиш, Венн диаграммаси, ғояларни зидлаш ёки уларнинг умумий томонларини кўрсатиш, Венн диаграммаси қоидалари, жуфтликда ва гуруҳда ишлаш, 2 ходиса, жараён ёки нарсни солиштириш, «Эйлер доиралари»- 3 ёки ундан ортиқ воқеа, ҳодиса, жараён, нарсаларни солиштириш.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.. 2002.

4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

**«Т- чизмалар»[1] усули**

Т-чизма мунозара вақтида қўшалоқ жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/ қарши) ёки таққослаш, зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. «Педагогика» фанидан қатор мавзуларни ўрганишда бу усулдан фойдаланиш яхши самара беради.

Масалан, «Таълимни ташкил этиш шакллари» мавзусида анъанавий ва ноанъанавий таълим шаклларини солиштириш, таҳлил этиш учун талабалар қуйидаги чизма асосида иш олиб боришлари мумкин:

| **Таълимнинг анъанавий шакли** | | **Таълимнинг ноанъанавий шакли** | |
|---|---|---|---|
| Афзаллиги | Камчилиги | Афзаллиги | Камчилиги |
| + | - | + | - |

Бунда биринчи гуруҳ Т- чизмани чизиб, унинг чап томонига анъанавий таълимнинг афзалликларини берилган вақт давомида кўрсатиб беришади. Сўнгра шунча вақт ичида бу фикрга қарши бўлган фикрларни, яъни анъанавий таълимнинг камчиликларини кўрсатиб ўтишади. Иккинчи гуруҳ худди шундай чизмада ноанъанавий таълимнинг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилишади. Гуруҳларнинг чизмалари таққосланиб, сўнгра бутун синф билан Т- чизма тузилади ва муҳокама этилади. Ёки бўлмасам, биринчи гуруҳ анъанавий таълимнинг афзаллигини ёзади, иккинчи гуруҳ эса унинг камчиликларини кўрсатиб беради. Иккинчи гуруҳ ноанъанавий таълимнинг афзалликларини санаб беради, биринчи гуруҳ эса унинг камчиликларини топишга ҳаракат қилади.

Ёки дарс турларини ўтганда ҳар бир дарс туридаги ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини қуйидаги Т- чизма асосида таҳлил этиш мумкин:

| **Янги билим бериш дарси** | | **Ўқув материалини мустаҳкамлаш дарси** | | **Такрорлаш ва умумлаштириш дарси** | | **Аралаш дарс** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўқитув-чи фао-лияти | Ўқувчи Фао-Лияти | Ўқитув-чи фао-лияти | Укувчи фао-лияти | Укитув-чи фао-лияти | Укувчи Фао-Лияти | Укитув-чи фао-лияти | Укувчи Фао-Лияти |

Таълим методларини солиштириб ўрганиш мақсадида қуйидаги шаклдаги Т-Чизмадан фойдаланамиз:

---

[1] Халқаро очиқ жамият институтиининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т., 16 б.

| Таълимнинг оғзаки методлари | | Таълимнинг амалий методлари | | Таълимнинг муаммоли методлари | |
|---|---|---|---|---|---|
| Афзаллиги | Камчи-Лиги | Афзаллиги | Камчи-Лиги | Афзаллиги | Камчи-Лиги |

«Таълим мазмуни» маълумот мазмунини танлашга оид назарияларнинг айримлари узоқ ўтмишга бориб тақалса, айримлари XX асрда пайдо бўлган. Улардан моддий таълим назарияси ва формал таълим назарияларининг моҳиятини талабалар ўрганиб, таҳлил қилишлари лозим бўлади.

Моддий таълим назарияси Х1Х асрнинг кейинги чорагида кириб келди. (1879 й, Ф.Доэрфельд. «Дидактик метериализм» китоби). Моддий таълим назарияси асосчилари мактабнинг вазифаси болларга имконияти етгунча кўпроқ билим ўргатишдан иборат деб ҳисоблардилар.

Формал таълим тушунчаси 1791 йили (Э.Шмидтнинг «Эмпирик психология» китобида) ишлатилган.

Формал таълим назарияси тарафдорлари мактабнинг вазифасини болалар тараққиётида кўришади. Улар мактабнинг иши билим бериш эмас, аксинча, болаларда турли қобилиятларни ривожлантиришдан иборат, деб билишади. Билимларни эса ҳар ким ўзи истаганча, ўз қобилиятига яраша ўрганади.

Моддий таълим ва формал таълим назариялари ғояларини Т-чизма асосида солиштириш, таҳлил этиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

| **Моддий таълим назарияси** | | **Формал таълим назарияси** | |
|---|---|---|---|
| Ижобий томонлари | Салбий томолари | Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
| Боланинг имконияти етганича кўп билим бериш;<br>Барча соҳаларга оид билимлар тайёр ҳолда берилади;<br>Энциклопедик билимли киши ўзини-ўзи ривожлантиради;<br>Шарқ педагогикасида ҳам қомусий билимларга интилишган. | Бола тараққиётига кам эътибор берилиши;<br>Таълим ва тараққиёт ўртасидаги алоқадорликни эътироф этмаслик;<br>Дарслик ва қўлланмаларнинг кенгайиб кетиши;<br>Дарсликларда иккинчи даражали ахборотларнинг кўпайиб кетиши. | Боланинг тараққиётига биринчи даражали иш деб қаралиши;<br>Боланинг турли қобилиятларини ривожлантиришга эътибор бериш;<br>Болани фикрлашга ўргатиш тарбиядан орқада қолмаслиги;<br>Таълим боланинг қобилияти ва қизиқиш доирасига мос бўлиши;<br>Тараққий эттирувчи таълим методларидан фойдаланиш. | Барча фанлар бўйича умумий асосларни ҳам тўлиқ берилмаслиги;<br>Тафаккурни формал ривожлантиришга эътибор қаратиб, тафаккур билимларни ўзлаштириш натижасида ривожланишига эътибор бермаслик;<br>Илмнинг кўплаб соҳаларидан бехабар қолиш. |

Классик дидактик тизимлар билан замонавий-илғор дидактик тизимларни қуйидаги чизма асосида таққослаб ўрганиш мумкин:

| Классик дидактик тизимлар | Замонавий-илғор дидактик тизимлар |
|---|---|

| | |
|---|---|
| 1. Илмий-дидактик тадқиқот марказида ўқитувчи туради ва у таълим жараёни субъекти сифатида қаралади.<br>2. Таълим хотирага мўлжаллаб ташкил этилади.<br>3. Механик ёдлашга, китобий усулларга асосий эътибор қаратилади.<br>4. Ўқув материалини мавзу ва кичик мавзучаларга ажратиб ўқитиш принципига риоя қилинади.<br><br>5. Ўқитувчининг фаолияти- ўқитиш таълим сифатида шарҳланади. | 1. Илмий-дидактик тадқиқот марказида ўқувчи туради ва у таълим жараёни субъекти сифатида қаралади.<br>2. Таълим ўқувчилар тафаккурига мўлжаллаб ташкил этилади.<br>3. Ўқувчиларнинг мустақил ишларига, уларнинг мустақил фаолиятига эътибор қаратилади.<br>4. Ҳаётда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ бўлганидек, билимларни ҳам яхлит ҳолда ўқитиш принципига риоя қилинади.<br>5. Болаларнинг мустақил фаолияти- ўқиш таълим сифатида шарҳланади. |

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган янги билимларни баён қилиш дарси ва аралаш дарснинг тузилишини таққослашда қуйидаги шаклдаги Т-чизмадан фойдаланиш мумкин:

| **Аралаш дарс намунаси** | **Янги билимларни баён қилиш дарси намунаси** |
|---|---|
| 1. Ўтилганларни такрорлаш:<br>а)олдин ўтилган мавзу юзасидан берилган фактларни таҳлил этиш; б) савол-жавоб; в) қоида-таърифларни эсга тушириш.<br>2. Янги ўқув материалини ўрганишга тайёргарлик:<br>а) дарснинг мавзуси ва мақсадини болаларга етказиш; б) мавзуга оид фактларни таҳлил этиш; в) билишга рағбатлантирувчи саволларни ўртага ташлаш.<br>3. Янги ўқув материалини баён қилиш ( тасвир, суҳбат, мустақил ишлаш каби методлардан фойдаланиб янги ўқув материалини тушунтириш).<br>4. Янги ўқув материалини мустаҳкамлаш (машқ қилиш, мустақил ишлаш).<br>5. Уй вазифасини белгилаш.<br>1. Болалар билимини баҳолаш.<br>2. Дарсни якунлаш. | 1. Болаларни янги ўқув материалини ўрганишга тайёрлаш:<br>а) дарснинг мавзуси, мақсади билан таништириш; янги мавзуга оид фактларни таҳлил этиш.<br>2. Янги ўқув материалини баён қилиш (тасвир, тушунтириш, суҳбат методларидан фойдаланиб, кузатилган фактларга асосланиб янги мавзуни тушунтириш).<br>3.Янги мавзуни мустаҳкамлаш:<br>а) дарсликнинг маълум бетларини ўқиш; б) машқ, мисол, масалаларни бажариш.<br>4.Олдин ўрганилган мавзуларни бугунги ўқув материалига оид билимларни паралелл такрорлаш.<br>5. Уй вазифасини топшириш.<br>6. Болалар билимини баҳолаш.<br>7. Дарс юзасидан якуний хулосалар чиқариш[1]. |

---

[1] О.Розиқов ва бошқалар. Дидактика. Т., «Фан», 1997 й. 233 б.

**Венн диаграммаси.**

Венн диаграммаси бир-бирини кесадиган икки ёки ундан кўп доираларда кўрилади, улар ўртасида ёзиш учун етарли жой қолиши керак. У ғояларни зидлаш учун ишлатилиши ёки уларнинг умумий хусусиятларини (нимада улар кесишади) кўрсатиши керак. Масалан, ўқувчилар Христофор Колумб экспедицияларини Марко Поло экспедициялари билан таққослайдилар дейлик. Венн диаграммаси бир-бирига ёпишган икки доира билан бирга ушбу экспедициялар ўртасида зидлик ўтказиш, айни вақтда уларнинг умумий унсурларини кўрсатиш имконини беради.

Ўқитувчи ўкувчилар жуфтлигидан Венн диаграммасини тузиб, унда тегишлича фақат Колумб ва Марко Пологa тааллуқли бўлган доираларнинг икки қисминигина тўлдиришни сўраши мумкин. Сўнгра жуфт бошқа жуфтга қўшилади ва тўрт киши ўз диаграммаларини таққослашлари, сўнгра ўртасида, улар кўрганидек, иккала экспедиция учун умумий бўлган хусусиятлар рўйхатини тузишлари мумкин.

Венн диаграммаси



Масалан, Колумбга тегишли маълумотлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

А)

1. Португалиялик (1451-1501)
2. Юнг сотувчи
3. Харита чизувчи
4. У ер думалоқ шаклда деб ўйларди
5. Савдо-сотиқни ривожлантириш учун Ҳиндистонга ғарбий йўл очмоқчи бўлди
6. Испан байроғи остида саёҳатга чиқди
7. Денгизчи, саёҳатчи

8. Кўплаб денгиз саёҳаларига чиққан
9. Испаниядан Янги дунё қидириб саёҳатга чиқди
10. «Санта Мария», «Нина», «Пинта» кемаларида узоқ саёҳатга отланади.
11. Матрос (денгичи)лар билан қарама-қаршиликлар
12. 1492 йил 12 октябрда Янги дунёни топади
13. кашфиётчи, қаҳрамон

Марко Пологa оид маълумотлар

Б)

1. Венециялик, 1254 йили туғилган
2. Денгизчи, саёҳатчи
3. Савдогар
4. Савдо-сотиқни ривожлантириш учун Шарққа, Хитойга саёҳатга чиқади
5. Саёҳатга оилавий чиқишади
6. 1275 йил Пекинга етиб келади.
7. Хитойда яшайди ва ишлайди
8. 24 йилдан сўнг ватанига қайтади.
9. Уч нафар қизи бўлади
10. Шарққа саёҳати ҳақида китоб ёзади
11. Кашфиётчи, қаҳрамон
12. 1323 йили вафот этади.

Колумб ва Марко Поло иккаласига тегишли жиҳатлар

А ва Б

1. Венециялик
2. Саёҳатчи, денгизчи
3. Савдогар
4. Кашфиётчи
5. Жасур ва мард
6. Муваффақиятли сафар

Бу усулдан фойдаланган ҳолда ўҳувчилар 3 синф «Одобнома»дарсида IX бўлимни ўтиб бўлишгач Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларни таҳҳослашлари мумкин.

Ўҳитувчи ўҳувчилар жуфтлигидан Венн диаграммасти тузиб, унда тегишлича фаҳат ал-Бухорий ва ат-Термизийга таалуҳли бўлган доираларнинг икки ҳисминигина тўлдиришни сўрайди. Сўнгра жуфт бошка жуфтга ҳўшилади ва тўрт киши ўз диаграммаларини таҳҳослашлари сўнгра ўртасида улар кўрганидек, икала аллома учун умумий бўлган хусусиятлар рўйхатини тузишлари мумкин.




**Эйлер доиралари**

Эйлер доиралари-бир-бирини кесадиган учта доирада кўрилади. Бу ҳам худди Венн диаграммаси каби ғояларни, ходиса ва воқеаларни бири-бирига боғланмаган ўзига хос томонларини ва ва улардаги умумий хусусиятларни кўрсатиш мақсадида қўлланилади.



**Кубиклар усули[1]**

[1] Халқаро очиқ жамият институтиининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т., 11 б.

Кубиклар- ўзгартирилаётган келажакка асосланиб мавзуни кўриб чиқишга ёрдам берадиган ўқитиш усулидир. Ҳар томонламам фикрлашга (ёзишга) ёрдам берадиган ҳар хил йўл-йўриклар ёзилган кубик ишлатилади. Томонларининг ҳажми ўртача 15-20 см булган қутичага қоғоз ёпиштириб, кубик ясаш мумкин. Кубикнинг ҳар бир томонига қуйидаги олтита йўл-йўриқ ёзилади: буни тасвирланг, буни таққосланг, буни ўзаро боғланишини кўрсатинг, буни таҳлил қилинг, буни қўлланг, яхши ва ёмон томонларини кўрсатинг (далиллар ёрдамида). Ўтиладиган мавзу ёки бирор тушунча шу жадвал саволлари асосида таҳлил қилиб чиқилади.

**Кубиклар усули саволномаси**

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| Буни тасвирланг. Нарсага диққат билан қаранг(бал-ки фақат хаёлингизда) ва уни қандай кўрганингизни тасвирланг. Ранглари, шакллари, хусусият-лари ва ҳоказоларни | Буни таққос-ланг. Нимага ўхшайди? | У нималар ҳақида ўйлашга мажбур қилади? Хаёлингизга нималар келади? Бир-бирига ўхшаган ёки фарқланадиган нарсалар булиши мумкин (нарсалар, одамлар, жойлар) Хаёлингизга эрк беринг. Бу нарсани сиз нима билан бирлаштири-шингиз мумкин | Буни таҳлил қилинг. Уни қандай қилганлари ҳақида гапиринг. (Сиз буни билишин-гиз шарт эмас, ўйлаб чиқинг) | Буни ишлатинг. У билан нима қили-шингиз мумкин-лиги ҳақида айтинг. Уни қандай ишлатиш мумкин? | Яхши ва ёмон томонлари-ни кўрсатинг (далиллар ёрдамида) Ишончли Далилларни Топишга Ҳаракат Қилинг. Сиз хоҳла-ган барча далилларни ишлатинг-мантиқий, бемаъни ёки ўртача. |

Мисол сифатида «Фарзанд» тушунчасини кубиклар усулида таҳлил қилиб чиқайлик

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўғил ёки қиз бўлиши мумкин, кимдадир 1-2 нафар, | Инсон ҳаётининг гули, умрининг мазмуни-га | У келажа-гимиз, кейинги авлодларимиз, юртимиз-нинг буюк ва порлоқ | Уни дунёга келтириш ва шахс сифатида шакллантири | У билан оиламизни мустаҳкамлаши миз, авлодимиз | Фарзанд ҳақида гапирганда фақат яхши томонларни айтиш мумкин. У умримизнинг |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| баъзи оилалар-да 5-10 нафарга-ча. Шўх, инжиқ, меҳрибон, йиғлоқи, қайсар бўлиши мумкин. | ўхшай-ди, лекин она учун у ҳамма нарсадан устунроқдир. | истиқболи ҳақида ўйлашга ундайди. Фарзандларим изнинг бахти ва келажаги учун меҳнат қилишга, ёниб яшашга, уларнинг бахт-иқболини кўриш учун узоқроқ яшашга интиламиз. | ш катта машаққатлар эвазига бўлади. Уни шаклланиши да фақат ота-она эмас, балки мактаб, жамоатчилик, айниқса, ўқитувчининг ўрни каттадир. | келажагини таъминлашимиз, ҳаётимизни безашимиз, жамият ривожидаги фаолиятимизни давом эттиришимиз мумкин. | давомчиси, кексайганимизда белимизга қувват. Лекин баъзи ҳолларда фарзандининг ножўя ишлари туфайли элдан ажраган, лаънатланган ота-оналар ҳам учрайдики, бундай фарзанларга худонинг ўзи инсоф берсин |

## 11-МАВЗУ: «СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАР» ва «КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ» ДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

**Р е ж а:**

1. Семантик хусусиятлар таҳлили.
2. Асосий билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш.
3. Концептуал жадвал.
4. Учта ёки ундан ортиқ жиҳатлар ёки саволларни таққослаш.

**Асосий тушунчалар:**

Семантик хусуситялар усули, асосий билимларни ривожлантириш ва фаоллаштириш, яннги ёки кам маълум бўлган жиҳатлар, мавзуларни анча таниш мавзулар билан таққослаш, Концептуал жадвал, ёзма иш олдидан материални уюштириш, учта ёки ундан ортиқ жиҳатлар ёки саволларни таққослаш, жадвал билан ишлаш қоидалари.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Подласый И.П. Педагогика.- М., «Владос», 1 Книга. 2002 .
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


### Семантик хусусиятлар таҳлили.

Асосий билимларни фаоллаштириш ва ривожлантирш учун қўлланиладиган стратегиялардан бири - семантик хусусиятлар таҳлилидир. Ушбу стратегия ўқувчилар жуда оз даражада дастлабки билимларга эга бўлган мавзуни ўрганаётганларида фойдали бўлади. Семантик (сўз маънолари) жиҳатлар таҳлили ўқувчиларда ўтилаётган мавзуга оид озгина билим бўлса қўллашга тўғри келади. Янги ва кам маълум бўлган жиҳатлар ёки мавзулар билан таққослаш ушбу стратегиянинг моҳияти ҳисобланади.

Бундай фаолиятни ўтказиш учун ўқитувчи олдиндан слайдда ёки қоғоз варағида чизма тайёрлаб қўяди. Учта банд номи чизманинг чап томонига юқоридан пастга қараб, ана шу жиҳатлар таққосланадиган хусусиятлар тўплами эса чизманинг юқоридаги қаторига ёзилади. (қуйида чизма берилади)

Фаолиятнинг дастлабки тури сифатида (чақириқ босқичи сифатида) ўқувчилар иккита таниш жиҳатни муҳокама қиладилар ва ҳар бир банд бўйича семантик хусусиятларниннг ҳар бири тагига белгилар тизимини («ҳа» учун +, «йўқ» учун -) таклиф этадилар. Сўнгра ўқиш, маъруза тинглаш ёки ўрганишнинг бошқа бирор бир турини бошлашдан олдин ҳам ўқувчилар мавзунинг семантик хусусиятлари учун белгилар тизимини таклиф этадилар («ҳа» учун +, «йўқ учун -, ишончлари комил бўлмаган хусусият учун ? белгиларини қўйишади»). Мазкур ҳолда ўқитувчи ўқувчиларни ишончлари комил бўлмаган тақдирда ҳам мавзуга доир тахминни айтишга мажбур қилади. Энди ўқувчилар ўқийдилар ёки бошқа бирор-бир тарзда янги мавзуни тадқиқ қиладилар (англаш босқичи). Шундан сўнг улар билиб олганларини муҳокама қиладилар.

Семантик хусусиятлар таҳлили. Мавзу: Китлар

| Яшайдилар? | Ҳаракатланадилар | Ейдилар? | Ҳайвонлар тури? | Ўлчами? |
|---|---|---|---|---|
| Океанда ерда | Учадилар, сузадилар, чопадилар | Гўшт, балиқ, ўсимликлар | Балиқ, сутэмизувчи Қуш | Мушукдек Сигирдек Филдек |
| Туя - + | - - + | - - + | - + - | - + - |
| Бургут - + | + - - | + + - | - - + | + - - |
| Кит + - | - + - | ? + ? | + - - | ? ? ? |

Сўнгра, кейинги фаолият сифатида (бу ҳол фикрлаш босқичининг бир қисми сифатида қаралади) ўқувчилар чизмага қайтадилар ва улар дастлабки фаолият тури вақтида амалга оширган белгиларни тасдиқлайдилар ёки уларга доир тузатишларни таклиф этадилар.

Семантик хусусиятлар таҳлилидан матнларга асосланилмайдиган дарсларда фойдаланса бўлади. Ушбу усул аниқ фанлар ва математикага доир дарслар учун турли қўллашларга эга бўлиши мумкин.

Ҳуқуққа оид бўлган масалаларни ечишда қуйидаги таҳлилдан фойдаланиш мумкин:

| Жараён | Жавобгарлик | | | | Жазо | | | | Оқибат | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ин-ти-зо-мий | Фуқ а-ро-лик | Ма ъму - рий | Жи но-ий | Ма ъму - рий | Мо дди й | Ма ъна вий | Жи но-ий | Мулк ий зарар | Маъ нав ий зара р | Соғл иққа зара р | бо шқ |
| Ўғирлик | - | - | - | + | - | - | - | + | + | - | - | - |
| Ишга кечикиш | + | - | - | - | + | - | - | - | - | - | - | + |
| Йўл қоидасини бузиш | - | - | + | - | - | - | + | - | - | - | + | - |

Таълим жараёнига анъанавий, технологик ва ижодий-тадқиқий ёндашувлар муҳокама этилаётганда семантик жиҳатларни қуйидаги жадвал асосида таҳлил қилиш мумкин[1]:

| Ўқитишга ёндашувлар | Ўқув мақсадлари | Ўқитувчи фаолияти | Талаба фаолияти | Ўқитиш натижалари |
|---|---|---|---|---|
| Анъанавий | Ахборотларни эслаб қолиш ва сўзлаб бериш | Аксарият стереотиплар бўйича | Сўзлаб бериш ижодий эмас | Билим, кўникма ва малакалар |
| Технологик | Лойиҳаланган натижага эришиш | Кўзланган натижалар эталонини тушунтириш, тренинг | Кўзланган натижалар эталонини ўзлаштириш | Режалаштирилган якуний ҳатти-ҳаракат (хулқ) |
| Ижодий | Вазиятни | Талабаларнинг | Гояларни олға | Ижодий |

[1] Б.Л.Фарберман ва бошқ. Олий ўкув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т.,2002, 153-бет

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| фикрлаш ва ривожлантириш | баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилиш | мустақил фикрлаш фаолиятлари-ни ташкил қилиш | суради, ўзи мустақил кичик гуруҳ таркибида ғояларни баҳолайди. | фикрлаш малакаси |

Бунда фаолиятнинг дастлабки кўриниши (даъват фазаси)да талабалар иккита таниш ёндашувни муҳокама қиладилар. Юқоридаги жадвал асосида ўқув жараёнида анъанавий ва технологик ёндашувлар муҳокама қилинаётган бўлса гуруҳ ўзаро муҳокама натижасида жадвалнинг дастлабки икки қаторида акс эттирилган фикрга келсин. Сўнгра ҳар бир иштирокчи мустақил равишда жадвалнинг учинчи қаторини тўлдиради. Ҳар бир иштирокчининг фаолияти гуруҳда умумий муҳокамадан ўтказилади. Муҳокама натижасини жадвалга таққослайдилар ва учинчи қаторга қилинган тузатишларни тасдиқлайдилар ёки инкор қиладилар.

## Концептуал жадвал.

Концептуал жадвал методи ҳам кластер ва семантик жиҳатлар таҳлили билан биргаликда график ташкилотчилар қаторига киради. Учта ва ундан кўп жиҳатлар ёки саволларни таққослаш тақоза этилганда ушубу усул айниқса фойдали бўлади. Жадвал қуйидагича тузилади: вертикал бўйича таққосланадиган нарсалар, горизонтал бўйича эса- ушбу таққослаш бажариладиган турли хил хусусият ва хоссалар жойлаштирилади. Масалан, концептуал жадвалда бир нечта турли хил касбларни таққослаш мумкин:

**Концептуал харита**

| Касблар | Зарурий тайёрганлик | Ишнинг бар-қарорлиги | Иш ҳақи даража-си | Маънавий қониқиш |
|---|---|---|---|---|
| Шифокор | Давомий: Университет Тиббий мактаб интернатура | Юқори | Юқори | Нисбатан катта |
| Рассом | Нисбатан доимий: | Қуйи: олдиндан | Ноаниқ | Энг юқори |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Таҳсил ва маҳоратни эгаллаш учун узоқ амалиёт | башорат қилиш мумкин Чўзилган «очлик» даврлари | | |
| Фабрика ишчиси | Камроқ давомий | Ўртача: ўзгаришлар, қисқартиришлар | Ўртача | Умуман кам бўлиши мумкин. |

Ўқитиш услублари самарадорлигини таққослаш бўйича концептуал жадвал (И.П.Подласый тавсияси, 1999 й):

| Ўқитиш методлари | Ривожлантириш | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Фикр-лашни | Билишга қизиқишни | Фаолликни | Хотирани | Иродани | Фикрларни айтиш қобилиятини | Ҳиссиётларни |
| Ҳикоя | + | + | - | + | + | - | + |
| Суҳбат | +! | +! | +! | + | + | + | +! |
| Маъруза | + | + | + | +! | + | + | + |
| Мунозара | +! | +! | +! | + | + | +! | + |
| Касб билан ишлаш | +! | +! | + | + | + | + | + |
| Намойиш қилиш | + | +! | + | + | + | + | +! |
| Кўрсатиш | + | +! | + | + | + | + | +! |
| Видео услуб | + | + | + | + | + | + | + |
| Тажриба методи | + | + | + | + | + | _ | + |
| Билишга оид ўйин | +! | +! | +! | +! | +! | +! | +! |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Дастурланган таълим | +! | + | + | +! | + | _ | _ |
| Ўргатувчи назорат | + | - | - | + | + | + | + |
| Вазиятли услуб | +! | +! | +! | | | +! | |

Концептуал жадвалда  таҳлилий ахборотнинг анчагина қисми ихчам жойлаштирилган. Бундай жадвал машғулотнинг методик таъминоти (слайд, ўқув плакати ва ҳ.к.) га жуда қўл келади.  Муайян муаммо бўйича  концептуал жадвалларни кичик гуруҳларда ақлий ҳужумдан фойдаланиб тузиш ва уни гуруҳ бўйича муҳокама қилиб, энг мақбул вариантни қабул қилиш- амалий машғулотларнинг «англаш»  фазасида яхши натижа беради.

## 12- МАВЗУ:  ТАНҚИДИЙ  ФИКРЛАШДА ЁЗУВ СТРАТЕГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.

**Р е ж а :**

1. Танқидий фикрлашда  ёзув стратегияларининг ўрни.
2. Муҳокама қилинган мавзу  ёки матн юзасидан  эссе ёзиш.
3. Эссе ёзиш қоидалари,

4. Эркин хат ёзиш, эркин хат ёзиш қоидаси. Бошқариладиган хаёл.

**Асосий тушунчалар:**

Ёзув стратегиялари, муҳокама қилинган мавзу ёки матн юзасидан беш минутлик, 10 минутлик эссе ёзиш, эссе ёзиш қоидалари, тўхтамасдан узлуксиз ёзиш, эркин хат ёзиш, эркин хат ёзиш қоидаси, бошқариладиган хаёл, бошқариладиган хаёлнинг эркин хатдан фарқли жиҳатлари.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Халқаро очиқ жамияти иснтитутининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
3. Тафаккур гулшани. Т., «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти, 1989 й.
4. Ҳомидий Ҳ. Кўҳна шарқ дарғалари. Т., «Шарқ», 1999 й.
5. Бошланғич синфларнинг «Ўқиш», «Одобнома» ва бошқа дарсликлари.


**Эссе ёзиш.** Бирон бир матн, ҳикоя, эртак ёки асар ўқилганидан ёки умумий муҳокама қилинганидан кейин ўқувчиларга ўз фикрларини беш ёки ўн минутлик эссе ёрдамида (эркин ёзиш услубиёти бўйича) баён этишни таклиф қилиш мумкин. Ёзма топшириқнинг бу тури ўқувчиларга ўрганилаётган мавзуга доир ўз билимларини якунлашда ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз ўқувчиларни нималарни ўйлаши хусусида маълумот бериш мақсадида қўлланилади.

**Эркин хат.** Ўқитувчи ўқувчиларга аввал ишлаб чиқилган, муҳокама қилинган матн мавзусига мувофиқ эркин хат ёзишни таклиф этиши мумкин. Эркин хат стратегияси мавзу ўқувчиларга анчагина таниш бўлган ҳолларда қўлланилади. Масалан, бирор матн, асар ёки шеърни ўқигандан кейин қўлланилиши мумкин.

***<u>Эркин хат ёзиш қоидаси:</u>***

- ўрганилаётган мавзу юзасидан хаёлга келган ҳамма фикрлар ёзилаверади, узоқ ўйлаб ўтирилмайди;
- ёнидагилар, партадошлар билан маслаҳат қилинмайди;
- матн таҳрир қилинмайди, хатолар тўғриланмайди;

- хатоларга эътибор берилмайди;
- хат ёзиш вақти белгилаб қўйилади.

Масалан, «Одам борки одамларнинг нақшидир, одам борки ҳайвон ундан яхшидир» мавзусида қуйидагича эркин хат ёзиш мумкин:

«Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий айтганидек «Одам борки одамларнинг нақшидир, одам борки ҳайвон ундан яхшидир». Ҳақиқатан ҳам одам энг буюк қадрият, у бизда ҳамма нарсадан устун туради, ер юзидаги барча нарса унга хизмат қилади. Шундай буюк инсонлар, мутафаккир ва олимлар ўтганки, улар ўзларининг қилган ишлари ва қолдирган мерослари билан инсон номини юксакликка кўтарганлар. Масалан, Алишер Навоийнинг ўзи ёки буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур, алломаларимиздан Ал-Бухорий, ат-Термизий, Абу Носр Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бошқалар.

Хозирги кунимизни оладиган бўлсак кўплаб олимларимиз, санъаткор ва спортчиларимиз мустақил Ўзбекистон довруғини оламга ёймоқдалар. Барча соҳалардаги ўз ишига масъулият билан ёндашаётган кишилар, айниқса ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланаётган устоз ва мураббийлар инсон камолотига, мамлакат тарққиётига, инсон номини улуғлашга катта ҳисса қушмоқдалар.

Лекин шундай инсонлар қаторида одам деган номга иснод келтираётган кишиларни ҳам учратиш мумкин. Айниқса, мансаб, амал, бойлик йўлида ўз оға-инилари, ҳатто ота-оналарини ҳам аямайдиган кишилар борлиги жамиятимизда учрайдиган энг хунук воқеадир. Баъзи бир ваҳшийлик ва жиноятларни қилган кишилар борки, буларни Навоий айтганидек ҳатто ҳайвон ҳам қила олмайди. Буларга Ислом дини ақидаларини бузиб талқин этиб, турли террорчилик ишлари билан шуғулланаётган воҳобийларни, диний экстремистларни ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин. Биз ёшларимизни мана шундай турли оқимларга қарши муросасиз бўлишга ўргатишимиз, уларга тўғри йўлни кўрсатишимиз лозим».

Қисқаси, ўқувчилар узлуксиз, тўхтамасдан эркин хатни ёзадилар. Агар улар яна нимани ёзишни ҳеч ўйлаб топа олмасалар, «Мен нима ёзишни билмайман» деган жумлани ёзишлари лозим. Асосийси: тўхтамасдан, қайта ўқимасдан, тузатмасдан ёзиш керак.

Эркин хат ёки эсседан кейин ўқитувчи ўқувчиларга ҳар гал эмас, вақти-вақти билан- ёзилган нрсаларни кўриб чиқиш, негиз бўладиган фикрларни ажратишни ва ушбу фикрлардан ўзак сифатида фойдаланиб, одатда эркин ёзишда юзага чиқадиган барча ортиқча жумлаларни олиб ташлаб, янги иншо ёзиш таклиф этилади.

**Бошқариладиган хаёл**. Ўқувчиларга 2-3 минут давомида хаёлга берилиш ва хаёлига келган, унинг ҳаётида бўлиб ўтган ёки унга катта таъсир кўрсатган воқеа ва ҳодисаларни эслаш психологик таъсир этиш йўли билан сингдирилади. Сўнгра шу нарсаларни ёзиш вазифаси топширилади.

Бошқариладиган хаёлнинг эркин хатдан фарқли томони, бунда ёзилган матн қайта ўқиб чиқилади, хатолар тузатилади, фикрларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мумкин.

Матн устида ишлашга қаратилган **Икки қисмлик кундалик** усулидан ҳам ёзув стратегияси сифатида фойдаланиш мумкин. Бу усул биринчидан, мавзу матнини чуқур тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, ўқувчиларни ижодий тафаккурга ундайди, уларнинг мустақил фикр юритишларини ва бу фикрларни ёзма тарзда ифодалашларини кўзда тутади. Чап томондаги «Парча» деб ёзилган қисмга ўқувчилар матн юзасидан бирор парча ёки уларга қаттиқ таъсир қилган нарса ёки уларни ҳақиқатда ҳайрон қолдирган тимсол ҳақида ёзишади. Эҳтимол, бу нарса уларга ниманидир эслатгандир, балки уларни қизиқтирган ёки ўйлантириб қўйгандир. Балки улар бу фикрга, нарсага қўшилмаслар. Балки бу нарса ўқувчи учун янгиликдир, балки шу нарса моҳиятини тушуниб етмагандир.

Варақнинг «Шарҳ» деб ёзилган ўнг томонига чап томондаги танланган парча (ёки парчалар) га шарҳ ёзилади. Бунда нима учун ушбу парчани танлаб олганлиги, бу нарса уни нима ҳақида ўйлашга мажбур этганлиги, шу муносабат билан унда қандай фикрлар туғилганлиги ҳақида шарҳ берилади. Парчага шарҳ ёзишни ҳам ёзув стратегияларидан бири сифатида қараш мумкин.

Масалан, олдинги мавзулардан бирида «Икки қисмлик кундалик»ни «Рахмат, мэм» ҳикоясига қуйидаги тарзда тузган эдик:

| ***Парча*** | ***Шарҳ*** |
|---|---|
| 1. Уларнинг ёнидан икк-уч киши ўтди, кимдир уларга қайрилиб қараб, яна | Бунда одамларнинг бепарволиги, нима воқеа бўлгани, нима учун аёл |

| | |
|---|---|
| йўлида давом этди, кимдир тўхтаб уларни томоша қила бошлади | болани ураётгани билан қизиқмаётганлиги кўзга ташланади, бунда ўзбекона «бир болага етти маҳалла ота-она» деган фикрга амал қилинмаётганини кўришимиз мумкин. |
| 2. Энди кимдир бўлади. Бугун юзинг ҳам ҳар қачонгидан тоза бўлади,- деб аёл болани судраганча кўча бўйлаб кета бошлади. | Бу ерда нотаниш, ёлғиз ва қаровсиз болага бўлган ишонч, ҳамдардлик ва меҳрибонлик қилганлиги менга таъсир қилди. |
| 3. У боладан қаерда яшашини ҳам, ота-онасини ҳам, умуман уни ноқулай аҳволга соладиган ҳеч нимани сўрамади. | Менимча, аёл бола билан яхши танишиб, овқатланиб бўлгач буларҳақида сўраши керак эди. |

Бунда ҳар бир парчага ўқувчининг мустақил шарҳи, ўзининг муносабати баён этилади. Шу билан бирга худди шундай матнларга 5 ва 10 минутлик эссе ёзиш топшириғини ҳам бериш мумкин:

Масалан, Роджернинг 10 йилдан кейин Миссис Жонсга ёзган хати қандай бўлиши мумкин? **Роджер номидан хат ёзинг** (10 минутлик эссе)

Бу хатни ҳар бир ўқувчи ўз тасаввури асосида ёзиши мумкин, мисол учун қуйидаги эссени келтирамиз:

«Миссис Жонс!

Мен сиз билан бўлиб ўтган ўша нохуш воқеадан сўнг сиз айтган гапларингизни қайта-қайта ўйлаб кўрдим. Айниқса, сизнинг «Ёдингда бўлсин: ҳаром пулга пойабзал сотиб олсанг, улар бутун умр товонингни куйдиради»- деган сўзингиз менга бир умрлик шиор бўлиб қолди. Бундан сўнг ўз ҳалол меҳнатим билан ҳаёт кечиришни ният қилдим. Лекин қаерга бормай турли тўсиқларга, қийинчиликларга дуч келдим. Ейишга овқат, кийишга кийим тополмайдиган ҳолларга тушдим, неча кунлар оч ва наҳор юрдим. Шунда ҳам сизнинг сўзларингиз эсимдан чиқмади.

Турли қийинчиликларга қарамасдан ўқишни ҳам давом эттирдим. Етарли даражада маълумотга эга бўлдим. Ўзимга мос биз бир меҳрибон қиз билан

танишдим. Ҳозир ҳамма ишим жойида. Менга вақтида тўғри йўл кўрсатганингиз ва меҳрибонлигингиз учун сизга катта раҳмат.

Салом билан Роджер»

Эссе ва эркин хат ёзиш усулларидан, айниқса ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида, бошланғич синфларда эса она тили, ўқиш, одобнома дарсалрида кенг фойдаланиш мумкин. Ҳозирги пайтда бошланғич синфларда ҳикоя ёки эртакнинг бошланишини бериб, уни давом эттиришга оид, ёки расмларга қараб ҳикоя тузиш топшириқлари кўплаб учрайди.

**Расм асосида ижодий баён.** Бундай баён учун бошланғич синфларнинг ўқиш китобларида берилган расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, Адхам Рахматнинг "Ёз кунларининг бирида" шеърига 5 та расм берилган. Шу расмларни томоша қилиб, улар учун берилган шеърий матнни ифодали ўқиш ва расмларга қараб оғзаки сўзлаш машғулотлари ўтказиб, кейин қуйидаги режа тавсия этилади:

1. Қуёнжон қаерга жўнади?
2. Орқасидан ит югурганда у нима қилди?
3. Қуён велосипедини тез ҳайдаб қочаётганда нима ҳодиса юз берди?
4. Ит қуённинг қармоғини олиб қаерга жўнади?
5. Ит қармоқ солганда нима илинди?

Юқоридаги савол шаклидаги режа асосида оғзаки суҳбат ўтказилгач, расм ва шеърий матндан фойдаланиб ижодий баён ёзилади. Натижада қуйидагича матн яратилиши мумкин (3-синф):

«Бир куни қуёнжон қармоғини олиб, велосипедда кўлга қараб жўнади. Шу пайт орқасидан бир ит югуриб қолди. Қуёнжон шошиб қолиб, ундан қутулиш учун велосипедини тез ҳайдади. Натижада рулини ўнгга буриб юборди. Шунда тўнкага зарб билан урилди. Кейин ўзи учиб кетиб, сувга "шалоп" этиб тушди.

Ит эса тез етиб келиб, қуёнжоннинг қармоғини олди. Сўнгра балиқ овлашга жўнади. Кўлга қармоқ солганда пробка ўйнай бошлади. Шунда у қармоқни тезда тортди. Ит катта балиқ тутдим деб шодланган эди. Аммо қармоқни тортган эди, балиқ эмас, балки ҳалиги Қуёнжон келиб чиқди. Кейин иккаласи дўстлашиб олшиди.

**Воқеали шеърлар мазмунини сочмага айлантириб ёзиш.** Бундай ёзма иш тури ҳам асосан 4 синфда қўлланилиб, унинг учун материал болалар ёзувчилари асарларидан танлаб олинади. Масалан, Шукур Саъдуллонинг "Шу бола сиз эмасми?" воқеий шеъри асосида шундай ижодий баён ёздириш мумкин.

Матнни ифодали ўқиш. Ш.Саъдулла. "Шу бола сиз эмасми?"

Автобусда зич одам...
Зўрға чиқиб олдим мен.
Манзилимга етган дам
Шошиб тушиб қолдим мен.

Орқа-ўнгимга боқмай,
Тез бораман, илгари.
Бир ёш бола чақмоқдай,
Югуради мен сари.

- Тўхтанг амаки бирпас
Қулоқ солинг сўзимга!
Кутиб уни бир нафас,
Дам бераман ўзимга.

- Хўш, нима гап, жон бола?
Сўйла!- дейман тикилиб.
- Пулингиз тушди, оға!
Дейди бола эгилиб.
Пулни бериб шу замон,
Чопиб кетади чаққон.

Ҳанг-манг бўлиб қоламан,
Сўролмайман отини.
Чуқур нафас оламан,
Эслолмай сумбатини.

Ўзи қувноқ, навқирон,

Кўзим ўнгида расми.
Хўш айтингчи, китобхон,
Шу бола Сиз эмасми?!

Шеърнинг мазмунини сочмага айлантириб ёзиш топшириғи берилганда тахминан қуйидагича матн яратилиши мумкин:

«Кунлардан бир куни бир киши автобус билан ўзига керакли манзилга бормоқчи бўлди. Автобусда одамлар жуда кўп ва тиқилинч бўлганидан унга зўрға чиқиб олди. У шошилаётган эди. Манзилига етгач тезда тушиб қолди. Йўловчи орқа-ўнгига қарамай шошиб борарди. Шу пайт орқасидан бир бола «тўхтанг, амаки», деб югураётганини билиб қолди. Кейин тўхтаб:

- Хўш гапир, нима дейсан, болажон,- деди. Бола эса:
- Ака пулингиз тушиб қолди, манг, олинг, - деб пулни бериб, шу замон яна қайтиб чопиб кетади.

Пулини олган киши ҳайрон бўлиб, боланинг исмини сўрашни ҳам унутади. Шу туфайли раҳмат айтиш учун ўша боланинг кўринишини эслашга ҳаракат қилади. Шоирнинг "Шу бола сиз эмасми?"деб ёзишга сабаб шу. Демак, бу ёш бола ростгўй, одобли экан. Биз ҳам шундай бўлишга ҳаракат қиламиз...

**Бошлаб бериш йўли билан ижодий баён ёзиш.** У ўқувчиларни ҳисоя тузишга, ижодкорликка ўргатади.

Ўқитувчи бу ёзма усул турини қўллаш учун қизиқ бир воқеа бошлаб бериб, давомини ўзларингиз давом эттиринглар, воқеани ҳар ким ҳар хил ёзиб, уни ўзингиз хоҳлагандай тугаллашингиз керак, дейди.

Мисоллар:

- Мен бир куни автобусда эшикка яқинроқ жойда турган эдим. Автобусдан одамлар кетма-кет туша бошладилар. Шу пайт автобус йўлагида кимдандир пул қопчиғи тушиб қолганини кўпчилик кўрди. Шунда мен бу пул қопчиғ...

Яна бир мисол:

- Бир куни мактабдан қайтиб қишлоқ кўчасидаги қатор уйлар ёнидан ўтиб кетаётган эдим. Бир уй деразасидан тутун бурқсиб чиқаётганини ва уйда ёш болаларнинг йиғлаётганини эшитиб sолдим. Мен ёнғин чиққанини, уйда ёш болалар қолганини сезиб дарҳол...

Бундай қизиқарли воқаларни иқтидорли болаларнинг ўзлари ҳам ўйлаб топишлари ёки кўрган кечирган қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб беришлари

мумкин. Бундай баён ёзиш шартларидан бири воқеа тўлиқ ҳикоя қилиб берилмайди, фасат қизиқарли воқеа бошлаб берилиб, давомини қандай тугашини ўқувчиларнинг ихтиёрига қолдириш керак.

**«Сўнгги сўзни менга қолдиринг»-** усули ҳам ёзув амалиёти билан боғлиқ усуллардан биридир. Бу усулда ўқувчилардан матнни ўқиш пайтида матндан улар айниқса қизиқарли ёки шарҳлашга муносиб деб ҳисоблайдиган парчаларни топиш сўралади. Сўнгра ўқувчи ўзи танлаган парчани карточка ёки варақчага ёзиб олади (парча танланган бет ва абзацни белгилаб қуйиш лозим бўлади). Карточканинг орқа томонига ўқувчи ўз шарҳини ёзади. У парчадаги фикрни ривожлантириши, унга қарши бўлиши, қўшилмаслиги ёки ўз хоҳишига қараб бошқача таҳлил этиши мумкин. Хулосада парчани танлаган ўқувчи унга доир ўзи ёзган шарҳини ўқиб беради. Ана шунда «сўнгги сўз уники» деган асосий қоида амалга киради. Ундан сўнг мунозарани ҳеч ким давом эттира олмайди. Ўйин қоидасига кўра у ўқувчидан кейин ўқитувчи ҳам муносабат билдириши мумкин эмас. Шундан сўнг ўқитувчи кейинги ўқувчини парча билан доскага чиқаради ва ўйин яна бошидан бошланади.

## 13-МАВЗУ: Мунозара ва дебатлар ташкил қилиш техникаси

**Р е ж а:**

1. Мунозара, муҳокама усули.
5. Савол, саволни унинг мақсадига мувофиқ шакллантириш.
6. Мунозара усули қоидалари.
7. Дебатларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари.

**Асосий тушунчалар**:

Мунозара, муҳокама усули, савол бериш санъати, саволларнинг турлари, саволни унинг мақсадига мувофиқ шакллантириш, мунозара усули, дебатлар, дебатлар учун мавзулар танлаш, дебат ташкил этиш

**АДАБИЁТЛАР**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Т., 1997 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й


«Мунозара» методи ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни ўқувчилар аёвсиз «штурм» қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўргандилар.

Кўп ҳолларда семинар машғулотлари орада ўқитувчи монологлари билан бўлинадиган талабалар монологлари шаклида ўтади, қолган ўқувчилар эса шу пайтда зерикиб ўтирадилар. Шунинг учун дарсда Мунозара усулини қўллаш барча ўқувчиларнинг фаоллигини ошириб, зерикишларга йўл қўймайди.

Баҳс ва мунозара йўли билан турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласига қизиқиш асримизнинг 30- йилларидан бошланган, деб ҳисобланади. Чунки бу ҳодисага қизиқиш шу даврга келиб педагогика ва психология соҳаларига ҳам ёйилган ва бу ҳақда биринчи илмий психологик хулосалар қилган олим швейцариялик психолог Жан Пиажедир. У бола ижтимоийлашуви жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари ундаги эгоистик шахсиятпарастлик мавқеининг сусайиши ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгалар мавқеларини англаш ва «ўзга шахс бўла олиш» қобилиятини ўстиришни аниқлади. Немис олими Курт Левининг фикрича гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гуруҳий фаолиятга нисбатан мотивациясини ошириб, шу билан бирга ҳар қайси аъзонинг гуруҳий жараёнларга қўшилиши, ўз мавқеини англаш, ўзгаларга ниманидир дейин каби эҳтиёжларни оширади. Эркин, демократик тарзда фикр алмашиниш

имкониятининг яратилиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларидаги фикрлаш жараёнини тезлаштиради, уларнинг ижтимоий мавқеларини янада фаоллаштиради.

Мунозаранинг моҳияти ва аҳамияти илмий жиҳатдан қуйидагича изоҳланади: анъанавий маъруза тингловчилари таништирилаётган муаммога нисбатан тахминан бир хил нейтрал мавқени билдирадилар, яъни ўша мавзу юзасидан ўзида тўғри фикр мавжуд бўлган шароитда ҳам маърузачининг билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асосланганроқ, деб ҳисоблаб, мавзу юзасидан шахсий фикрини паст баҳолайди. Агар баён этилаётган фикрлар мутлоқа янги бўлса, унинг моҳиятига тўла тушуниб етиш ва тушуниш қийин, деган маънода яна фикрий пасайиш юзага келади. Фикрлар тўқнашувини тақоза қилувчи мунозарада эса қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини англаш ҳам шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради[1].

Мунозаранинг қандай якунланишидан қатъи назар, яъни унда фикрлар кесишмаслиги ҳам мумкин ёки уларда маълум уйғунлик бўлиши кузатилади, бунда нима бўлганда ҳам баҳснинг мазмуни шахснинг ижтимоий тасаввурлари ва қарашларида мустаҳкам ўрнашади ҳамда хотирада қолади.

Мунозара ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи-назарини таҳлил қилишга имкон яратиб, ундаги ташаббускорлик, мулоқатдаги билимдонлик ҳамда ўз ақлий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Мунозара методида қуйидаги вазифалар амалга ошади:

- мунозара қатнашчиларини реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани номуҳим нарсадан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади;
- ўзгалар фикри, гапириш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорликда ишлашга ундайди;
- муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, улар моҳиятини англаш имкониятини яратади;
- муаммонинг турли муқобил ечимлари бўлиши мумкинлигини намойиш қилади.

Мунозара ёки баҳс гуруҳда мавжуд бўлади. Мунозара гуруҳларини катта ва кичик турларга ажратиш мумкин (шахслар сони ва гуруҳнинг ҳажмига

[1] В.Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т., «Университет», 1999й, 54-б.

кўра). Кичик гуруҳда (10-20 кишилик) уюштирилган мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқат тажрибасига боғлиқдир. Кичик гурухлардаги мунозарадаги асосий нарса гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр-мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гурунглар турли шароитда, кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Катта гуруҳда (20-30 кишилик) мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равишда 3 га бўлинади. Биринчи гуруҳ- «фикрларни жамловчилар»- генераторлар гуруҳи. Иккинчиси- «танқидчилар» гуруҳи. Учинчиси- «фикрларни тезлатувчилар»- катализаторлар гуруҳи. Ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос функциялари бор: «генераторлар» ўртага ташланган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага холис ташлайдилар. Гуруҳ аъзоларидан бири-лидер- уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам, уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга «танқидчилар» киришади. Уларнинг вазифаси- эшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи-назардан улар ичидаги «мағзни» ва «пучак» фикрларни саралаш. Мавзуга алоқадор бўлган лекин икки томон ҳам хисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини қаратиш керак бўлса, иккала гуруҳнинг ўйинига баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиш- «катализаторлар»нинг вазифасидир. Улар кўпинча иккала гуруҳ учун холис арбиртлар- «ҳакамлар» ролини ҳам ўйнашлари мумкин.

Катта гуруҳларда баҳс ёки мунозара уюштрилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. У гуруҳлар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи керак. Кичик гуруҳдагидан фарқли, катта гуруҳларда бошловчи у ёки бу гуруҳга ён босмаслиги, уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги лозим. Катта гуруҳда уюштириладиган мунозаранинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

«Мунозара»ни ўтказиш усули:

1. Етакчи мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф қилади;

2. Етакчи қатнашувчиларга муаммони «Ақлий ҳужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини белгилайди:
- «ақлий ҳужум»дан мақсад- муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;
- диққатни муаммо ечимига қараган ҳолда фикрлар билдиринг, бу ғояларингиз умумий фикрга зид бўлсада, рад этилмайди;
- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;
- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.
3. «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинланади. Бу босқичда гуруҳ қатнашчиларининг ҳар бири ўз фикрини билдиришига шароит яратилади, биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этади;
4. Етакчи иккинчи босқичга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон қилади. Иккинчи босқичда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтилади;
5. Таҳлил орқали қўйилган вазифани энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади. Муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Ўқитувчи мунозара пайтида қуйидаги саволларни бериши мумкин:

- Сиз мисол келтира олмайсизми?
- Наҳотки! Нима учун?
- Бу фикр Азиз айтгани билан қандай қилиб мосланади?
- Демак, сиз Лоланинг фикрига қўшиласиз?
- Сиз менга айтманг, Акбарни ишонтиришингиз лозим!
- Сизнинг хаёлингизга ________ эканлиги тўғрисидаги фикр келмадими?

Ўқувчилар фикрлари қандай бўлишидан қатъий назар, унга муносабат билдиришга шошилмаслик мунозара юритишнинг қатъий қоидаси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитувчи фикрларнинг мантиқсизлигига, яққол қарама-қарши, асоссиз фикрларнинг билдирилишига ҳам йўл қўймаслиги лозим. Одобли луқма билан фикрларнинг асослилигини, айтилган ёки қўллаб-қувватланган фикрнинг тўғрилигини ойдинлаштириб, уларда айтилган ғоянинг мантиқий оқибати тўғрисида фикрлашга қизиқиш уйғотиш зарур.

Америкача мунозара методи турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури- бу «телемунозара» ҳисобланади ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, журналист Қуддус Аъзамнинг ўкувчилар билан телемулоқоти шу методнинг ўзидир.

Телемулоқатнинг афзаллиги шундаки, бунда бир вақтнинг ўзида гуруҳда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 киши бўлган гуруҳ олдиндан танланган мавзу бўйича бошқа қатнашчи (томошабин)лар иштирокида мунозара ўтказадилар. Томошабинлар муҳокамага кейинроқ қўшилишиб, ўз фикрларини айтишади ёки савол берадилар.

Телешоу шаклидаги мунозарада берилган мавзу бўйича турли фикрларни бирмунча аниқ ифодалашга имкния тўғилади. Албатта, бу ерда муҳокамага жалб этилганлар суҳбатга пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан биргаликда асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак.

**Мнозара иштирокчисига эслатма**

1. Мунозара- ўзаро муносабатларни аниқлаш шакли эмакс, балки муаммоларни хал қилиш методидир.
2. Жуда кўп гариманг, бошқаларга имкон беринг.
3. Ўйлаб гапир, сўзларни мулоҳаза билан айт, хиссиётларингни назорат қил, шундагина ўз мақсадингга эришасан.
4. Мухолиф нуқтаи-назарини тушунишга интилинг, уни ҳурмат қилинг.
5. Одоб билан эътироз билдиринг: айтилган фикрни бузиб, маъносини ўзгартирманг
6. Ноқулай ҳолатга ёки жаҳолатга тушиб қолмаслик учун мухолиф айтган сўзга ҳеч нарсани қўшимча қилманг, у айтган фикрда сирли мақсад ва ҳийла ишлатишга чоғлаши ётибди, деб гумонсираманг.
7. Сўзлар таъсирига ўта берилиб кетманг.
8. Ўзингиз кам хабардор бўлган масалалар бўйича фикр айтишга шошилманг.
9. Фақат мунозара мавзусига оид фикрни айтинг. Ўзингизни жуда ҳам билимдон, умумийақл-заковатли қилиб кўрсатманг.
10. Ўз нутқи билан бирор кишини ниҳоятда қизиқтириб алдаш ёки ранжитишга йўл қўйманг.

## Дебатлар

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда ўқувчи ўзгаларни ўз ёндашувининг тўғрилигига ишонтиришдир. Ўз фикрини аниқ ва мантиқий баён этиш, бунинг учун эса ишонарли далиллар ва хулосалар топиш кўникмаларини шакллантиришда дебатлар ўтказиш самарали метод ҳисобланади. Улар ўкувчиларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти мавжудлигига ишонч туйғуларини ривожлантиради.

Дебатлар мавзусини англаб етишлари учун ўкувчиларга шароит туғдирилади. Бунинг учун эса мавзуни резолюция шаклида ифодалаш керак бўлади.

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, муҳандис, ижтимоий арбоб ва бошқалар) бири таклиф этилади.

Дебатда қатнашиш учун иқтидорли ўқувчилар танланади (улар дебат ўтказиш қоидасини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак) ва улар икки гуруҳга ажратилади: резолюцияни қўллаб қўвватлайдиган ва уларга қарши чиқувчилар. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилишни кузатувчи-ёрдамчини тайинлайди.

«Конструктив аргументлар» (3-5 та ҳолатга асосланган, мантиқий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамлнган аргументлар) тайёрлаш учун ўкувчиларга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг кўламини англаш ва баҳсда ўз фикрини сақлаб қолишлари учун аниқ, мантиқий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан бирга ўқувчилар қарши томон билдирган фикрларни қандай бўлиши мумкинлигини тахмин қилишлари ва олдиндан бу фикрни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Ўқувчиларни шундай далил-исбот топиш кўникмаларини эгаллашга ўргатиш керакки, натижада билдирилган фикрни қарши томоннинг муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина ўкувчилар тенгдошларининг қарашларини ҳурмат қилишга ёки хусусий тасаввурларини синфдошларининг фикри олдида ожиз эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шакллана боради.

Дебатларни ўтказиш тартиби[1]:

1. Қулай бўлиши учун резолюцияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига жойлашаглари маъқул.
2. Ўқитувчи муҳокама мавзусни ва иккала резолюция вариантларини баён қилади, сўзга чиқувчилар учун вақтни белгилайди.
3. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни қўллайдиганларнинг биринчисига сўз беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилишни сўрайди.
4. Резолюцияни қўлламайдиган гуруҳ ўкувчиларидан биринчисига сўз берилади ва ўз фикрини аргументлар билан асослаб беради.
5. Сўнгра биринчи гуруҳнинг иккинчи рақамли ўқувчисига ва иккинчи гуруҳнинг иккинчи рақамли ўқувчисига сўз берилади. Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат чиқиш қилгунларига қадар давом этади.
6. Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчиаг қарши томоннинг далилларини инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб беришига имконият туғдирилади.
7. Масала талашиш давомида янги аргументларни келтириш мумкин. Баҳсни доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлашади.
8. Ўқувчилар бу босқичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавқени эгаллаш сабабларини баён қилишади.
9. Иштирокчилар шундай аргументларни кўрсатиши керакки, 1-дан, уларнинг қарашлари муаммо ечимига зид бўлиши мумкин, 2-дан, барчани ўйлашга мажбур этсин, 3-дан, ҳайратда қоларли даражада ифодаланиши лозим.
10. Дебат сўнгида ўкувчилар қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолаши керак. Шунингдек, ҳар икки томондан ўртага ташланган қарашларни ҳаётга тадбиқ этиш жамият учун қанчалик фойдали ёки зарарли эканлигини ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

[1] Н.Сайидаҳмедов. Янги педагогик технологиялар.Т., «Молия», 2003, 105-б.

## 14- МАВЗУ: Кейс усулининг моҳияти ва аҳамияти. Музёрар.

**Р е ж а:**

1. Кейслар ва уларнинг моҳияти.
2. Кейс усулининг ижобий жиҳатлари. Ўқув кейсларининнг турлари.
3. Музёрар. Танишиш усуллари .
4. Музёрар турлари: Тақдим этиш, Интервью, Жадваллар.

**Асосий тушунчалар**:

Кейслар ва уларнинг моҳият, ўқув муаммоли вазият, ўқув кейси, кейс усулининг ижобий жиҳатлари, ўқув кейсларининнг турлари, кейсларни муҳокама қилиш тартиби, муаммоли вазиятларни стратегик бошқариш босқичлари, музёрар, танишиш усуллари,. музёрар турлари: тақдим этиш, интервью, жадваллар.

АДАБИЁТЛАР


1. Ш.Абдуллаева, Д.Ахатова. Педагогик технология асослари. Матн қўлланма. Навоий, 2003 йил.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
3. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
4. Улашев И. Кейс усули. Навоий, 2002 й.


**Ўқув муаммоли вазият (ўқув кейси)** ташкил этишнинг мақсади аудиторияда аниқ муаммоли вазиятни мавжуд имкониятлар ва таваккалликни ҳисобга олган ҳолда муқобил ечимларини муҳокама қилиш орқали қарорлар қабул қилиш муҳитини яратишдан иборатдир.

Кейс усулини самарали қўллаш ўқув гуруҳига муаммоли вазиятни муҳокама қилиш имкониятини бериш орқали талабаларнинг англаш фаолиятини фаоллаштиради, ўз билими ва ғоясини мужассамалаштириш, муҳокама жараёни ва мазмунини кузатиш учун шароит яратади.

Маълумки, ўқитишнинг дастлабки босқичларида талабалар жуда ҳам фаол бўлмасдан ўз фикрларини очиқ баён этишга қодир бўлмайди. Бундай тўсиқ талаба

учун қарашлари ва фикрларини гуруҳ ёки ўқитувчи тмонидан танқидга учраши мумкинлигидан хавфсираган ҳолда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Кўпинча шундай ҳоллар бўладики, ўкитувчи вақтнинг тиғизлиги туфайли талабалар билан суҳбат-мулоқат ёки тўлиқ савол-жавоб ўтказа олмайди. Ана шундай ҳолларда замонавий педагогик технология усуллларидан бири бўлган кейс усули айнан қўл келади.

**Ўқитиш турлари**

- Маруза
- Амалий машқлар
- Масофадан ўқитиш
- Илмий тадқиқотлар натижалари муҳокамаси
- Ёзма назорат иши
- Тест ўтказиш
- Лойиҳалаш (турли соҳаларда)
- Ишбилармонлик ўйини
- Кейс усули

**КЕЙС- бу...**

- ечилиши зарур бўлган муаммони қамраб олган ҳақиқий вазият ифодаси;

- тингловчилар томонидан муҳокама қилиниши мумкин бўлган ва одатда қарор қабул қилувчи менежер нуқтаи назаридан баён этилган вазият;

- аудиторияда мавжуд имкониятлар ва таваккални ҳисобга олган вазият бўйича қарор қабул қилиш муҳитини ташкил қилиш;

- келгусида аниқ тадқиқотлар ўтказиш учун манба.

***Кейс усулининг ижобий жиҳатлари:***

1. Муаммони шакллантиришга ёрдам беради.
2. Аниқ вазиятни таҳлил қилишга ёрдам беради.
3. Аниқ муаммони ҳал этишнинг турли усулларига оид мунозара ўтказиш имконини беради.
4. Назарий билимларни амалиётга қўллаш имкониятини яратади.
5. Олинган натижаларни бошқа ҳолларга ҳам қўллаш учун замин бўлади.
6. Ташилот фаолиятининг муҳим бўлган ўзгаришларини бошқариш имкониятини беради.

***Кейс усулидан фойдаланиш йўналишлари:***

- таълим; ҳуқуқ, солиққа тортиш, менежмент, тиббиёт, изқуварлик, бошқа соҳа ва йўналишлар.

***Кейс турлари:***

1. Тактика кейслари, 2. Стратегия кейслари.

***Ўқув кейсларининг турлари:***

- микро (митти) ўқув кейслари.
- кичик ўкув кейслари.
- Умумий ўкув кейслари.

**Мумтоз кейслар турлари**

- Мумтоз (Гарворд универститети) кейслари.
- Ҳақиқий маълумотларида бироз хатолик бўлган мумтоз кейслар.
- Ҳақиқий маълумотларида анчагина хатолик бўлган кейслар.

***Кейслардан фойдаланиш усуллари:***

1. Якка ҳолда намойиш қилиш.
2. Жамоа томонидан намойиш этиш.
3. Гуруҳларда муҳокама қилиш ва сўнгра аудиторияда музокара ўтказиш.
4. Ишбилармронлик ўйини.

**Кейслар билан ишлаш тартиби**

- асосий муаммони аниқлаш;
- турли омилларнинг асосий муаммога таъсир даражасини аниқлаш;
- асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш;
- муаммони ҳал этишнинг муқобил йўлларини кўриб чиқиш;
- мақбул ечимни танлаш.

**Кейс муҳокамаси тартиби**

Кейс муҳокама қилишни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш лозим:

1. Кейс мазмуни билан шахсан танишиш.
2. Кичик гуруҳларда муҳокама қилиш («Синдикат» усули).
3. Аудиторияда умумий муҳокама ўтказиш.

Кейс муҳокамасида эътиборни қуйидаги жиҳатларга қаратиш тавсия этилади:

- қаралаётган кейснинг асосий мақсадини аниқлаш;
- кейсдаги вазиятни ҳақиқий ҳолатлар билан таққослаш имкониятини кўриб чиқиш;
- мумкин бўлган «тузоқлар»ни аниқлаш, яъни иккинчи даражали масалаларни муҳокама қилиш, нотўғри қарорлар қабул қилиш ва ҳ.к.:
- аудитория учун тушунарсиз ёки нотўғри тушуниладиган маълумотларни аниқлаш;
- кейсда баён этилган муаммони ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотни аниқлаш;
- кейсдаги муаммон ечиш учун оралиқ қадамларни илғаб олиш;
- муаммони ҳал этишнинг муқобил йўлларини белгилаш;
- кейс муҳокамаси вақтини аниқлаштириш;
- мунозарани тугатиш тартибини белгилаш;
- якуний изоҳлаш ва мунозара натижасини хулосалаш.

***Кейсни ёзишда зарур бўладиган маълумотлар манбаи:***

1. Оммавий матбуот воситалари.
2. Интернет.
3. Фйрим корхона ва ташкилотлар фаолияти тўгрисидаги ахборот-таҳлилий материаллар (ҳисоботлар, ахборот нашрлари ва бошқалар).
4. Аниқ корхоналар ёки ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлинмалари фаолият соҳасини тадқиқ қилиш материаллари.

Муаммоли вазиятларни стратегик бошқариш босқичлари.

Кейсларни тузишда стратегик бошқаришнинг қуйидаги асосий босқичларига риоя этиш лозим:

- ташкилот ваколатини аниқлаш;
- мақсадларни белгилаш (стратегик, оралиқ ва вазифавий);
- макро муҳит таҳлили;
- микро муҳит таҳлили;
- ички имкониятлар таҳлили, мавжуд низоли вазиятларни аниқлаштириш;
- асосий муаммони илғаб олиш;
- асосий муаммони ҳал этишнинг муқобил йўлларини топиш;
- мавжуд ечимларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини баҳолаш;
- муаммони ҳал этишнинг мақбул вариантини танлаш;
- асосий муаммони ҳал этиш ҳаракати ва қабул қилинган вариантни амалга ошириш режасини тузиш.

**Япониянинг Кайзен усулидан фойдаланиш имкониятлари**

- муаммони бартараф этиш имокниятларин кўриб чиқиш;
- муаммони бартараф этиш имконияти бўлмаганида, муаммонинг салбий таъсирини қисман қисқартириш йўлларини қараб чиқиш;
- вазиятни шундай ўзгартириш лозимки, натижада муаммонининг салбий таъсири имкони борича камайсин.
-

***Вазиятлар ўзгариши жараёнини бошқариш (5S тизими)***

(1S)- барча кераксизларни йўкотиб, фақат зарурий воситалар билан ишлашни мақбул шаклда ташкил этиш;

(2S)- барчасини маълум тартибда жой-жойига қўйиш ва барча кераклиларини тезда топиш («30 секунд» қоидаси);

(3S)- доимий кузатув ва назорат ўрнатиш, натижада эса барчасини «мусаффо» ҳолда сақлаш;

(4S)- барча ишлаб чиқариш кундалик амалларини самарали фойдаланиш мақсадида стандартлаштириш;

(5S)- ходимлар ўртасида ўзаро интизомни ривожантириш.

**«Мутахассис- ходим жамоага мослаша оладими?»**

***Ўқув кейси***

Сиз- аудиторлик гуруҳининг менежери- идорангизда муҳим иш билан бандсиз. Тусатдан эшик тақиллаб, таклифингизни кутмасдан етакчи аудиторларингиздан бири – Маҳмудов кириб келади. Унинг жуда ҳаяжонланганини, кайфияти яхши эмаслиги кўриниб турибди...

Маҳмудов- тажрибали аудитор. У кўпинча ишлаш ва яшаш жойидан узоқ жойларга кўп меҳнат талаб қиладиган, «оғир» ва «қийинроқ» текширувларга жалб қилинади. Бу эса Маҳмудовда раҳбарга нисбатан норозилик, ишончсизлик кайфиятини уйғота бошлади. Гўёки раҳбар унга «яхши» топшириқлар бермаётгандек туюла бошлади...

Бунинг устига яқин кунлар ичида Маҳмудов билан бирга ишлайдиган кичик ходимлар унинг муомаласи қўрслашгани, гўёки каттасиниб, буйруқвозлик тарзида иш юритаётганлиги сезила бошлагани ҳақида арз қилишган эди. Бу вазиятда сизга Маҳмудов идорадан «узоқроқ» ишлаганда- жамоангизда яхши руҳий кайфият мавжуд бўлаётгандек эди...

Маҳмудов сиздан янги олган топшириғидан норозилигини билдириши учун кабинетингиз эшигини қаттиқ ёпиб, чиқиб кетди. У сизни ўзига алоҳида эътибор бермаётганлигингизда айблаб, агарда тез орада унга бўлган муносабатингизни ўзгартирмасангиз юқори ташкилот раҳбарларига шикоят қилиш ниятида эканлигини ҳам билдирди.

***Муҳокама учун саволлар:***

1. Жамоада қандай низолар юзага келди? Низолар мавжудлигини қандай англаб олдингиз?
2. Сиз (аудиторлик гуруҳи менежери) мазкур низони қандай ҳал этасиз? Ёндашувингизнинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари бор?

## ***«MITCELL» ўқув кейси.***

(Гарвард университетининг асл мумтоз кейси)

Металлургия лабораториясига қарашли бўлган устахонада Эдуард Митчел деган ишончли ва тажрибали ходим ишлар эди. Унга синалувчи нусхалар тайёрлаш торширилган эди. Мазкур иш илмий синовларнинг зарур босқичларидан бири ҳисобланиб, у орқали қотишмалар тайёрлаш учун турли металлар танланарди ва якунида тажриба-синовидан ўтказилар эди.

Митчел қайта ишланмаган қотишмани олар ва унга токарлик станогида ишлов бериб, стержен тайёрлар, унинг узунлиги ва диаметрини синчковлик билан текширар эди. Шундан сўнг стержанда иккита симметрик ўйиқча ҳосил қилиб, уни чўзилувчанликка синаш учун тайёрлар эди. Синов жараёни эса навбатдаги устахонада ўтказиларди.

Ҳар бир алоҳида стержаенни тайёрлашга 2,5-3 соат вақт талаб қилинарди.

Митчел ишини бажарганидан сўнг ҳар бир стерженни навбатдаги ишловлар мобайнида заррача ҳам хасталаниб келмаслиги учун диққат билан қоғозга ўрар эди.

Эҳтимолга кўра Митчелга ҳеч ким ва ҳеч қачон нима учун айнан шундай маъсулиятли ишни бажаришга қўйилганини айтмаганди. Ҳеч ким у бажарадиган ишнинг корхонада амалга ошириладиган жараёндаги аҳамиятини тушунтирмаган эди.

Митчел ўзи тайёрлайдиган стерженларнинг тақдирини билишни жуда хоҳлар эди. У нима учун бу стержанлардан кўп миқдорда тайёрланишини ҳам билгиси келарди.

Бир куни корхона муҳандиси Монгин устахонага ташриф буюрганида Митчел ўз стерженларининг тақдири тўғрисида сўради. Бунга жавобан муҳандис унинг стерженлари билан кейинчалик нима рўй беришини кўрсатишга розилик билдирди ва Митчелнинг бошлиғи билан келишиб, уни яқин орада ўтказиладиган синовларда тажрибахонага келиши мумкинлигини маълум қилди...

Митчел иштирокида муҳандис қоғоз ўрамини очиб, стерженни металлар чўзилувчанлигини текширадиган дастгоҳга ўрнатди. Муҳандис тугмачани босди ва ва синов жараёни бошланди. Махсус ўлчагич стерженга бўлаётган таъсир кучини кўрсатарди. Бир вақтнинг ўзида эса «куч-чўзилиш» нисбати автоматик тарзда қайд этилар эди.

1,5 минутдан сўнг муҳандис нозик механизм бузилиб қолмаслиги учун қайд қилиш мосламасини ўчирди. Синов сўнги 30 секунд мобайнида давомм этди ва шундан кейин стержен бўғиқ овоз чиқариб, синиб кетдт...

Муҳандис ушбу ҳолатни қайд этиб, синов натижасидан мамнун эди. Митчел бирданига: «Менинг стерженимни нима қилаяпсиз?»- деб, бақириб юборди. Муҳандис синов натижаси кимгадир бунчалик таъсир қилишидан ўта ҳайрон бўлди. Ахир стерженлар фақат шу мақсадда тайёрланади-ку!

Нима учун  Митчел  буни ўзини ўзининг ҳақоратлангани деб қабул қилди? У бу ҳақида сўраб улгурмасиданоқ Митчелл таажубланган ҳолда лабораториядан югуриб чиқиб кетди...

Кейинги кун  муҳандис Митчел тажрибахонадан чиққанидан сўнг тўғри ўз устахонасига бордида, жиҳозларни йиғиштиргани ва уйига кетагнидан хабардор бўлди. Кейин у ишдан  бўшаб кетди...

Рўй берган воқеа  асосида муҳандис шундай хулосага келди:

Митчелл- кўринишича овсар ва ўта таъсирчан. Ҳамма ишчилар шундай. Улар илм-фан  томонидан билдириладиган ҳақиқий  нуқтаи-назарни қабул қилишга қобилиятли эмаслар. Муҳандис     Митчелни  тажрибахонаган таклиф қилиб катта хато қилганини билди. Агарда у Митчелга стерженларнинг келгусидаги тақдирини  тушунтирмаганида эди, балки у илгаригидай  ишлаб юрган бўлармиди? Ахир Митчел яхши ходим эди-да. Холбуки, ишчиларга бирон нимани тушунтириш вақтни беҳудага кетказишдан бошқа нарса эмас...

Кейсни  муҳокама  қилиш учун саволлар:

1. Митчелнинг ишдан бўшашига нима сабаб бўлди?
2. Мазкур кейснинг ижобий ва салбий жиҳатларни  сананг.

**Музёрар**

Кўпчилик одамлар нотаниш вазиятда (янги синф ёки янги мактабда, курснинг бошланишида) бўлганларида ўзларини  жаръатсиз сезишади. Кўпинча бир-бирларини билишмайди. Агар хеч  булмаганда бир киши билан таниш бўлсалар, улар бирга

бўлишади. Шунинг учун ўқитувчи (ёки бошловчи) ўқувчиларга ўзларига ишонч ҳиссиётини берадиган дўстона муҳитни ва улар ўзлари ўрганишлари керак бўлган нарсага диққатларини қарата оладиган вазиятни яратиши керак. Бунда Музёрар усулидан фойдаланиш мумкин. Бу таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги «тусиқ»ни йўқотишга қаратилган усул.

Музёрарга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

**1. Тақдим этиш.**

Ўқувчи ёки иштирокчилардан улар ўзларини таништиришлари ва ўзлари тўғрисида муайян ахборот беришлари суралади. Улар тақдим этган ахборот сайланмаси синф ёки курс хусусиятига боғлиқ. Бу қуйидагилар бўлиши мумкин:

- исм-шарифи
- яшаш жойи
- қизиқиши
- фанларга муносабати

Бу ахборот жадвал шаклида катта қоғоз варағига ёзиб жамланса яхши бўлади.

Бу усул кам вақтни олади (ҳар ўқувчига 1-2 минут), бироқ ундан 30 кишидан кўп гуруҳларда фойдаланиб бўлмайди. Бизда улар ҳақида ахборот кам бўлган, улардаги одамлар бир-бирларини яхши билмайдиган гуруҳлар учун яхши, бироқ у ҳар доим ҳам гуруҳ аъзоларининг яхши танишишларига кафолат бермайди.

**2. Интервью.**

Бир-бирларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, уларга танишиб олишлари учун 5-7 минут вақт берилади. Сўнг жуфтликнинг ҳар бир аъзоси бутун гуруҳга ўз шериги тўғрисдаги маълумотларни бирор қизиқарли фактни қўшган ҳолда тақдим этади.

Бунда гуруҳдаги ҳар бир киши битта одам билан танишиши кафолатланади. Бу усул иштиокчиларга дадиллик ҳиссини беради, бироқ уни 25 кишидан кўп гуруҳда қўллаш мумкин эмас.

**3. Жадваллар.**

Ҳар бир иштирокчига фломастер ва катта қоғоз вароғи берилади. Қоғоз тўрт қисмга бўлиниб, ҳар бирига қуйидаги ахборотни ёзиш топширилади:

- юқоридаги чап бурчакда: ўзини бир сўз билан тасвирласин
- юқоридаги ўнг бурчакда: нима билан фахрланишини ёзсин
- пастдаги чап бурчакда: ўзи ҳақида қандайдир бир сирни ошкор килсин (бу жиддий сир бўлиши мажбурий эмас, бироқ шундай ахборот бўлсинки, у ҳақда иштирокчилардан ҳеч ким билмасин)
- пастдаги ўнг бурчакда: ўз хоббисини чизиб берсин.

(Жадвалнинг катакчаларини гуруҳ хусусиятига қараб ўзгартириш мумкин)

Ҳамма иштирокчилар ишни тугатганларидан кейин улар жадвални олдларида ушлаб залнинг ўртасига чиқишади. У ёқ- бу ёққа ўтиб иштирокчилар бир-бирлари билан танишадилар. Иштирокчилар ўз исмларини жадвалларга ёзиб, уларни деворга илиб қўйишади.

## 15- МАВЗУ: ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Р е ж а:**

1. Ўйинлар ва уларнинг турлари.
2. Ўйинларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.
3. Ўзбек халқ ўйинлари.
4. Ролли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар. Ишбилармонлик ўйинлари.

**Асосий тушунчалар:**

Ўйинлар ва уларнинг турлари, ўйинларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, ролли ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар, компьютерли-ишбилармонлик ўйинлари.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. Т, «Фан», 1998 й.
2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. Т., 2001.й
6. Сафарова Н. Ўзбек болалалар анъанавий ўйинларининг тарихий асослари. «Педагогик маҳорат», 2002 й, 4-сон, 54 бет.
7. Ҳасанбоева.О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. Т., 1996 й, 32 бет.
8. Ҳасанбоев Ж, Туропова М., Ҳасанбоева О Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. Т., 1999 у.


**Ўйин ва унинг турлари**. Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришга ёрдам берадиган муҳим воситалардан бири бу- ўйиндир. Ўйин - инсон ўзлигининг намоён бўлиши, унинг такомиллашув усулидир.

Ўйин- инсон фаолиятининг кўринишларидан биридир. Чет эл олимлари - файласуфлари, социологлари, маданият ходимлари ва тарихчилари тадқиқотларида ўйиннинг ўзига хослиги, унинг жамият ҳаёти ва алоҳида шахс ҳаётида, инсоннинг маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилган. Тадқиқотчилар ўйиннинг қадрини, унинг шартлилигини, унинг ижтимоий хулқни шакллантиришдаги, кишининг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишдаги, унинг

муомала чоғидаги хатти-ҳаракатларини аниқлаб олишдаги аҳамиятини таъкидлайдилар.

Ўйин болалар ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Ўйинни «Болаликнинг ҳамроҳи» ҳам деб аташ қабул қилинган. У мактабгача тарбия ва кичик мактаб ёшидаги болалар ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади, у меҳнат ва таълим билан узвий алоқада бўлган ҳолда етакчи фаолият сифатида намоён бўлади. Бола шуғулланадиган кўпчилик жиддий ишлар ўйин шаклида бўлади. Ўйинда шахсдаги мавжуд барча жиҳатлар ишга тушади: бола ҳаракат қилади, гапиради, идрок этади, ўйлайди, ўйин жараёнида болани ҳаёлоти, хотираси фаол ишлайди, таъсирчанлик ва ирода сифатлари намоён бўлади. Ўйин тарбиянинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам уйинлар бизларни доимий қуршаб туради. Ю. В. Геронимус таъкидлашича, ўйининг пайдо бўлишига «..инсондаги қизиқиш мотивлари туртки беради»[1]

«Ўйинлар категорияси» нафақат болалар, балки катталар фаолиятига ҳам мос»,- деб уқтиради Васила Каримова.

**Ўйиннинг турлари.** Болалар ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Улар ўз мазмуни ва ташкил этилишига кўра, қўлланиладиган буюмларнинг турларига, келиб чиқишига кўра турличадир. Буларниг барчаси болалар ўйинларини туркумлаштиришни фавқулодда қийинлаштиради, бироқ ўйинларга тўғри раҳбарлик қилиш учун уларни, албатта, гуруҳлаш зарур. Педагогикада ўйинларни икки катта гуруҳга бўлиш жуда кенг тарқалган: ижодий ўйинлар ва қоидали ўйинлар.

Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротларини, борлиқ ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар.

Қоидали ўйинлар катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киритилади. Мазмуни қоидаларнинг мураккаблигига қараб, улар турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали ўйинларнинг катта гуруҳни халқ ўйинлари ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан-авлодга ўтиб бизга етиб келган.

Ўз навбатида ўйинларнинг ҳар иккала гуруҳи ҳам ўзининг хилма-хил кўринишларига эга. Ижодий ўйинлар гуруҳини сюжетли-ролли ўйинлар ташкил этади (бу ижодий ўйиннинг асосий туридир), қуриш-ясаш ўйинлари (уларда болалар атроф-муҳит ҳақидаги ўз таассуротларини ўзига хос тарзда акс

[1] Геронимус, 2003, « Internet« почтасидан.

эттирадилар), болалар адабий асарлар мазмунини эса ижодий қайта акс эттирадиган драммалаштирилган-ўйинлар ва бошқалар ташкил этади.

Ўйинлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъсир кўрсатишига кўра шартли равишда дидактик ўйинлар ва мусиқий ўйинларга бўлинади. Дидактик ўйинларда аввало болаларнинг ақлий фаолияти ривожланади, улар билимлари чуқурлашади ва кенгаяди; ҳаркатли ўйинларда болаларнинг турли ҳаракатлари такомиллашади; мусиқали ўйинларда эса мусиқий қобилиятлар ривожланади ва хокозо.

Шунингдек ўйинлар орасида кўнгил очарлари ҳамда, ўйин-овутмачоқлари ҳам бўлади.

Ҳар бир ўйиннинг ўзига хос сифатлари мавжуд, бироқ улар қатор умумий хусусиятларга эгадирлар.

Ўйин - бу бола фаолиятининг тури..

Бошқа фаолият турларида бўлгани каби ўйин жараёнига боланинг бутун шахсияти: унинг психик билиш жараёнлари, иродаси, ҳиссиёти ва таъсирчанлиги, эҳтиёж ва қизиқишлари жалб этилади, ўйинда бола фаол ҳаракат қилади, гапиради, ўз билимларини қўллланади.

Ўйин ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Улар орасида сабабларнинг ўзига хослиги асосий ҳисобланади. Ўйин - бу боланинг шахсий ташаббусига кўра вужудга келадиган, ўзининг фаол ижодий йўсиндаги, юксак таъсирчанлик руҳи билан ажралиб турадиган эркин ва мустақил фаолиятидир. Ўйиннинг ривожлвниши бола шахсининг таркиб топиш даражасига кўра кечади.

**Болаларнинг ўйиндаги эркинлиги ва мустақиллиги.** Бола ўйинда амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди: у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқади. Бола ўйиндан завқ олиш мақсадида фойдаланади. Бола ўйининининг асосий сабаби «воқеликнинг унинг учун аҳамиятли бўлган томнларини бошдан кечириш» ҳисобланади.

Ўйин фаолиятининг эркин табиати гарчи унда меҳнат билан кўпгина ўхшашликлар бўлсада, жамият ҳаётида тутган алоҳида ўрни билан белгиланади. А.С.Макаренко ўйин меҳнат ўртасидаги фарққа жуда аниқ тариф берган эди: «ҳар холда ўйин ишдан нимаси билан фарқ киладиʔ Буни фақат бир нарсада кўрамиз: иш кишининг ижтимоий ишлаб чиқаришда... моддий, маданий қадриятлар, бошқача айтганда, ижтимоий қадриятлар яратишдаги иштирокидир. Ўйин ўз олдига бундай мақсадлар қўймайди, ижтимоий мақсадларга бевосита дахлдор бўлмайди, бироқ уларга билвосита муносабатда бўлади: у кишини асқотадиган жисмоний ва руҳий бардошга ўргатади».

Ўйин қатъий қоидага амал қилмайди - у болаларнинг мустақил фаолиятидир, бироқ, унинг болага кўрсатадиган улкан таъсирини ҳисобга олган

ҳолда катталар болалар ўйинларига раҳбарлик қиладилар, ўйинларнинг вужудга келиши ва ривожлнишига шароит яратадилар.

Боланинг ўйиндаги эркинлиги ва мустақиллиги қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: а) ўйин ёки унинг мазмунини танлашда; бошқа болалар билан ихтиёрий бирлашишда; в) ўйинга кириш ва чиқишнинг ихтиёрийлигида ва ҳакозо. Турли кўринишдаги ўйинларда болалрнинг эркинлиги ва мустақиллиги турлича намоён бўлади. Бироқ ўйновчи учун у «субъектив жиҳатдан мутлақ» ҳақиқат ва ҳеч қандай ташқи зарурат билан келиша олмайди.

К.Д.Ушинский болаларнинг ўйиндаги мустақиллигига ўзига хос хусусият сифатида қараб «Ўйин шунинг учун ҳам ўйинки, у бола учун мустақил машғулотдир» деган эди. К.Д.Ушинский фикрича, боланинг ўйинга иштиёқи, унинг болага улкан таъсири боланинг ўйинга иштиёқи, унинг болага улкан таъсири боланинг мусиақиллиги билан доғлиқдир: «Болакайлар учун ўйин - воқелик, воқелик бўлганда ҳам уни ўраб турган нарсалардан кўра жуда қизиқарли воқеликдир. У бола учун тушунарли бўлгани туфайли ҳам қизиқарлидир; ўйин болага шунинг учун ҳам тушунарлики, у бир қадар боланинг ўзи яратган машғулотидир... Ҳақиқий ҳаётда бола болалигича қолади, ундан ортиқ эмас, у ҳеч қанақа мустақилликка эга бўлмаагн норасида, ҳаёт оқимида кўр-кўрона ва беташвиш сузаётган гўдак; ўйинда эса бола энди бошқача одам, у энди камол топаётган, у энди ўз кучини синаб кўра оладиган ва ўзи яратган нарсани мустақил идора эта оладиган инсон».

Болани ўйинга мажбуран чорламаслик лозим. Мажбуран ўйналадиган ўйин ўйин бўлмайди.

**Сюжетли-ролли ўйинлар.** «Ижодий- ўйин» тушунчаси сюжетли-роллий ўйинларни, драмалаштирилган ўйинларни, қуриш-конструкциялаш ўйинларини ўз ичига олади. Ижодий ўйинларда болаларнинг атроф-мўхитдаги ҳаёт ҳақидаги таассуротлари, у ёки бу ҳаётий ҳодисларни тушуниш даражалари акс этади. Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар. Бу гуруҳ ўйинларда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ўз-ўзини уюштириши ва ижодийлиги тўла намоён бўлади. Ранг-баранг ҳаётий таассуротлар айнан такрорланмайди, улар болалар томонидан қайта ишланади, уларнинг бири иккинчиси билан алмашиниб туради.

Сюжетли-ролли ўйин ўз ифодасига кўра инъикос фаолиятдир. Бола ўйинини озиқлантирувчи манба бу, борлиқ дунё, катталар ва тенгдошларнинг ҳаёти ва фаолиятидир.

Сюжетли-ролли ўйиннинг асосий хусусияти унда хаёлий вазиятининг мавжуд бўлишидир. Хаёлий вазиятлар болалар ўйин чоғида қабул қилдаиган сюжет ва

ролларда таркиб топади. Улар буюм ва нарсаларнинг ўзига хос қўлланилишини ўз ичига олади.

**Ўйин сюжети**- бир-бирига ҳаётий алоқадор бўлган қатор воқеаларнинг йиғиндисидир. Сюжетда ўйиннинг мазмуни очилади- воқеалар иштирокчилари билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ва муносабатлар ифодаланади.

Роль сюжетли-роли ўйиннинг асосий занжири ҳисобланади. Бола ўйинда кўпинча катта киши тимсолида иштирок этади. Ўйинда ролнинг мавжуд бўлиши шуни англатадики, бола ўз онгида у ёки бу киши қиёфасида бўлади ва ўйинда унинг номидан ҳаракатлар қилади: у ёки бу нарсани муайян тарзда кўлланади (Ҳайдовчи каби машинани бошқаради, ҳамшира сифатида ҳарорат ўлчагич қўяди), бошқа ўйновчилар билан муносабатга киришади. Роль ҳаракатларда, нутқда, мимикада, пантомимикада ифодаланади.

Болалар ролни танлаб ўйнайдилар: улар катталар ёки болаларнинг ўзларига ёққан, катта кизиқиш уйғотган ҳаракат ва қилиқларни такрорлайдилар. Кўпинча болалар она, тарбиячи, ўқитувчи, шифокор, учувчи, ҳайдовчи ва бошқа касбдаги кишилар бўлиши мумкин.

Болалар ўйиндаги шериклари каби мавжуд ташкилий муносабатларга (ўйин сюжетини келишиб оладилар, ролларни тақсимлайдилар ва ҳк.) киришадилар. Бироқ айни пайтда улар ўртасида мураккаб роль муносабатлари ўрнатилади (масалан, оналар ва қизлар, капитан ва матрос, шифокор ва бемор муносабатлари).

Ўйинга оид ҳаётий вазиятларнинг фарқ қилувчи хусусияти шундаки, бунда бола зоҳирий вазиятда эмас, тушуниб олинган вазиятда ҳаракат қила бошлайди; ҳаракат буюм эмас фикр билан белгиланади. Бироқ фикр ҳали ўйинда таянчга муҳтож бўлади, шунинг учун ҳаракат мантиғига кўра талаб этиладиган нарсани амалга ошириш имконини берадиган бир буюм иккинчиси билан (таёқчани таёқ алмаштиради) алмашиб туради.

Болалар ўйинда оилавий турмушни: катталарнинг болаларни парвариш қилишларини, уй ишларини, байрамлар ва кўнгил очишларни; боғча-мактаб ҳаётини, тарбиячи-ўқитувчи меҳнатини, ҳамширанинг ҳаракатларини, шифокор, ошпаз, ўз ҳаётларини, машғулотлар, сайр, байрамларни акс эттирадилар.

Ҳозирги пайтда кўпчилик педагог ва психологлар ўйинларнин сюжетига кўра уч гуруҳга бўладилар:

- маиший ўйинлар (оила, боғча ва мактаб турмушини акс эттирадиган);
- меҳнат мавзусидаги ўйинлар;
- ижтимоий мавзудаги ўйинлар.

Сюжетли-ролли ўйинлар болани тарбиялаш воситаси сифатида.

Ўйинлар мазмуни болани ахлоқий муносабатларнинг кенг доирасига олиб киради: ғамхўрлик, ўзаро ёрдам маъсулияти ва шу кабилар. Бола ўйинда рол ҳатти-

ҳаракати қоидаларини эгаллаш асносида ролда мужассамлаштирилган ахлоқий қоидаларни ҳам ўзлаштиради. Болалар катталар фаолияти сабаблари ва мақсадини, уларнинг ўз меҳнатларига, ижтимоий ҳаётининг воқеа ва ходиссларига, одамларга, нарсаларга муносабатини ўзлаштирадилар: ўйинда кишиларнинг турмушига, уларнинг ишларига, жамиятдаги хулқ-атвор норма ва қоидаларига ижобий муносабат шакллантирилади. Шу аснода сюжетли-ролли ўйин муомала маданиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам рўёбга чиқади.

Биргаликдаги жамоавий ўйинлар кўп даражада жамочилик туйғуларини шакллантирини белгилайди. Ўйин умумий ниятни қабул қилишни, ҳаракатларнинг мувофиқлигини талаб қилади, кечинмаларни умумлаштиради. Жамоачилик ҳиссини тарбиялашда ўйин чоғида болалар ўртасида вужудга келадиган мавжуд ўртоқлик муносабатлари катта аҳамиятга эга бўлади: болалар ўйин ҳақида келишиб олишади, мақсадни амалга оширишда бир-бирларига ёрдам берадилар, вазиятни уюштирадилар, зиддиятларни бартараф этадилар. Ўйинда ролли ва дўстлик муносабатлари қўшилиб кетади: ўйин жамоаси ичидаги мавжуд муносабатлар ролларнинг бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади. Ўйновчиларнинг боланинг бутун фаолиятини ром этган мавжуд муносабатла балалар жамоасини шакллантиришнинг асосига айланади.

Сюжетли ўйин *ақлий тарбия* воситаларидан биридир. Бола ўйинда атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб, уларни хаёлан қайта тиклайди. Бунда у образлар ва таассуротлардан фойдаланади. Бола тасвирлаётган ҳодисалар ҳақидаги билимларни ўз мушоҳадаларида ифодалайди, бу унинг конкрет буюмдан у ҳақда фикрлашга ўтганини билдиради. Ўйиннинг хаёлий вазияти 1-синф ўкувчилари ақлий фаолиятининг ривожланишига доимо таъсир кўрсатиб боради.

Биргаликдаги ўйинда тасвирланаётган воқеаларга, ҳаракатларга, буюмларга нисбатан ўз нуқтаи-назарини бошқалар нуқтаи-назари билан жамлаш малакаси шаклланади; боланинг унинг янги тафаккур босқичига ўтишига имкон берувчи билшга оид «децентрация»си юз беради.

Ўйин ҳаракатларини амалга ошириш болага у ёки ҳодисалар ҳақидаги билимларидаги етишмовчиликларнинг ўрнини тўлдиришга ёрдам беради. Бу ҳол хилма-хил савлларнинг туғилишига сабаб бўлади, улар жамоали ўйин чоғида иштирокчилар ўртсаида фикр алмашиш асносида қониқтирилади, катталарнинг тушунтиришлари натижасида болаларнинг ўйиндан ташқаридаги кузатишлари рағбатлантирилади.

Болалар *хаёлотини* ривожлантиришда сюжетли-ролли ўйинлар катта аҳамиятга эга. Ўйинга хос хаёлий вазият яратиш фаол хаёлий фаолият натижасидир, бу эса уни жадал ривожлантириш шарти ҳисобланади.

Ўйиннинг санъатга яқинлиги сюжетли-ролли ўйинлардан *эстетик тарбияда* фойдаланиш имконини яратади. Болаларнинг ўйинда туядиган ташаббус кўрсатиш, ижодийлик билан боғлиқ бўлган туйғулари эстетик туйғуларга яқин.

Ўйинда боланинг улкан *ҳаракат тажрибаси* шаклланади. Унда бир томондан турли ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қулай шароит яратилади, иккинчи томондан, бола ролга кирар экан, ўз ролига оид ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳаракатлардан фойдаланади, тасвирланаётган персонажлар ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини онгли равишда ифодалайди.

**Драмалаштирилган ўйинлар.** Драмалаштирилган ўйин бадиий асар асосида қурилади: ўйин сюжети, роллар, қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари, улар нутқи асар матнига кўра белгиланади. Олдиндан берилган сюжет ва ролларнинг мавжудлиги драмалаштирилган ўйинларни тайёр қоидали ўйинларга яқинлаштиради. Бу уни адабий аарлар мавзуидаги у ёки бу асар билан алоқаси бирмунча беқарор ва аниқ бўлмаган сюжетли-ролли ўйинлардан фарқлайди: бунда турли адабий манбалардаги воқеалар бирлаштирилиши, янги иштирок этувчи шахслар киритилиши, асар мазмуни эркин берилиши мумкин.

1-синф ўкувчиларининг адабий асарлар мавзулариданим сюжетли-ролли ўйинларга қизиқишларининг сабаби уларда жасур ва софдил, ботир ва довюрак, кучли ва олижаноб кишиларга тақлид этиш табиати мавжудилиги билан тушунтирилади.

Драмалаштирилган ўйин боланинг нутқига катта таъсир кўрсатади. Бола она тил бойлигини ўзлаштиради, унинг ифода воситаларини, турли оҳанглардан қаҳрамонлар ва уларнинг қилиқларига хос равишда фойдаланади, уни кўпчилик яхши тушуниши учун аниқ ва бурро гапиришга ҳаракат қилади.

Драмалаштирилган ўйин устида ишлаш бадиий асарни танлашдан бошаланади. Бу асарлар болаларни қизиқтириши, уларда кучли ҳиссиёт ва кечинмалар уйғотиши муҳимдир.

**Қуриш-ясаш ўйинлари.** Қуриш ясаш ўйинлари ижодий ўйинлар сирасига киради. Унда болалар атроф-муҳитдаги буюмли дунё ҳақидаги таассуротларини акс эттирадилар, мустақил тарзда турли нарсаларни ясайдилар, иншоотлар бунёд этадилар, бироқ уларни жуда умумлашган ва бир қолипда бажарадилар.

Қуриш-ясаш ўйинларида бир хилдаги буюмларнинг бошқалари билан алмашиши юз беради: иншоот махсус яратилган қурилиш материалидан ёки табиий материал (қум, қор)дан бунёд этилади. Буларнинг барчаси мазкур фаолиятини ижодий ўйиннинг бир тури дейишга асос бўлади.

Курилиш-ясаш ўйини кўп ҳолларда роллий ўйинлар билан узвий боғланиб кетади. Кўпгина қуриш-ясаш ўйинлари ролли ўйин шаклида кечади. Болалар иншоат

қураётган қурилиш ишчилари бўлиб оладилар, ҳайдовчилар уларга қурилиш материалларини келтириб берадилар, пешинда ишчилар ошхонада тушлик қиладилар, ишдан сўнг театрга борадилар ва ҳоказа.

Баъзи қурилиш ўйинлари боладан буюм образини фазовий ифодада тасвирлашни талаб қилади. Ўйин жараёнида боланинг буюмнинг катта кичиклиги ва мутаносиблиги, фазовий муносабатларини белгилаш, мўлжал ола билиш кўникмаси худди шу туфайли шаклланади ва ривожланади. Ўйин фазода амалий ҳаракат қилиш тажрибасини тўплашга ёрдам беради: фазовий муносабатларда аниқ билиш ўйинда шакллантириладиган ясаш кўникмасининг мазмунига киради.

Бундай ўйинларда боланинг қиёслаш, таққослаш кўникмалари шаклланади, унинг кузатувчанлиги ривожланади. Бу ўйинда болалар ақлий фаолиятининг кўп қирралари ривожланади.

**Тайёр мазмуни ва қоидали ўйинлар**. Ҳар бир халқда асрлар давомида каталарнинг болалар учун яратган ўйинлари ва болаларнинг ўзлари яратган ўйинлари мавжуд. Униси ҳам, буниси ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келган ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос шаклига айланган. Бу ижодий жараён ҳали ҳам давом этиб келмоқда.

Хозирги пайтда тайёр мазмуни ва қоидали ўйинлар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Қоидали ўйинлар бола шахсининг муайян сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга мўлжаллангандир. Бу хил ўйинларда мусиқий камолот амалга оширилади, бошқалари югуриш, сакраш, тирмашиш каби ҳаракатларни ривожлантириш, ботирлик, эпчилликни, чаққонлик, чидамлиликни тарбиялаш учун махсус мўлжалланган, учинчи бир хил ўйинлар педагоглар томонидан болаларни тўғри талаффузга, санаш ва ҳоказоларга машқ қилдириш учун ишлаб чиқилган.

Шундай ўйинлар ҳам борки, уларда болаларнинг сенсор қобилиятлари, топқирлик, диққат, умумлаштириш, тизимлаштириш ва буюмларни тавсифлаш кўникмалари ривожлантирилади. Умуман қоидали ўйинлар ўз мазмунига кўра бола ҳаёти ва камолотининг хилма-хил томонларини қамраб олади.

Тайёр мазмуни ва қоидали ўйинлар: дидактик, ҳаракатли ва мусиқий ўйинларга бўлинади*. Дидактик ўйинлар деганда, асосий тарбиявий вазифаси болаларни ақлий оривожлантиришдан иборат бўлган ўйинлар тушунилади.*

Барча тайёр мазмуни ва қоидали ўйинлар учун қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1. Ўйин ҳаракатлари орқали амалга ошириладиган ўйин нияти ёки ўйиннинг вазифвсининг мавжудлиги. Ўйин нияти ва ўйин ҳаракатлари ўйиннинг мазмунини ташкил этади.
2. Ўйновчиларнинг ҳаракат муносабатлари қоидалар билан йўлга солиб турилади.

3. Ўйинда қоида ва тайёр мазмунининг мавжудлиги болаларга ўйинни мустақил уюштириш ва уни ўтказиш имконини беради.
4. Ўйиннинг таълим-тарбиявий мазмуни унинг ниятида, ўйин ҳаракатлари ва қоидаларида мужассам бўлиб, улар балалар учун мустақил вазифа сифатида воқе бўлмайди.\

Шу билан бирга қоидали ўйинлар учун болалар ўйин фаолиятининг барча хусусиятлари хосдир.

**Дидактик ўйинлар.** Дидактик ўйинлар сўзнинг том маъноси билан ўйин-машғулотлар ва ўйин машқларга бўлинади. Ўйин машғулотлар автодидактизм ва болаларнинг ўз ташкилотчилиги асосига қурилади. Ўйин машқлар эса фақат катталар томнидан уюштирилади ва ўтказилади, уларнинг иштирокисиз ўйналмайди.

Дидактик ўйинларнинг муҳим элементи қоидалар ҳисобланади. Қоидаларни бажариш ўйин мазмунини амалга оширишни таъминлайди. Ўйиндаги қоидалар турличадир: уларнинг айримлари ўйин ҳаракатлари ва уларнинг изчиллигини белгилайди, айримлари ўйновчилар ўртасидаги муносабатларни муқобиллаштиради. Муайян ҳодиса ва ҳаракатларни тақиқловчи ёки чекловчи ёҳуд бошқа қоидаларнинг бузилишини ва тақиқланган ҳаракатларни такрорлашни «жазолашни» назарда тутувчи қоидалар ҳам бор.

Бола бундай ўйинда росмана таълим олади. *Ўйиннинг бу хусусияти- болани ўйин нияти, харакатлари ва қоидалари орқали ўргатиш ва камол топтириш- автодидактизм, деб аталади* (А.П.Усова).

Айрим ўйинларда бошланма, санамачоқ, бошқаларида ҳаракатни белгиловчи қўшиқ матни ёки сўз ўз-ўзини уюштирувчи элемент бўлиб Хисобланади; баъзан ўйинда бошловчи бўлади («лото», «бекинмачоқ»).

Лото ўйини айнан дидактик ўйин ҳисобланади. Бунда бирингчи бўлиб катакларни тўлдириш асосий ўйин вазифаси ҳисобланади. У қатор ўйин ҳаракатлари орқали ҳал этилади: бошловчини тинглаш, катакларни тўлдириш, шерикларини текшириш каби. Ўйин қоидаси мураккаб эмас: бошловчи шошмасдан ўз карточкасида нима тасвирланганини айтади, қўлида қўлида қайси боланинг тасвирига мувофиқ келадиган тасвир бўлса, ўша бола ўйинга даъвогарлик қилади. Ўйиннинг таълимий вазифаси ҳаракатлар заминига яширинган бўлади. Ўйиннинг асосий ривожлантирувчи аҳамияти билимларни қўллашни машқ қилдириш, уларни аниқлаштириш ва мустаҳкамлаш, диққатни ўстиришдан иборатдир. Агар ўйновчи билимида камчиликлар бўлса, у хато қилади ва бу мағлубиятга олиб келади.

Дидактик ўйинлар болаларнинг билимларни қўлланишларини машқ қилдиришга, уларни янада чуқур ўзлаштиришларига ёрдам беради. Дидактик ўйинлар жарёнида психик билиш жараёнларининг такомиллашуви юз беради. Халқ дидактик ўйинчоқлари билан ўйналадиган ўйинларда болаларнинг сенсор

маданияти ривожланади, буюмларнинг ранги, ҳажми, шаклини идрок қилиш ривожланади. Буюмларнинг хусусият ва сифат этолонларини ўзлаштириш сенсор тажриба тўплаш юз беради. Расмлар билан ўйналадиган ўйинларда ва қатор оғзаки ўйинларда таққослаш, умумлаштириш, тавсифлаш операциялари такомиллашади. Қатор ўйинларда топқирлик ва ақлий фаоллик шаклланади. Ҳар бир дидактик ўйин иштирокчилардан узоқ ёки қисқа муддатли ва барқарор диққатни талаб қилади: Ўйновчи шериклари ҳаракатларини ва ишораларини диққат билан кузатиб бориши керак. Диққкатни ўстирадиган махсус ўйинлар ҳам мавжуд (масалан, «Бўёқлар»)

Бошланғич синфларда ўтказиш мумкин бўлган дидактик ўйинлардан айрим мисоллар келтирамиз:

**"10 ичидаги сонларни ўрганиш»**

**1** "Қайси рақам йўқолди .10 ичидаги барча рақамлар стол устига ёйилади. Улардан бир рақам "йўқолади". Бола уни сезиши, қайси рақамлигини аниқлаши ва қайси рақамлар ёнида туриши лозимлигини айтиши керак.

2. «Қаторни давом эттир». Болаларга турли карточкалар тарқатилади. Ўқитувчи шундай дейди: "Қуйидаги сонларга эътибор қил. Бу қаторда кейингиси қандай сон бўлиши керак?" Бола биринчи топшириқни бажариб бўлганидан сўнг унга кейинги топшириқлар берилади. Масалан қуйидаги карточка бўлиши мумкин:

| |
|---|
| 1, 2, 3... |

| |
|---|
| 10, 9, 8... |

| |
|---|
| 1, 3, 5... |

Тўғри жавоблар 1) ...4,5,6,7,8, 9, 10. 2) ...7, 6,5, 4, 3,2,1. 3) ... 7, 9.

Тўғри жавоблар 1) ...4,5,6,7,8, 9, 10. 2) ...7, 6,5, 4, 3,2,1. 3) ... 7, 9.

3. "Биласанми" ўйини

Уйин жиҳози: Синфдаги ўқувчилар сонига мос хатжилд ва унга солинган 1 дан 10 гача қирқма рақамлар. Шунингдек, турли миқдордаги мева, ҳайвон, ўсимлик, паррандалар расми.

Уйин мазмуни: дарс бошланишида ҳар бир ўкувчининг партаси устига рақам солинган хатжилд тарқатилади. Ўқитувчининг топшириғи билан болалар бу рақамларни партаси устига истаган тартибда териб қўйишади. Шундан кейин ўқитувчи олдидаги ҳар хил миқдордаги (1та олма, 3 та нок, 2та олх?ри, 6 та гилос каби) расм-карточкаларни юқори кўтаради. Партада ўтирган ўқувчилар эса ўз навбатида расмдаги нарсаларнинг миқдорини санаб, унга мос рақамларни топиб юқорига кўтарадилар.

Ўйин шу тартибда 10-15 дақиқа давом этиши мумкин.

4. "Ўрнини топ" ўйини.

Ўйин жиҳози: синфдаги ўқувчилар сонига мос 1 дан 10 гача рақамлар жамламаси.

1-усул: Ўйин мазмуни: 1 усул: ўқитувчининг топшириғи билан болалар олдидаги рақамларни тўғри ёки тескари тартибда териб қўядилар. Масалан: 1,2,3,...10, ёки 10,9, 8,...1 кўринишида.

2-усул: Топшириқ бироз мураккаблаштирилади. Айтилган сонни ўзидан олдинги ёки кейинги сон билан, шунингдек айтилган сонни олдинги ҳамда кейинги сон билан топиб қўйиш. Масалан, 4 ни ўзидан олдинги сон билан 3, 4 кўринишида, 7 ни эса ўзидан кейинги сон билан 7 8 кўринишида, ҳамда 9 ни ҳам ўзидан олдинги ва кейинги сон билан- 8, 9, 10 кўринишида.

"Антиsа қопча"

Қопчанинг ичига турли фигуралар солинади. Ўқувчи қопни ичига қўлини тиsиб, ушлаб, қайси фигура эканлигини айтади.

"Ким кўп кўради"

Столнинг устига турли хил кўпгина геометрик фигуралар ташланади. Болалар қараб, уларни эслаб қолади. Ўқитувчи учгача санаб фигуралар устини ёпади. Болалар эслаб қолганларини айтишади. Иложи борича кўпроқ фигурани эслаб қолиш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш учун , анъанавий бўлмаган ўйинлар, машқлар, топшириқлар мажмуидан фойдаланиш ҳам яхши самаралар беради. Ноанъанавий топшириқлар ва машқлар барча тафаккур операцияларини амалда ривожлантиришга қаратилган улардан ота-оналар ҳам болалари билан шуғулланаётган вақтда ёки ўқитувчилар ҳам дарсларда амалий танаффус сифатида фойдаланишилари мумкин. ноанъанавий топширисlардан намуналар берамиз:

"Кўринмас хатолар" топшириғи.

Ўsитувчи доскада бир неча хато математик ифодаларни ёзади. Ўқувчининг вазифасини ҳеч нарсани ўчирмасдан, тўғриламасдан хатони кўринмайдиган қилишдир. Топшириқлар ва уларни тўғрилаш усуллари.

10<10 8=7 6+3=10

10<100 15-8=7 6+3=10-1

10<10+1 8=7+1 1+6+3=10

"Муаммони излашда зийраклик" топшириғи.

а) Столда 3 стакан олча турганди. Санжар 1 стакан олчани еди. Неча стакан қолди?

Жавоб: 3 стакан.

б) Сиз қоронғи хонага кирдингиз. У ерда шам, газ плитаси, керосинли чироқ бор. Сиз биринчи навбатда нимани ёқасиз?

Жавоб: гугуртни.

в) Фотима ва Зуҳронинг бўйи тенг. Зуҳра Гулидан баланд, Азиза Фотимадан баланд. Кимнинг бўйи баланд, Азизанингми, Гулинингми?

Жавоб: Азизанинг б?йи баланд?

<u>"Ноанъанавий топширивлар мажмуи"</u>.

А) 1 кг гўштни пишириш учун 1 соат вақт керак. 3 кг гўштни пишириш учун қанча вақт керак?

Жавоб: 1 соат.

Б) Сарвар мактабга бориш учун йўлга 1 соати 10 дақиқа вақт сарфлайди, у опаси Азиза билан бирга борса, у йўлга қанча вақт сарфлайди?

Жавоб: 1 соату 10 дақиқа.

В) Икки бола 2 соат шашка ўйнашди. Уларнинг ҳар бири неча соат ўйнаган.

Жавоб: 2 соат.

Г) Ликопчада конфетлар турган эди. Икки она, икки қиз, буви невараси билан биттадан конфет олишди, ликопчада нечта конфет бор эди?

Жавоб: 3 конфет.

<u>"Арифметик пойга" ўйини</u>

Сардорлар ўз гуруҳларидаги болалар кўкрагига 1 дан 9 гача рақамларни қадабқўяди. Бошқарувчи йиғиндиларни айтади: 6, 8, 5, 3, 10. Ўқувчилар бу йиғиндитни ҳосил қилиш учун жуфт-жуфт бўлиб турадилар. Масалан: бошқарувчи: "йиғинди олти" деб айтса, 4 билан 2 ва 5 билан 1 раsамлари жуфт бўлиб туришлари керак; қайси гуруҳ тез ва тўғри бажариши ҳисобга олинади.

Ҳар қайси гуруҳлар тўплаган баллар бошқарувчи томонидан ҳисобланиб, ғолиб гуруҳ аниқланади ва рағбатлантирилади.

**«Ишбилармонлик» ўйинлари**

Турли ижтимоий - психологик тавсифга эга ўйинлардан ўқув жараёнида фойдаланиш, шак-шубҳасиз, ўз самарасини кўрсатади.

Айнан фаол ўқитиш методлари ҳам шундай уйинларга таянилган ҳолда ташкиллаштирилади. «Ишбилармонлик» ёки «бошқарув» деб юритилувчи ўйинлар таълим ва кўникма ҳосил қилишга қаратилган бўлади.

«Ишбилармонлик» ўйинларининг фаол ўқитиш методларидаги ўрнини яққол тасаввур этиш учун ушбу методлар мажмуини қисқача баён этиб ўтсак.

Фаол ўқитиш методларининг оддий классификациясини рус олими Н.Н. Козленко қуйидагича тавсифлайди: «..фаол ўқитиш методларига «ишбилармонлик»

уйинларидан ташқари реал вазиятларни таҳлил қилиш ва ролли ўйинларни мукаммаллаштириш жараёни киради..»

Ўзбек олимаси В.М. Каримованинг таъкидлашича, «..фаол ўқитиш методларига, энг аввало, баҳс ва мунозара йўли билан билим ва малакалар ҳосил қилиш тушунилади..»

В.Я. Платов ФЎМ(фаол ўқитиш методлари) қуйидаги реал вазиятли ўйинлардан иборат, деб таъкидлайди:

1. Ролли ўйинлар.
2. Иммитатив ўйинлар.
3. Фаолиятга қаратилган ташкилий ўйинлар.
4. «Ишбилармонлик» ўйинлари.

Ролли ўйинларда, энг аввало, иштирокчи шахс сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди.

ФЎМ таркибига имитацион ва ролли ўйинларни киритиш мумкин. Бунда имитацион топшириқлар, турли хил тренинглар, муайян вазиятли бошқотирмаларга жавоб топиш каби вазифалар мажмуи киради. Бунда албатта, реал объектларни ва вазиятларни моделлаштириш имконияти мавжуд бўлади, аммо эркин ролли ўйинлар функциясининг йўқлиги билан ажралиб туриши мумкин.

ФЎМ таркибига кирувчи имитацион ўйинлар қаторига бошқарув ўйинларини ёки ролларни тақсимлаш вазиятларини киритиш мумкин. Бу методларнинг барчаси дунёдаги нуфузли олийгоҳларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилган. Масалан, ғарбдаги бизнес мактабларида ўқув методларидан энг самарилиси деб Кейс- стади (case ctudy)- вазиятли ўқитиш методи тан олинган. Кейс-стади методи биздаги «ишбилармонлик» ўйинларига яқин ҳолдаги методдир.

«Ишбилармонлик уйинлари» мутахассисларни ўқитишда ва уларнинг профессионал сифатларини такомиллашувига хизмат қилади.

«Компьютерли ишбилармонлик ўйинлари шундай психологик вазиятлар мажмуики, бунда ўйин иштирокчилари бир вақтнинг ўзида ҳам ўйинчи, ҳам кузатувчи бўлиш имкониятларига эга бўлишади».

Ишбилармонлик кенг маънода шундай усул турики, бунда турли ишлаб чиқариш вазиятларида бошқарув қарорларини қабул қилиш иммитация қилинади ва бу ўйин шартлари бир гуруҳ инсонлар орасида ёки ЭҲМ билан мулоқот тартибидаги иш режимида ўйналиши мумкин бўлади.

«Ишбилармонлик ўйинлари» - фаол ўқитиш методларидан бўлиб у реал ўрганилаётган объектни тўғри англаш мақсадида таҳсил олувчининг у ёки бу вазиятини ўйин ҳолида талқин қилишга қаратилган усулдир.

«Ишбилармонлик» ўйинлари кенг тарқалган ўйин методларидан бўлиб, улар моҳияти жиҳатдан маълум образларга кириш, ўша образга хос бўлган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиришни тақазо этади.

Кўриб турганимиздек, бу тавсифлар «ишбилармонлик» ўйинларининг ўзига хос муайян хусусиятларини акс эттиради.

Ишбилармонлик ўйинлари» атамасининг пайдо бўлиш вақти узоқ эмас. «Илк ишбилармонлик уйинлари» иккинчи жаҳон уруши йилларида пайдо бўлган. Бунда дастлабки уйинлар ҳарбий- сиёсий характерга эга эди. Кейинчалик бу ўйинлардан социология, тарих, психология, криминалистика соҳаларида фойдалана бошланади.

Дунёдаги энг биринчи «ишбилармонлик ўйинлар» нинг муаллифи Бирштейн Мария Миронова деб тан олинган. У 1930 йилда Санкт- Петербург шаҳридаги муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги ташкил топган илмий- тадқиқот бўлимида «Янгилик яратиш гуруҳи» да фаолият кўрсатиб, раҳбар ходимларни бошқарув вазиятларида ўзини тута билиш ва кадрлар билан ишлаш мулоқотини шакллантириш мақсадида «ишбилармонлик» ўйинларини тавсия этди.

Бир неча йил ичида турли мавзулар бўйича 40 дан зиёд ишбилармонлик ўйинлари ишлаб чиқилди. Бу ўйинлар диспетчер хизматчилари, илмий-тадқиқот институтларида ишлаб чиқариш жараёнларини қайта қуриш, электр таъминоти ва электр хизматлари шахобчаларидаги авврия ҳолатларини олдини олишга ва қатор бошқа халқ хўжалик тармоқлари учун мўлжалланган эди.

Аммо собиқ иттифоқда 1938 йилда ўтказилган қатағон жараёнида генетика, селекция кибернетика каби соҳаларини кутган машъум тақдир «ишбилармонлик» ўйиларининг илдизига ҳам болта урди.

XX асрнинг 50 йилларидан эътиборан АҚШ да «ишбилармонлик» ўйинларни ўқув жараёнида татбиқ қилиш ишлари жадаллашди. Ўйиннинг турли кўринишлари ўқув жараёнларига ҳам татбиқ қилина бошланди. Имитация ва ўйинлар (Simulatioh and Games) номли халқаро журналнинг чоп этилиши ва халқаро жамиятнинг ташкил қилиниши «ишбилармонлик» ўйинларининг нақадар «обрўйи» ортганидан далолат беради.

1980 йилга келиб АҚШ да 228, Россияда эса 300 га яқин «ишбилармонлик» ўйинлари мавжуд эканлиги қайд қилинган. Немис тилида гапирувчи мамлакатларда 200 та шундай ўйин мавжудлиги нашриётларда эълон қилинди, 120 га яқин ўйин компьтерларда ўйналадиганлари деб тан олинди.

ЭҲМ дан фойдаланилган ишбилармонлик ўйинларини ишлаб чиқишдаги илк босқичларда мутахассис- оператор бошчилигида ўйин қатнашчилари ўзларининг қарорларини қоғозга тушуриб кейин электрон ҳисоблаш машина ташигичлар (перфокарта ёки перфолента)га ўтказар эдилар.

Бугунги кунда фан ва техника гуркираган даврда, турли- туман компьютер авлодлари яратилаётган пайтда ишбилармонлик ўйинлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилган бўлади:

1) ўқув мақсадларида, яъни ўқув жараёнида мутахассисларни тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва иқтисодий билимлар тизимини ўзлаштиришда;
2) ишлаб чиқариш жараёнида: жорий фаолият натижасида вужудга келадиган муаммолари ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган реал ахборот материалига таянилган ҳолда ташкиллаштирилган ўйинлар;
3) илмий- изланув, бошқарув тажрибасини таҳлил қилишга мўлжалланган ўйинлар.

Демак, ишбилармонлик ўйинлари ўз моҳияти жиҳатидан, муайян фаолият мотиви, унда ақлий операцияларининг иштироки ва ҳиссий кўриниши жиҳатдан муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга мўлжалланиб, қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

1. Қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлган типик ҳаётий вазиятларни моделлаштириради.
2. Ижтимоий хулқда мавжуд бўлган янги қирралар буйича башорат қилади ва профессионал фаолиятнинг янги хусусиятларини очади.
3. Профессионал фаолиятда учрайдиган хулқ- атвар шакллари ва мулоқотнинг турли кўринишлари, ижтимоий тажрибага асосланган вазиятлар ишлатилиб, индивидуал хусусиятлар очиб берилади.

Шундай қилиб, ишбилармонлик ўйинлари қўллаш соҳалари ниҳоятда кўп. Ўқув мақсадларида компьтердан фойдаланган ҳолда қўлланиладиган ишбилармонлик ўйинлари талабаларнинг ҳаётида тўғри мавқега эга бўлишлари, ўзи истаган, орзу қилган ҳаётий вазиятларни яратишга ўргатади ва ундайди, энг асосийси, ишлаб чиқариш жараёнида ўзини эркин, мулоқотга осон киришувчи шахс билимдон мутахассис сифатида намоён қилишга замин яратади.

**Ролли ўйинлар** кенг тарқалган ўйин методларидан бўлиб, улар моҳият жиҳатдан маълум образларга кириш, ўша образга хос булган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиришни тақазо этади. Шунинг учун ҳам немис олими ва мутахассиси Маргарет Форверг улардаги драматизация элементининг борлигини, бу- «шахсга ўзида мавжуд бўлган ва ўзгалардаги бегона образларни тузатиш- коррекция қилиш самарасидир», дейди. Муаллиф ролли ўйинларнинг уч асосий жиҳатларга ажратган:

- ўйиннинг эмоционал жиҳатдан мукаммаллиги;
- унда идентификация ва эмпатия ҳодисаларнинг ривожланганлиги;
- бошловчининг алоҳида, ўзига хос мавқега эга эканлиги.

Ролли ўйинларининг коррекцион ва амалий аҳамияти шундаки, уларда ҳар бир шахс ўз реал фаолиятига яқин бўлган вазиятларга туширилади ва шу орқали унинг

установкалари ўзгартирилади. Бунда ўйин иштирокчисининг ўша вазиятни хиссий ўз бошидан кечира олиши катта аҳамиятга эга. Ролга киришнинг эса қуйидаги талаблари мавжуд; а) китоб тилида гапирмаслик; б) мулоқотнинг барча кодлари ва сирларидан фойдаланиш; в) овоз хусусиятларига мунтазам эътибор бериш, яъни интонациялар, товушларнинг паст-баландлиги, овознинг эмоционаллиги бу ўринда ролни аниқроқ идрок қилишга имкон беради; г) мимика ва пантомимика элементларини кенг қўллаш; д) ҳар бир ҳолат ва туришни жонлантира олиш; е) вақт ва фазони доимо тушуниб, ҳис қилиб туриш; ж) бошловчининг ролга кирганлар ҳолатларини аниқ тушуниши ва уларга мос баҳо бериб туриши.

Ролли ўйинларда энг аввало иштирокчиси шахс сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди. Ролли ўйинларнинг ўз-ўзини намоён қилиш ва шу орқали ўз хулқини тузатишга имкон бериши хусусиятига ўз вақтида америкалик олим Жон Морено ҳам эътибор берган ва ўзининг психодраматик техникасида унга катта аҳамият берган эди.

Техниканинг моҳияти шундан иборат эдики, иштирокчи ички зиддиятларга бой вазиятни ўзига ўхшаш шахслар билан биргаликда ҳис қилиш ва уйнаш орқали тўларoқ ҳамда аниқроқ англайди. Ролли уйинларнинг ижтимоий психологик аҳамияти ҳам айнан шу нарсага боғлиқ. Шунинг учун ҳам санъаткорлар, драматик актёрлар ўз маҳоратларини такомиллаштиришда шундай психотаҳлил усулидан кенг фойдаланадилар, зеро ўзини англамагунча, ўзга бўлолмайди, ва аксинча «ўзга билиш санъати» -ўзликни англамоқдир.

Ушбу тамойилларни ҳисобга олган ҳолда Морено кейинчалик «гуруҳий психотерапия»ни ҳам ривожлантирди, унда ҳам индивиднинг гуруҳ ҳаётига кириб бориши, гуруҳ таъсирига берилувчанлик ўз ички ҳолатларини ва ўзгалар руҳий кечинмаларини бевосита ҳис қилиш орқали рўй берилишига алоҳида эътибор қаратган. Турли тренинг ўйинлар ҳам ролли ўйин каби ўтади.

Ҳар бир уйин бир неча дақиқадан тортиб, то 1-2 соатгача давом этиши мумкин ва унда 2 кишидан тортиб, то 10 кишигача иштирок этади. Ўйин жараёни қуйидагича кечади: аввал типик ижтимоий психологик вазият моделлаштирилади: масалан, агар бу мактаб ҳаёти бўлса, ўқитувчилар, ўқув ишларини бошқарувчи ва ҳакозолар пересонаж сифатида ҳар бирининг мавқеи аниқланади ва иштирокчиларга муаммо моҳияти тушунтирилади. Барча тренинг аъзолари вазият билан танишиб чиқилади ва муаммоли вазиятдан чиқишнинг мос мақсадга мувофиқ йўлларини қидирадилар. Бунда эътибор берилиши лозим бўлган асосий нарса- иштирокчиларни соғлом шахслараро муносабатларга ўргатиш. Ўйин бошида бошловчи ҳар бир иштирокчига унинг шахсий истаги ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аниқ персонажларни бўлиб беради. Кейинчалик роллар алмашиниши мумкин, яъни ҳар бир ролни навбат билан бир неча киши ўйнаб чиқиши мумкин.

Масалан, стипендияни одилона тақсимлаш муаммосини ҳал қилаётган декан роли ёки қарздор,  лекин моддий ёрдамга муҳтож талаба ролларни бир неча марта ўйналиши мумкин ва охирида ҳамма бир бўлиб, ўтган ҳодисаларни таҳлил қиладилар. Бунда кўпроқ у ёки бу шахснинг ролни қанчалик актёрона ўйнаганлиги эмас, балки ролга муносабат, вазиятдан чиқишда эмоциянинг иштироки ва ролни ҳис қила олганлик санъати таҳлил қилинади.

Ролли ўйинлар орқали катта аудиторияларда тингловчилар олдида нутқ сўзлаш, турли ишлаб чиқариш вазиятлари ёки йиғилишларида низоли вазиятнинг олдини олиш малакаларини ҳам шакллантириш мумкин. Маълум ижтимоий малакани ҳосил қилиш учун тренинг қатнашчиси бир неча ўйинларда иштирок этиши зарур. Моделлаштирилаётган вазият максимал тарзда реал ҳаётга яқинлаштирилиши, қатнашчиларнинг ёши, профессионалткўникмалари бунда ҳисобга олиниши керак.

Ўйинларнинг ташкил этишда бошловчининг роли катта бўлиб, у ҳар бир иштирокчининг муаммо  «таршқарисида» ёки муаммога четдан туриб баҳо беришга эмас, балки вазиятга «ичкаридан» баҳо бериш, унга ҳиссий киришишга ёрдам бериши лозим. Бунинг учун унинг ўзи ушбу вазиятни тўла билиши, гуруҳда яхши маънавий бўлиши, ишонч, самимийликка эришиши, ўзидаги барча қобилиятларни ишга солган ҳолда, иштирокчиларга ҳиссий ёрдам бериб туриши шарт. Унинг асосий вазифаси- ҳар бир иштирокчини болаларга хос ҳиссиётлар билан уйинга берилиб кетишига имконият яратишдир. Бу ўринда ижтимоий психологида фарқ қилинадиган уч асосий ролнинг ўрни  ҳақида тўхтаб ўтишимиз керак.

Ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий психологик роллар асосан қуйидагилардир:

«Катта» роли- у доимо йўл кўрсатувчи, ақл соҳиби, у адашмайди, чунки унинг ҳаётдаги мақсадлари аниқ ва равшан, унинг таклиф ва фикрлари одатда бошқалар томонидан эътирозсиз қабул қилинади. Бу роль хусусида шуни яна айтиш мумкинки, ҳаётдаги индивидуал муносабатга боғлиқ. Шунинг учун баъзан кичик ёшли бола ҳам ўзини «катта» дай ҳис қилиши мумкин, бундайларни ҳаётдаги лақаби-«ёш қари» ёки «кекса қари» бўлиб, уларда ўз-ўзига баҳо ҳамиша юқори ва турмуш икир-чикирларига бефарқ бўлмайди.

«Ота- она» роли -ҳам мавқе ва ижтимоий моҳият нуқтаи назаридан каттага ўхшайди, лекин унда кўпроқ насиҳатгўйлик сифатлари меҳрибонлик, доимий ғамхўрлик қилиш фазилатлари билан уйғунлашади. Бу ролни ижро этиш учун никоҳга кириш ёки никоҳ ёшида бўлиш шарт эмас, у одамнинг дунёқараши, шахс сифати ва фазилатларига кўпроқ боғлиқ.

Учинчи- «кичик» роли. Бу роль ҳаётда кўпроқ учрайди ва унинг моҳияти шундаки, одам доимо ўзгалар панд-насиҳати ва кўрсатмаларига муҳтож  бўлади, уни доимо бошқариш ва етаклаш керак. Билим савияси ёки ёшидан  қатъи назар, «кичик»- доимо ўзгалар ҳаракатига таҳлид қилиш, тез, асоссиз хулосалар чиқариш,

мантиқсизликка ҳам йўл қуйиш иллатларига эга. Кўпчилликка кичик ролда бўлиш қулай, чунки у ўз ҳаракатлари ва гапирган гапи учун маъсулият ҳис қилмайди, бошқалардан андоза олишга ўрганган.

Юқоридаги ролла моҳиятини назарий жиҳатдан бир- биридан фарқ қилиб, англаб олган тренинг қатнашчилари уларни турли вариантларда қўллашлари мумкин. Масалан, шундай уйин вазиятни олайлик, эр ва хотин ишлаб топган жамғармаларини қай йўсинда оқилона сарфлаш устида бош қотирмоқда. Юқоридаги уч рол нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, бу ролларнинг олтита ва ундан ортиқ вариантлари тренинг қилиш мумкин.

Масалан: эр навбат билан ё «катта», ё «ота-она» ёки «кичик» бўлиб, пулни ишлатиш хусусида турлича фикр мулоҳаза юритади, хотин ва турли ижтимоий келиб чиқиб, муносабат билдириши мумкин. Бир вазият: хотин оила лидери, унинг роли «катта» : «Аслида адаси, Сизнинг айтганингиз маъқул-ку лекин мен бир нарса айтай. Шу пулларнинг оилага умуман наф келтирадиган, яхши нарсага сарфласак-да, биздан кейин болаларга ҳам қолса. Мен яхшилаб уйладим-бу пулларга... олган маъқул...». Иккинчи вазият хотин «кичик» ролида: «Вой, мен қаердан билай, бу пулларни нимага сарфлашни, ўзингиз фарзандлар учун сарфларсиз ўзингиз нима қилсангиз қилаверинг, доим ўзингиз билиб иш қилардингиз-ку..!?» Учинчи вазият: хотин «ота-она» ролида- - «Мен сизга ишонаманки, тўпланган маблағни ўзингиз, фарзандлар учун ишлатарсиз, фақат беҳуда сарф-харажат бўлмаса бўлди. Менга қолса, албатта, уй- рўзғордаги камчиликларга ишлатган бўлардим сизга ҳам шуни маслаҳат бераман...,». Шунга ўхшаш эркак кишининг мавқеи ҳам юқоридаги роллар нуқтаи назаридан ҳар хил бўлиши мумкин. Бошловчи ҳар бир иштирокчининг ролни ҳис қилишига қараб, уни ана шундай тоифаларга бўлиши ва чиқмаган ролни яхшироқ ўйнашга чорлаши ҳам эҳтимол.

Ижтимоий психологик вазият ўз ичига қўйидагиларни олади: ўйиннинг сюджети, қўйилган ижтимоий психологик муаммо, берилган шахслараро муносабатларнинг характери. Демак, танланган вазият икки асосий талабга жавоб бериши керак: а)унинг мазмуни ва муаммонинг характери реал борлиққа, ҳаётдаги вазиятларга тўғри келиши; б) унинг иштирокчилари учун аҳамиятли бўлиши. Агар шу жиҳатларга бошидан эътибор берилмаса, иштирокчиларда тренинг ҳақида нотўғри тасаввур шаклланади, унинг мақсади тескари талқин этилади ва самара кутилгандай бўлмайди. Шунинг учун иштирокчиларни ўйин вазиятига тўғри йўналтириш, уларнинг ҳар бирида тўғри мотивация ва қизиқишни ҳосил қилиш бошловчидан ҳам тажриба, ҳам психологик малака талаб қилади.

**Ўзбек миллий ўйинлари ва уларнинг ахлоқий тарбия беришдаги аҳамияти.**

Ўзбек фольклорининг бошқа жанрлари каби болаларнинг анъанавий ўйинлари ҳам ўзига хос тарихий генетик илдизига ва бадиий тадрижга эга.

Уларнинг вужудга келишида қадимги инсонланинг ибтидоий тасаввур ва тушунчалари, дастлабки мифологик қарашлари, турли рамзий хатти-харакатлари, маросим ва урф одатлари етарли даражада таъсир кўрсатган. Айтайлик болалар ўртасида кенг тарқалган «Оқ теракми, кўк терак» ўйини асосида ибтидоий инсонларнинг оқ кўк ранглар ҳамда дарахтлар топинчига дахлдор тотемистик тасаввур ва тушунчалар ётади.

«Оқ теракми, кўк терак» ўйин қўшиқ бўлиб, узоқ замонлардан бери болалар репертуарларида яшаб келмоқда.

«Бойланди» ўйини эса чорвадорлик билан шуғулланувчи аҳоли болалари ўртасида анъанавийдир. Унда болаларга қўйларни қай ҳолда боқилиши, нималар билан озиқланиши, қўйлардан олинадиган сут, қатиқ, жун, гўшт, тери ва бошқа истъмол моллари ҳақида билим берадилар.

«Сотувчи ва харидор» ўйини ҳам халқнинг ижтимоий турмуш тарзи, касб-кори билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Бу ўйин орқали болалар савдо-сотиқ муомаласи қоидаларини ўзлаштириб оладилар.

## 16- МАВЗУ: Тестларнинг турлари ва уларни қўллаш

**Р е ж а:**

1. Билимларни баҳолаш ва унинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.
2. Назорат турлари.
3.Тестлар ва уларнинг турлари.
4. Рейтинг тизими ва тестларнинг аҳамияти.

**Асосий тушунчалар:**

Билимни баҳолаш, баҳолашнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, рейтинг тизими, назорат турлари, огзаки, ёзма ва тест воситасида назорат қилиш, тестлар ва уларнинг турлари, ёпиқ тест, очиқ тест, мувофиқликни аниқлашга доир тестлар, давомийликни аниқлашга оид тестлар, тест назоратининг афзаллик ва камчиликлари. Баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом.

## АДАБИЁТЛАР

1. « Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат» Низом. «Халқ таълими», 2000 й, 4-сон, 10-24 бетлар.

2. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й

3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й

4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й

5.М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини ақлий камолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқиёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Билимларни назорат қилишда қўйилган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таассуротлар қолдирганини, улар ўртоқларининг ўқишдаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш лозим. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, баъзан - баъзан тасодифан текширишларни олдини олади ва тартибли доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб беради.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганлиги назорат қилинади ва вазифалар берилади.
2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўқув юртлари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.
3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади, шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир.

Назорат жараёнида унинг ёзма,оғзаки ва амалий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштириш назорат қилиш кенг тарқалган. Бу асосан савол - жавоблар орқали олиб борилади. Бунда якка сўраш, фронтал сураш каби турлари фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" ва "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Истиқлол ва маънавият" каби асарларида мустақил Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётининг келажаги ҳақида асосай йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, мутахассислар тайёрлашда уларни интеллектуал ривожлантириш зарурлигини алоҳида қайд қилинганди. Қўйилаётган талаблар билан ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик шароитларининг муфассал эмаслиги орасида тафовут яратади. Айниқса, мутахассис тайёрлашда мактабдан бошлаб олий ўқув юртларни битириб чиққунларигача назорат шаклининг тўлиқ бўлмаганлиги таълим - тарбия жараёнининг

асосий муаммоларини ташкил этади. Масалани муҳим томони шундаки, мутахассислар оммавий тусда тайёрланганда тарбиячиликнинг ҳар бир талаба билан етарли даражада яккама - якка мулоқот қилишга вақти етмайди. Мулоқот тезкор савол - жавоб тарзида ўтса, табиатан бундай мулоқот талабани ҳам тарбиячини ҳам қаноатлантирмайди. Олий ўқув юртларидаги синов ва имтиҳонлар жуда кўп вақтни эгаллаган ва талабанинг иқтидорини ҳар томонлама баҳолашга арзимаган. Ушбу саволларга кўра, назорат жараёнини активлаштириш, кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш учун бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чет эл тажрибалари ва кўплаб тажрибаларнинг натижаси ўлароқ рейтинг услуби бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинди.

Рейнинг деганда - баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, бironta ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида психологик объектларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб (эксперт баҳолаш) дастлабки классификациялаш амалга оширилади.

Шкалалаш - аниқ жарёнларни рақамлар системаси ёрдамида моделлаштиради. Уларнинг турли услублари, тавсифлари қай бир миқдорий ўзгарувчиларга турлича айлантириш услубларидан иборат.

Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади. Тест деганда - аниқ вазифани такомиллашганлиги даражасини аниқлашда, сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича баҳолаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имкониятини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб бир хил шароитлар яратилади;

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим, ўрта - махсус, касб - ҳунар таълимини ва олий таълим босқичларида ўқувчи талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи талабаларни бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантириш ғоясига асосланади.

Билимларни баҳолашда рейтинг назорат тизимига ўтиш орқали қатор вазифалар ҳал этилади. Жумладан:

- ўқувчи талаба билимнинг  сифат кўрсаткичларини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баллар билан баҳолаш;
- ўқувчи талабаларнинг ўзлаштиришини доимий назоратга олиш билан уларнинг ўз устида бутун ўқув йили давомида фаол ишлашини жонлантириш;
- ўқувчи талабалар мустақил ишларининг самарадорлигини ошириш;
- рейтинг назоратида ЭҲМли ва ЭҲМсиз тестлардан фойдаланиш;
- кўплаб камчиликларга эга бўлган мавжуд синов, имтиҳон сессияларидан воз кечиш.

Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг семестр давомидаги, ўқув йили давомидаги фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси эса талабанинг курс рейтингини ташкил этади. Ҳар бир фан бўйича ўкувчи талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий назорат;
- оралиқ назорат;
- якуний назорат.

Жорий назорат - бу ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини, шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориш кўзда тутилади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олишини ва натижасини муттасил назорат қилиб боришни назарда тутади.

Оралиқ назорат - бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат - бу назорат семестрлари учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлинган, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади.

Талабанинг фан бўйича семестрдаги рейтинг баҳоси жоий, оралиқ ва якуний назоратларда тўплаган баллари бўйича аниқланади.

Ҳар бир фан максимал рейтинг бали шу фан учун ўкув режасида ажратилган умумий дарс соатлари миқдорига тенг деб ҳисобланади.

Максимал балнинг 70%миқдори жорий оралиқ назорат жараёнида, 30% миқдори якуний назоратда тўпланиши тавсия қилинади.

Семестр давомида мазкур фан бўйича тўплаган балларга нисбатан талаба билими қуйидагича баҳоланади:

86-100% аъло;
71-85% яхши;
56-70% қониқарли;
55 ва ундан кам фоиз қониқарсиз.

Ўқув педагогик ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллари билан баҳоланади.

**Ўқувчилар билимини баҳолаш.** Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш оғзаки, ёзма ва тест назорати шаклида бўлиши мумкин. Назорат қилиш турларининг афзалликлари ва камчиликлари қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

**Оғзаки, ёзма ва тест воситасида назорат қилиш турларининг афзалликлари ҳамда камчиликлари**

| Назорат усули | Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|---|
| Оғзаки | Ташкилий жиҳатдан осон ва оддий.<br>Педагог билан талабанинг ўзаро муносабати, мулоқати.<br>Талаба жавобини ўзи лойиҳалаштиргани учун билим доирасини кенгроқ аниқлаш имконияти бўлади:<br>- Жавобни режалаштириш;<br>- Зарур билимларни танлаб, тизимлаштириш; | Таълим дастурига (стандартга) нисбатан танлаб олиш хусусиятига эга бўлади.<br><br>Оғзаки синов учун кўп вақт сарфланиши.<br><br>Баҳонинг маълум маънода субъективлиги. |

| | | |
|---|---|---|
| | - фан тилида ўз фикрини аниқ, равшан баён қилиш малакаси;<br>- ўз фикрини фактлар, мисоллар асосида исботлаш, зарур ҳолларда ҳимоя қилиш, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлиш. | Ишончлилик даражасининг пастлиги.<br><br>Баҳонинг умумийлиги, яъни жавоб учун ягона баҳо қўйилади. |
| Ёзма назорат | Мустақил ёзма иш ижодий қобилиятларни энг юқори даражада ривожлантиради.<br>Ўқув материалларининг ўзлаштирилиш даражаси ёзма равишда ҳужжат асосида аниқланади.<br>Ёзма иш мезонлари аниқ бўлса, баҳонинг холислиги ошади.<br>Маълум шароитларда ёзма ишларнинг ишончлилиги ошади.<br>Талабага ўз фикрини ёзма баён қилиш малакасини ошириш имконини беради.<br>Ташқи ёзма назоратда холисона баҳолаш даражаси анча юқори бўлади. | Ёзма ишларни текшириш учун ўкитувчиларнинг кўп вақт сарфлаши.<br><br>Компьютердан фойдаланиш қийин бўлади. |
| Педагогик тест синовлари | Холисона педагогик баҳолаш воситасидир. Натижа тест ўтказган шахсга боғлиқ бўлмайди.<br>Кенг қамровли бўлиб, катта ҳажмдаги ўкув материалини умумий равишда назорат қилиш имкониятини беради.<br>Компьютерлар воситасида яхши автоматлаштирилади.<br>Тест натижасини компьютерга ҳисоблаш мосламаси ёрдамида киритиш ва уларни қайта ишлаш.<br>Компьютерли мослама тест тизимларидан фойдаланиш имкони мавжуд, бунда ҳар бир кейинги топшириқ олдинги топшириқнинг бажарилишига кўра берилади. Бу педагогик баҳолаш аниқлигини оширади. | Ўқитувчи билан талаба ўртасида жонли мулоқат бўлмайди, талаба ўз фикрини оғзаки баён қилиш малакасини эгаллаш имконига эга бўлмайди.<br><br>Дастурдан ташқари бўлган билим ва қўникмаларни намойиш этиш имкони йўқ.<br><br>Сифатли тест тузиш анча мураккаб ишдир. |

Бундан келиб чиқадики, ўкув жараёнида оғзаки синов, ёзма ишлар ва педагогик тест синовлари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилса натижа самаралироқ бўлади.

Тест топшириқлари мазмунига кўра ёпиқ, очиқ, мувофиқликни аниқлашга доир ва давомийликни тўгри белгилашга оид тестларга бўлинади.

**Ёпиқ тест-** тест шарти савол ёки бирор вазифа ва қисқа жавоблардан иборат бўлиб, кўпинча жавоблардан биттаси тўғри, қолганлари тўгғри жавобга ўхшашроқ бўлади. Ёпиқ тест деб аталишининг боиси шундаки, ўкувчи қуйилган шартга ўз жавобини беролмайди, у тестда келтирилган жавоблардан бирини танлаши лозим.

**Мисол.** Предмет бўйича тест топшииқлари сони кўпайиши билан педагогик ўлчаш (баҳолаш) аниқлиги қандай ўзгаради?

<u>А. Ортади.</u> В. Камаяди. С. Ўзгармайди. Д. Қонунияти йўқ.

**Очиқ ёки қушимча тест топшириқлари**. Очиқ тест вазифалари- кишига ўз хоҳишига кўра жавоб бериш имкониятини яратади. Очиқ тестлар, одатда битта асосий сўз ёки сўзлар тушириб қолдирилган жумладир.

**Мисол.** Ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўкувчилар гуруҳига -------------------- дейилади.

Тўғри жавоб: синф.

**Мувофиқликни аниқлашга доир тестлар.** Бунда икки хил тушунча элементлари ўртасидаги муносабатни аниқлаш талаб этилади. Бундай топшириқлар фақат билимларни назорат қилиш учунгина хизмат қилмай, балки маълумотларни ёдда сақлаш, билим доирасини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

**Мисол.**

1. Анъанавий таълим камчиликлари.
2. Ноанъанавий таълим камчиликлари.

А. Ўқувучилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.

В. Кўп вақт талаб этилади.

С. Ўқувчиларни ҳар доим ҳам етарлича назорат қилиш имконияти паст.

Д. Мураккаб материал ўрганилдаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.

Е. Мотивация вужудга келмайди.

F. Ўқувчилар ўкитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди.

Тўғри жавоб: 1- А, Е, F. 2- В, С, Д.

**Давомийлик (изчиллик)ни тўғри белгилашга оид тест топшириқлари.** Бундай топшириқлар турли ҳарактлар, фикр юритишларда изчиллик мавжудлигини текшириш, аниқлаш учун ишлатилади. Мазкур топшириқлар алгоритмик билимларни назорат қилиш имконини беради, алгоритмик билимлар эса касбий таълимнинг сўнгги босқичларида катта аҳамиятга эга.

Мисол.

## 17- МАВЗУ: Гуруҳ шароитида ўқувчилар ўзлаштириш сифатини баҳолаш усуллари ва асосий мезонлари

**Р е ж а:**

1. Гуруҳий баҳс- мунозарани баҳолаш мезони.
2. Ўқиш- англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш мезони.
3. Баҳолашнинг анъанавий тизими, унинг афзаллик ва камчиликлари.
4. Баҳолашнинг янгича тизими. Анъанавий ва янги тизимлар таҳлили.

**Асосий тушунчалар:**

Гуруҳий баҳс, мунозара, баҳолаш, ўқиш- англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш, баҳолашнинг анъанавий тизими, унинг афзаллик ва камчиликлари, баҳолашнинг янгича тизими, анъанавий ва янги тизимлар таҳлили**.**

**АДАБИЁТЛАР**


1. Фарберман Б.Л. ва бошқ.Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 й
2. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Т., «Молия», 2003 й.
3. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар. Қарши, 2000 й
4. Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. Т., 2002 й
5. М.Маҳмудов.Таълимни дидактик лойиҳалаш. Т., 1999 й


### Гуруҳий баҳс-мунозарани баҳолаш мезони.

| | Хар доим | баъзан | Ҳеч қачон |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Мунозарани бошлашдан олдин топшириқни аниқлаб оламиз | | | |
| 2. Берилган мавзу бўйича ишлашга ҳаракат қиламиз | | | |
| 3. Муҳокамада ҳамма иштирок этади | | | |
| 4. Жавоб беришдан аввал бир-биримизни эшитамиз | | | |
| 5. Ягона хулоса (фикр)га келишга ҳаракат қиламиз. | | | |
| 6. Орамиздан кимдир барча айтилган гапларни қоғозга тушуради. | | | |

## Ўқиш-англаш бўйича ўз-ўзини баҳолаш мезони

| | ҳар доим | баъзан | ҳеч қачон |
|---|---|---|---|
| 1. Матннинг номи ва иллюстрация (кўргазма)сига қараб мазмунини фахмлаб оламан. | | | |
| 2. Ҳикоянинг жанрига қараб нима воқеа бўлишини фараз қила оламан. | | | |
| 3. Мен ўқийман ва барча фахмлаган нарсаларимни эслаб қоламан. | | | |
| 4. Менга воқеани фахмлаш учун ёрдам берувчи тавсилотларга эътибор бераман. | | | |
| 5. Матнни ўқиб туриб тўхташга ҳаракат қиламан, менга нима маълум ва нима содир бўлиши мумкин дея ўзимга савол билан мурожаат қиламан. | | | |

## Ёзма ишни баҳолаш мезони

| Баҳо | Мезонлари | Изоҳ |
|---|---|---|
| «5» | 1. Ўзига хос тарзда, яхши далилларга ассланган фикр айтилди (синфда айтилган фикрлар такрорланади, қарши далиллар эътиборга олинади)<br>2. Иншонинг кириш, асосий ва хулоса қисмига режа тайёрланган.<br>3. Ёзма ишнинг стилистикаси, орфографияси, тиниш белгилари тўғри қуйилган, хатосиз ёзилган<br>4. Иншо ҳажми 5-7 бет | |
| «4» | 1. Ўзига хос тарзда яхши, мустақил ва далиллларга асосланган фикр айтилди (далиллар «5» баҳоникидан кам бўлиши мумкин)<br>2. Иншонинг кириш, асосий ва хулоса қисмига режа тайёрланган. | |

| | | |
|---|---|---|
| | 3. Ёзма иш тушунарли тилда ёзилган. 1-2 та хатолари бор.<br>4. Иншо ҳажми 5-7 бет. | |
| «3» | 1. Аниқ шаклланган фикр илгари сурилган.<br>2. Иншонинг кириш, асосий ва хулоса қисмига режа тайёрланган.<br>3. Ёзма иш тушунарли тилда ёзилган. 5-7 та хатолари бор.<br>4. Иншо ҳажми 4-5 бет | |
| «2» | 1. Аниқ ифодаланган фикр йўқ.<br>2. Ҳеч қандай далил келтирилмаган.<br>3. Иншонинг режаси йўқ.<br>4. Иш стилистик жиҳатдан «хом», 7 ва ундан ортиқ грамматик ва орфографик хатолари бор.<br>5. Ҳажми 3 бетдан кам. | |

**Баҳолаш тизимининг анъанавий ва янгича кўринишларининг қиёсий таҳлили:**

| Анъанавий баҳолаш тизими | Баҳолаш тизимининг янги (қирра) кўринишлари |
|---|---|
| 1. Баҳолаш субъект-субъект ўзаро таъсири жараёни сифатида | Баҳолаш субъект-субъект ҳамкорлиги жараёни сифатида |
| 2. Охирги натижа баҳоланади | Натижага интилиш жараёни баҳоланади. |
| 3. Баҳолаш яхлит амалга оширилади | Баҳолаш узлуксиз амалга оширилади. |
| 4. Баҳолаш натижаси- миқдорий билим. | Баҳолаш натижаси- ўкув ютуқларининг кўп ўлчовли миқдорий, сифатий тавсифи |
| 5. Баҳолаш алоҳида фан ёки мавзуга йўналтирилган | Баҳолаш тизимли ва фанлараро |
| 6. Айрим бўлимлар бўйича билим ва тор мутахассислик кўникмалари баҳоланади. | Амалиётнинг чуқур ва кенглиги баҳоланади. |
| 7. Ўқитувчи назоратчи ва иштирок этувчи (судья) сифатида қатнашади. | Ўқитувчи маслаҳатчи ва адвокат ролида қатнашади. |
| 8. Баҳолашда (назорат ёки якуний ишларни) ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсирига йўл қўйилмайди. | Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири узилмайди,балки баҳолаш жараёнида қўллаб қўвватланади. |
| 9. Баҳолаш асосан ўқитувчи томонидан амалга оширилади. | Ўқувчиларнинг ўзаро баҳолаши ва ўз-ўзини баҳолаши ҳар томонлама рағбатлантирилади. |
| 10. Асосий эътибор баҳонинг объективлиги (ҳаққонийлиги) га қаратилади. | Асосий эътибор баҳо ва ўз-ўзини баҳолашнинг эгилувчан бирикувига кўчирилади. |
| 11.Баҳолаш ташқи омилларга қатъий асосланган. | Баҳолаш эгилувчан асосга эга ва очиқ тизимни намоён қилади. |
| 12. Ўқувчилар билмайдиган ва бажара олмайдиган томонларга эътибор | Ўқувчилар биладиган ва бажара оладиган томонларга эътибор кучайтирилади. |

| | |
|---|---|
| кучайтирилади. | |
| 13. Баҳолаш кўпинча синф доирасида қиёсий тавсифга эга бўлади. | Ўқувчиларнинг шахсий, ўзига хос, ажойиб хусусиятлари бошқа ўқувчилар ютуқлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳолаади. |
| 14. Битта фан доирасида бир хил ақлий салоҳият (интеллект) аҳоланади. | Ҳар хил ижтимоий салоҳият ва унинг кўплиги баҳоланади. |
| 15. Баҳолаш алоҳида восита (назорат иши, тест каби)лар билан чекланган. | Баҳолаш турли-туман воситалардан фойдаланишни мўлжаллайди. |
| 16. Баҳолашда аввалдан битта тўғри жавобни кўзда тутувчи топшириқларга эга бўлади. | Баҳолашда турли жавоб вариантларига эга бўлган «очиқ» топшириқлардан фойдаланилади. |
| 17. Қайд қилинган ўқув ютуқлари баҳоланади. | Ўқув натижаларига эришиш учун қилинган ҳаракатлар эътиборга олинади |
| 18. Баҳолаш асосан якка тарзда бўлади. | Якка баҳолаш билан бир қаторда гуруҳнинг баҳоланиши ҳам рағбатлантирилади. |
| 19. Баҳолашнинг мақсади- хатони намойиш қилиш. | Баҳонинг мақсади- хатоларнинг олдини олиш ва хатолар асосида ўрганиш. |
| 20. Баҳолаш ўқувчилар учун ҳаяжонли ва сунъий шароитда ўтказилади. | Баҳолаш ўкувчилар учун аббий, ҳаяжон ва зўриқишни йўқотишга ёрдам берадиган шароитларда ўтказилади. |
| 21. Назорат ва баҳолаш тизими ўқитувчининг қўлида бўлади. | Назорат тизимининг бир қисми ўқувчига ўтади ҳамда ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилишга айланади |
| 22. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билими ва малакаларидаги хато ва бўшлиқларни кўрсатади. | Ўқувчилар мустақил ва тушунган ҳолда ўз камчиликларини аниқлайди ва ўқитувчи билан биргаликда уларни тузутишга ҳаракат қилади. |
| 23. Баҳолашда вақт омили устуворлик қилади. | Ўзлуксиз таълим жараёнида вақт чегараларининг эгилувчанлиги. |
| 24. Қаттиқлик миқдорий баҳолашнинг натижасидир. | Баҳолашнинг сифатлилиги ташкилий тузилма (таълим шакли, дарс жадвали)да эгилувчанликни талаб қилади. |
| 25. Сифатли баҳолаш маълумоти (кузатиш, суҳбат, интервью) баҳолашда аҳамиятга эга эмас. | Баҳолашда сифатли маълумот (ҳиссиёт омили, ташаббус, фанга муносабати)нинг муҳимлиги. |
| 26. Баҳолаш таълим мазмунидан ажратилган. | Барқарор ўзаро таъсир: узлуксиз таълим-узлуксиз баҳо. |
| 27. Ўқувчиларда боқимандалик кайфияти шаклланади: нима баҳоланса, шуни ўқиб келади. | Ўқув дастури ва стандартларидан четга чиқиш рағбатлантирилади. |

| | |
|---|---|
| 28. Ташқи миқдорий баҳо- билим ўлчовидир. | Ҳақиқий (объектив) баҳо- билим кўрсаткичи (индикатор)дир. |
| 29. Оқ қоғозга ёзилган ишнинг қиммати- ишнинг охирги вариатнти сифатида. | Нафақат қда ёзилган иш, балқи қоралар ҳам ишчи вариант сифатида қимматли. |
| 30. Таълим ютуқларига самарадорлигининг охирги натижаси сифатида урғу берилади. | Ўқувчининг ривожланишига ўз-ўзини ўқитишнинг узлуксиз жараёни сифатида урғу берила |
| 31. Баҳолаш бир ўзгарувчилик функция сифатида. | Баҳолаш кўп ўзгарувчан, тенг таъсир этувчи функция сифатида. |

Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдеври. Т., «Шарқ», 1998 йил.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдеври. Т., «Шарқ», 1998 йил.
3. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеври» Т., 1997 йил.
4. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида» Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Т., «Ўзбекистон» 1999 йил.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // «Тафаккур», 1998 йил, 2-сон.
7. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ». 1998 йил.
9. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения . М., «Педагогика», 1995.
10. Беспалько Б.П. Слагаемые педагогической технологии.М., 1989 г.
11. ЙўлдошевЖ. Янги педагогик технология: йУналишлари, муаммолари, ечимлари. // «Халқ таълими», 1999 йил, 4-сон, 4-11 бетлар.

12. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М., 1989 г.
13. Lewy Itross, Bathory Z. The Toxonomy of Educational obyektiv in Continental. Evrop, Univ. of Chikago.1994.P.146-163/
14. Маҳмудов М. Ўқув материалини дидактик лойиҳалаш тизими. // «Педагогик маҳорат», 2002 йил, 3-сон, 3-11 бетлар.
15. Маҳмудов М. Таълим натижасини лойиҳалаш. // «Пежагогик маҳорат», 2003 йил, 1-сон, 8-10 бетлар.
16. Назарова Т.С. Педагогическая технология: новый этап эволюции. Т., 1999, ст.
17. Очиилов М. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. Қарши, «Насаф», 2000 йил.
18. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Книга 1. М., «Владос», 2000 г.
19. Сайидаҳмедов Н.Янги педагогик технологияларнинг моҳияти. // «Халқ таълими», 1999 йил, 1-сон, 97-102 бетлар.
20. Сайидаҳмедов Н. Таълимда ҳаракатлант ирувчи куч. // «Маърифат», 1998 йил, 16 январь.
21. СОРОС халқаро очиқ жамиятининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» фанлараро дастури. Т.
22. Фарберман Б.Л, Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Т., 2002 йил.
23. Фарберман Б.Л. Прогрессиные педагогические технологии.-Т.,1999.

# “Саҳродаги бўрон”

| № | Сақланиб қолган буюмлар номи | Ўрин бериш | | | четлашиш | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | индив | гурух | ҳақиқий | индив | гуруҳ |
| 1 | Чўнтак фонари | | | | | |
| 2 | Қаламтарош | | | | | |
| 3 | Оқ-қизил рангли парашют | | | | | |
| 4 | Компас | | | | | |
| 5 | Ҳалокатга учралган район харитаси | | | | | |
| 6 | Ҳар бир киши бошига 2 литрдан сув | | | | | |
| 7 | Саҳродаги ҳайвонлар ҳақида китоб | | | | | |
| 8 | Тўппонча (зарядланган) | | | | | |
| 9 | Ҳар бир кишига пальто | | | | | |
| 10 | Кенг плаш | | | | | |
| 11 | Санитария қутиси | | | | | |
| 12 | Ҳар бир кишига қора кўзойнак | | | | | |
| 13 | Ойнача | | | | | |
| 14 | Туз | | | | | |
| 15 | 2 литр ароқ | | | | | |
| | ЖАМИ | | | | | |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари** фанидан

Якуний назорат учун ёзма иш варианти.

**1- ВАРИАНТ**

1. Танқидий фикрлаш ва унга турли қарашлар.
2. Матн билан ишлашда «Инсерт» жадвали, «Икки қисмлик кундалик» усулларидан фойдаланиш.
3. Гуруҳга ажратиш ва гуруҳда ишлаш қоидалари

**Асосий тушунчалар**

Танқидий фикрлаш тушунчаси ва унга турли қарашлар, юқори тартибдаги фикрлаш, мантиқий фикрлаш, мустақил нуқтаи-назар пайдо қилиш; Инсерт усули, фаолликни қўллаб-қувватлаш, инсерт жадвали ва у билан ишлаш. Икки қисмлик кундалик, Матндан танлаб олинган сўз, ибора, гап ёки бирор цитата. Танлаб олинган цитатага шарҳ. Муносабат, фикрни баён этиш; Таълимнинг гуруҳли шакли ва аҳамияти: таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати, билимнинг ҳамкорликда бойиши, ўзаро муносаба, гуруҳга ажратиш ва гуруҳда ишлаш қоидалари.

Кафедра мудири: доц.Ш.А.Абдуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари** фанидан

Якуний назорат учун ёзма иш варианти.

**2- ВАРИАНТ**

1. Танқидий фикрлашнинг элементлари:
2. Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари.
3. Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишда «Б-Б-Б»(биламиз, билишни хоҳлаймиз, билдик» стратегиясидан фойдаланиш.

**Асосий тушунчалар**

. Танқидий фикрлашнинг элементлари: а) мустақил фикрлаш б) Ахборот танқидий фикрлашнинг бошланиши в) муаммони аниқлаш. г) ишончли далилларга таяниш. д) Танқидий фикрлашнинг ижтимоий характери.; таълимнинг ноанаънавий шакллари-тизимли, технолгик, тадқиқий-ижодий; Б-Б-Б-чизмаси»- «биламиз, билишни хоҳлаймиз, билиб олдик» усули моҳияти, матнни тушунишни кузатиш, «Б-Б-Б» усулини қўллаш қоидалари, у жадвал асосида амалий иш бажариш, Б-Б-Б чизмани тўлдириш.

Кафедра мудири: доц.Ш.А.Абдуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари** фанидан

Якуний назорат учун ёзма иш варианти.

**3- ВАРИАНТ**

1. Фикрлаш ва «нотанқидий» фикрлаш турлари, танқидий фикрлашга оид қарашлар
2. Мақсадларни белгилашда Блум таксономиясидан фойдаланиш.
3. Танқидий фикрлашга ўргатишда «Т-чизма» усулидан фойдаланиш.

**Асосий тушунчалар**

Фикр, ғоя, фикр юритиш, мантиқий фикрлаш, диққат билан ўкиш, мунозара юритиш, мураккаб ғояларни тушуниш, ички ҳис билан фикрлаш;

Таксономия-(кўп босқичли тузилиш) тушунчаси,, таълим мақсади категориялари, билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш;

Ўқувчилар фаоллигини ошириш, инновацион усуллар, «Т-чизма» усули, қўшалоқ жавобларни таққослаш, зид жавобларни ёзиш;

Кафедра мудири: доц.Ш.А.Абдуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари** фанидан

Якуний назорат учун ёзма иш варианти.

4 ВАРИАНТ

1. Танқидий фикрлаш босқичлари.
2. Кичик гуруҳлар тузишнинг турли усул ва йўллари.
3. Ўқувчиларни танқидий фикрлашини ўстиришда «Семантик хусусиятлар» усулидан фойдаланиш.

**Асосий тушунчалар**

Танқидий фикрлаш асослари, чақириқ (даъват), англаш, фикрлаш (мулоҳаза); Гуруҳга бўлиш йўллари. Ўйин усуллари, «шеригингни топ»усули, «чўп танлаш» усули, «ёқтирганингни танла» усули; Семантик хусусиятлар усули, асосий билимларни ривожлантириш, фаоллаштириш, янги ёки кам маълум бўлган жиҳатлар, мавзуларни ўзаро таққослаш;

Кафедра мудири: доц.Ш.А.Абдуллаева

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**
**ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**Танқидий фикрлашнинг педагогик асослари** фанидан
Якуний назорат учун ёзма иш варианти.

**5- ВАРИАНТ**

1. Ўқитишнинг анъанавий шакллари.
2. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар.
3. «Синквейн» усули, уни ёзиш қоидалари. Синквейнга мисоллар келтиринг.

**Асосий тушунчалар**

